

83-49
A98

ШОИРА АҲМЕДОВА


МАКТУБОТ ВА
АДАБИЙ ТАНҚИД



FF0000010417


ШОИРА АҲМЕДОВА

МАКТУБОТ ВА АДАБИЙ ТАНҚИД



Масъул муҳаррир:

ЎзР ФА академиги
Б.А.Назаров



011277/4

« ФАН »

Рисолада ўзбек танқидчилигида кам ўрганилган адабий-танқидий мактуб жанри таҳлил этилган. Унинг ўзига хослиги, генезиси, шакллари ва бадиияти каби қатор муаммолар ёритилган.

Китоб адабиётшунослар, филолог талабалар, магистрлар, аспирантлар ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори,
профессор О.С.Сафаров,

филология фанлари доктори,
профессор Р. Ж. Воҳидов

филология фанлари номзоди
Н.М.Афоқова

ISBN 5-648-03317-6

© Ўзбекистон
Республикаси ФА "Фан"
нашриёти, 2005 йил.

Адабий—танқидий мактубнинг жанрий табиатига доир тадқиқот

Ҳали ёзув кашф қилинмаган олис ўтмишда аждодларимиз ўзаро алоқа, ҳамкорлик, дардкашлик ва муносабатнинг хилма—хил турларига эҳтиёж сеза бошлаганларида шундай муносабат воситаси сифатида буюмли—рамзий мактубни ихтиро қилганликлари тарихий манбалар орқали маълум. Бу ҳақда талай ривоятлар бизгача етиб келган. Чунончи, Эрон шоҳи Доро скифлар юртига бостириб кирмоқчи бўлганида уларнинг шоҳи Иданфрис уни огоҳлантирмоқчи бўлиб, қуш, сичқон, бақа ва бешта ўткир ўқни рамзий совға сифатида унга юборганмиш. Бу билан у: «Агар сиз, эронийлар, қуш каби учиб ғойиб бўлмасангиз, ё сичқон каби ер тагига кириб кетмасангиз, ё қурбақа сингари ботқоқликка шўнғимасангиз, у ҳолда ўқлардан шикаст еб, шу ерларда қолиб кетасиз». (В. Драчук. Дорогами тысячелетий. М. 1976, с.34) демоқчи бўлган экан. Ривоятдаги қуш, сичқон, қурбақа ва ўқ ёзув воситалари бўлиб, хатни ташкил этган ва ундаги муддаони ифодалашга хизмат қилган.

Юқорида келтирилган буюмли мактубнинг яна бир хусусияти шундаки, у одамлар ўртасидаги оддий «ёзишма» бўлмай, балки шоҳлар ўртасидаги таҳдидли муносабатни ифодалаётган дипломатик мактубдир. Уни бугунги дипломатиядаги нотага тенг дейиш мумкин. Кўринаётирки, мазкур буюмли—рамзий мактуб давлатлараро муносабатни йўлга қўйишда муҳим ижтимоий—сиёсий вазифани адо этган. Шу мантиқдан келиб чиқилса, мактублар ҳали буюмли шаклдалиги давридаёқ шахсий муносабатларни ифодалаш доирасида қолиб кетмаган, аксинча, уруғ ва қабила бошлиқлари, султонлар ва подшоҳлар ўрталаридаги дўстона ё ноҳолис муносабатларни ифодаловчи, маънавий воситачи вазифасини ўтаган. Ёзув кашф қилингандан кейин эса, мактублар мундарижаси ва вазифаси янада кенгайиб, хилма—хиллашиб, борган, шу зайдда мактублар инсон турмушининг барча жабҳаларида ўзаро муносабатларни таъминлаб турган.

Донишмандлардан бири пулни инсон кашфиётларидан

энг иблисига менгзаган эди, бироқ мактубни инсон ихтироларининг энг мақбули, энг олийжаноби, энг файзlisi, энг гўзали, энг ноёби санаб, маънавий жавоҳирга менгзаш мумкин. У минг йилликлар оша одамларни одамларга, элларни элларга, дилларни дилларга боғлаб, ҳамкору ҳаммаслақликларининг қарор топишига, ўзаро юмушларининг ижро этилишига хизмат қилиб келмоқда. У ҳамма замонларда, донишмандлардан бири эътироф этганидек: «Суҳбат ёки сўзлашувда киши билан мулоқот» характерида бўлиб, «оғзаки сўзлашув ўрнида» қўлланса — да, аслида «ўзида фақат бир шахснинг нутқини акс эттиради». У фақат шахсий мактуб бўлгандагина шундай вазифани ўтайди, подшолар, давлат арбоблари мактуби тусини олганда эса, ижтимоий — сиёсий моҳият касб этиб, бутун бир халқ ёки мамлакат иродасини ифодалаш даражасигача кўтарилади, бинобарин, хат кўп вазифали ҳодисага айланади.

Одатда, мактуб ижтимоий — сиёсий ва адабий — эстетик ҳодисага айлана бориш жараёнида хилма — хил вазифани бажарувчи шакл ва мунжарижага эга бўла борган. Натижада тарихчи олимлар ўртасидаги ёзишмалар тарихий мактуб, подшоҳлар ўртасидаги ёзишмалар дипломатик мактуб, ёзувчилар ўртасидаги ёзишмалар адабий мактуб шакллари ола борган. Аста — секинлик билан эса мактуб шаклининг оммабоплиги, шахсий туйғуларни ифодалашдаги ўнғайлиги бадий ижод аҳлини қизиқтириб қўйган, улар мактуб шаклида шеърлар, дostonлар, ҳикоялар, қиссалар ва ҳатто романлар ёза бошлаганлар. Оқибатда эса эпистоляр характердаги бадий асарлар туркуми юзага келган: нома шаклидаги дostonлар, «соғинчли салом» типидagi шеърлар, эпистоляр ҳикояю романлар ана шу силсилани ташкил этади. Қолаверса, мактуб ёзувчининг ёзувчига, танқидчига, ўз китобхонига, аксинча танқидчининг ёзувчига, китобхонининг ёзувчига ва танқидчининг танқидчига ёзишмалари сифатида шахсий муносабатлар фонида у ёки бу асарга, ёки умуман ижодга муносабат тусини ола борди ва шу фазилати билан адабий — танқидий мактуб шаклига кирди. Эндиликда у ўз тараққиётининг шундай бир босқичига кўтариладик, адабий — танқидчиликни унингсиз тасаввур этиш қийин. Ва у адабий — танқидий мактуб жанри

сифатида мустақил адабий эстетик ҳодисага айланиб барқарорлашди, ҳатто ички хилма-хил шаклларда турланиб, адабий танқидчиликнинг энг ўқимишли ва адабий жараёнга самарали таъсир кўрсатувчи фаоллик касб этиб бораётир.

Шунга қарамай, ўзбек адабиётшунослигида адабий — танқидий мактуб жанрини алоҳида адабий — эстетик ҳодиса сифатида эътироф этиш ҳамон пайсалга солинмоқда. Аксар адабиётшунослар адабий — танқидий мактуб бу шунчаки мактуб — ку, қандай қилиб, у адабий танқид жанри бўларкин деган иштибоҳли фикрдалар. Тадқиқотчи Ш.Аҳмедова ана шу иштибоҳли фикрни рад этувчи далилларга суяниб, ўзбек адабий танқидчилигида адабий — танқидий мактубнинг мустақил жанр сифатида пайдо бўлиши ва шаклланиши тарихи, жанрий табиати, чегараси, композицион таркиби, ички турлари ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар, тараққиёт тамойиллари, шунингдек, инкишофига тааллуқли бошқа эстетик белгилари, поэтикаси, публицистикага муносабати, адабий танқидчиликнинг бошқа жанрлари, хусусан, тақриз билан муносабати, мактуб муаллифи ва адресат муносабати муаммоларини тарихий — аналитик ва қиёсий — типологик усулларда таҳлил қилиб, муҳим илмий — эстетик хулосалар чиқара олган ва умумлаштирган. Шу асосда у адабий — танқидий мактубнинг ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари тизимидаги ўрнини белгилаб беришга муваффақ бўлган.

Албатта, рисола адабий — танқидий мактубнинг жанрий табиатидан баҳс юритувчи дастлабки тадқиқот бўлганлиги билан эътиборни тортса — да, ҳали анчагина баҳс талаб ўринлари борлиги билан ўқувчида фикр уйғотиши ҳам шубҳасиз. Айтайлик, тарихий манбалардан аёнки, ўзбек мактуботчилиги тарихида мактубнинг илмий мунозара ёки тарихий — дипломатик муносабатларни ифодалай бошлагани олис мозий билан бўй ўлчайди. Бу жиҳатдан 997 йили 27 яшар Берунийнинг Хоразмда туриб эндигина 17 баҳорни кўрган Абу Али ибн Синога Аристотель фалсафасига доир 18 саволдан иборат мактубини Бухорога йўллагани ва олган жавоб мактуби илмий — фалсафий баҳс характериға эғалиги ёки Амир Темурнинг ҳижрий 815 йилнинг муҳаррам ойининг биринчи куни (1402 й. 1 август)

Франция қироли Шарл 6 га йўлаган мактуби ва 1403 йилнинг 10 июнида ундан олган жавоб мактуби, шунингдек, Туркия султони Боязид Йилдирим, Испания, Италия ва бошқа мамлакатлар подшолари билан айирбошлаган мактублари дипломатик ёки тарихий мактубларнинг ёрқин намуналари сифатида ўзбек мактуботчилиги тарихининг олтин саҳифаларини ташкил этади. Бу далилларнинг аҳамияти шундаки, улар, биринчидан, мактубнавислик олис тарихга эга эканлигини, иккинчидан, мактублар ўзининг узоқ тарихий тараққиёти давомида олис замонлардаёқ кишилиқ билимларининг турли соҳаларидаги ёзишмалар тусини олиб, илмий — фалсафий, илмий — тарихий, илмий — ижтимоий, илмий — сиёсий ва дипломатик моҳият касб этганлигини кўрсатади. Мактуботчилик таснифида масаланинг шу томонларига назар солинганида унинг илмий мукаммаллиги бир қадар асосли бўлурмиди.

Аммо шу нарса аёнки, рус адабий танқидчилигида В.Г.Бединскийнинг машҳур «Гоголга хат»и адабий — танқидий мактуб жанрининг қарор топганлигини қанчалик тасдиқласа, ўзбек адабий танқидчилигида М.Қўшжоновнинг Иброҳим Раҳимга йўлаган «Давр талаби ва ижод масъулияти» сарлавҳали очиқ хати мазкур жанрнинг қай даражада қарор топганлигини яққол далиллайдиган намуналардир. Шундай экан, эндиликда адабий — танқидий мактубнинг мустақил эстетик ҳодиса сифатида ўзбек адабий танқидчилиги жанрий тизимида ўз ўрнига эгалигига иштибоҳ билан қарашга ҳожат йўқ. Аксинча, унинг тўла ваколатга эга ҳодиса шаклида тобора такомиллашиб ривожланаётганидан қувонмоқ лозим.

Охунжон Сафаров,
филология фанлари доктори,
профессор

К И Р И Ш

Мактуб инсоний мулоқотнинг ихчам ва таъсирчан шаклларидан биридир. Унда хат ёзувчи билан бирга хатни олувчининг қалби, кайфияти, орзу—умидлари, армонлари акс этади.

Мактуб, хат, нома инсоннинг дил розлари ифодасидир. Шунинг учун қадимдан хатга эътибор катта бўлган. Хатлар ким томонидан кимга ёзилиши, қандай муносабатларга дахлдорлиги ва нима мақсадда битилганига қараб турлича мазмунда бўлиши табиий. Буюк шахсларнинг, ёзувчиларнинг, танқидчиларнинг хатлари : шахсий, дўстона хатлар; ижтимоий—публицистик хатлар; адабий характердаги мактублар; расмий шахсларга йўлланган хатлар ва ҳ.к.

Адабий танқиддаги хат жанри ўзига хос хусусиятларга эгаки, улар алоҳида ўрганишга муносибдир. Унинг ҳозирги кўринишлари ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ўрганилмаганлиги бу мавзунини тадқиқ этиш долзарблигини кўрсатади.

Адабий—танқиддаги мактуб жанрининг намуналарини ўрганиш ёзувчи ва шоирлар, мунаққидлар ижодидаги услубий ўзига хосликларни тадқиқ этишда катта ёрдам бериши, шубҳасиз. Чунки адабий—танқиддаги мактуб танқидчиликнинг бошқа жанрларига қараганда, масалан, тақриздан кўра ёзувчи билан танқидчининг, умуман олганда, хат ёзувчи ижодкор билан хат олувчи ижодкор, китобхон ёки танқидчининг ўзаро яқинлик ришталарини намоён этади. Хатдаги дилга яқин сўзлар ижодкорлар қиёфасини ёрқин очиб беради, инсоний муносабатларнинг латиф, гўзал кўринишларидан бири сифатида иккала томонга ҳам кўтаринкилик, дилбандлик бағишлайди. Энг муҳими, адабий мактубларда Адабиёт, ижод сирлари, санъат намуналари бўлган бадий асарлар каби адабий муаммолар ҳақида фикр юритилади. Бу эса

китобхонни Адабиёт деб аталмиш гўзаллик дунёси сари яқинлаштиради, унинг бадий дидини ўстиришга кўмак беради.

Мактублар нафақат ёзувчи ва мунаққидларнинг ҳаёти ва ижодини, балки муайян асарнинг ёзилган даврини, тарихини, ёзилиш сабабларини, сирларини ҳам барча зиддиятлари билан ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Адабий — танқидий мактуб ҳам танқидчиликнинг бошқа жанрлари каби адабиётга, бадий асарга баҳо беради. «Баҳолаш — демак, яратиш: эшитинг, эй сиз яратувчилар!

Баҳолаш — бу барча баҳоланган нарсаларнинг жавоҳир ва биллурларидир». Немис файласуфи Ницшенинг «Зардушт таваллоси» асаридан келтирилган бу сўзларнинг маънолари жуда чуқур ва ранг — баранг бўлиб, баҳолаш ва муносабат ўзагини ташкил этадиган адабий мактубларга ҳам тегишлидир.

Шарқда мактубот, Ғарбда эса эпистоляр жанрлар анча илгари ривожланган. Бу масалалар адабиётшунослиқда жиддий ўрганилган. Ўзбек мумтоз адабиётида яратилган нома, шоирлар мактублари каби жанрлар ҳақида айрим тадқиқотлар яратилган*. Адабиётшунос олим О. Тоғаев хатни публицистика нуқтаи назаридан ўрганган**. Ўзбек танқидчилиги назарияси ва тарихини яратишга маълум ҳисса қўшган Б.Назаров, Н.Худойберганов, А.Расулов, Ҳ.Умуров каби мунаққид — адабиётшуносларнинг тадқиқотларида танқидчиликнинг айрим жанрлари ҳақида йўл — йўлакай билдирилган мулоҳазалар бўлса — да, аммо мактуб жанри ҳақида маълумотлар учрамайди.

Кўринадики, XX аср адабий танқидчилигидаги бу

*Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Тошкент: «Фан», 1974; Ўринбоев А. Жомий мактублари. Тошкент, 1984; Алихўжаева Ҳ. Буюк даҳо мактублари// Шарқ юлдузи, 1967, 7 — сон; Мирзааҳмедова М. Навоий — нинг бир мактуби ва унинг адресати ҳақида.//ЎТА» 1971, 6 — сон; Жамо — лова М. Ўзбек адабиётида нома жанри. Тошкент. 1998; Ҳотамова М. Ўзбек мумтоз адабиётидаги нома жанри ҳақида.//Тил ва адабиёт таълими. 2003, 6 — сон.

**Тоғаев О. Публицистика жанрлари. Тошкент. «Ўқитувчи», 1976.

йўналиш алоҳида ўрганилмаган. Адабий — танқидий мактуб жанри, унинг табиати, шаклланиш асослари, жанрий белгилари, чегараси, тараққиёт тамойиллари каби муаммоларни тадқиқ этиш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Кейинги йилларда мактуб жанрига эътибор кучайиб, унинг хилма — хил кўринишлари тараққий этиб бормоқда. Шунинг учун адабий — танқидий мактубларни илмий — назарий жиҳатдан ўрганиш, жанрий хусусиятлари, турли кўринишларини тадқиқ этишга киришдик. Бу ишда яқиндан кўмак берган барча устозлар ва ҳамкасбларга, муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

МАКТУБ — ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Хат сўзи жозибали, кишини ўзига тортувчи, кўпинча юзига табассум индирувчи мазмунга эга. Чунки хат келганда, албатта, хат олувчининг юзига кулги югуради, қалбида илиқлик уйғонади. Хат кўпинча дўсту ёрлардан, қавму қариндошлардан, муҳим воқеа ва ҳодисалардан хушхабар келтирган элчи, восита сифатида инсонда ҳаяжонли ҳис — туйғулар қўзғайди. Шу боис хат олиш инсон ҳаётидаги ҳаяжонли дақиқаларга, хат кутиш эса ёқимли интизорликка киради, хат инсонга қувонч бағишлайди. Улуғ ўзбек ёзувчиси Асқад Мухтор хат ҳақида шундай ёзади: «Юрак ҳисларини, ўй — фикр ва кўнгил орзуларини жонли сўзлар билан қоғозда ифодалаш, бўш вақт топиб дўстларга, қариндошларга батафсил мактублар ёзиш — ҳар бир маданиятли кишининг маънавий фазилатидир»*.

Ҳақиқатан ҳам аслида мактуб, яъни хат инсоний меҳр — муҳаббатдан дарак берувчи ёзма мужда саналади. Узоқ — яқин қариндошлардан, дўстлардан, танишлардан келган хатларни ўқиганда киши қалбида, албатта, бир илиқлик уйғонади, юзига табассум югуради.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий хатга жуда катта эътибор билан қараб, уни кишилар орасидаги энг муҳим алоқа воситаларидан бири санаган эди. Навоий мактубни

* Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга. Тошкент: «Ёш гвардия», 1980. 59 — бет.

образли тарзда «ҳижрондаги шуъла, тириклик нишони» деб таърифлаган.

Хат инсон кашф этган мулоқотларнинг энг гўзал, энг таъсирчан ва қулай воситаларидан бири эканлиги ҳақиқатдир. «Мактуб, аввало, фикрлашга, атрофга разм солиб қарашга, яхши – ёмонни танишга, ҳар нарсага мустақил баҳо беришга, ўз фикрига эга бўлишга, кузатувчанликка ўргатади. Шулар баробарида мактуб ёзиш инсон ижтимоий фаоллигининг энг ёрқин кўринишларидан биридир»*.

Мактуб инсоний ҳужжат ҳисобланади. Унда мактуб ёзувчининг шахсияти, ўзига хос руҳий ҳолати, кечинмалари аниқ ва холисона ифодаланади. Мактубнинг туб моҳиятини, юрагини далилнинг ўзи эмас, балки энг аввало, шахс ва унга муносабат, шу туфайли туғилган шахсий фикр – ўйлар, кечинмалар, ҳис – туйғулар ифодаси ташкил этади.

Хат инсон ҳаётида ҳам, жумладан, унинг маънавий юксалишида улкан ўрин тутадиган адабиётнинг ривожланишида ҳам маълум аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан хатларни, энг аввало, бир неча гуруҳга ажратиш зарурати келиб чиқади: шахсий хатлар, адабий хатлар, публицистик хатлар, бадий хатлар.

Кишилар ўртасидаги шахсий хатлар алоқа воситаси сифатида кўринса, адабиётдаги хатлар алоҳида бир жанр ҳисобланадиги, уларнинг турли шаклларини ўрганиш олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Хатларни кимга, нима сабабдан, қачон ёзилишига қараб тасниф қилиш мумкин.

Шахсий хатларнинг ўзини ҳам бир неча турларга бўлиб чиқиш мумкин:

1) дўстларга, танишларга ёзилган хатлар;
2) сиёсий – ижтимоий, публицистик мазмундаги хатлар;

3) адабиётга оид хатлар (ёзувчига, танқидчига ва ҳ.к.)

Адабиётга дахлдор хатларнинг ўзи ҳам бир неча хил, масалан:

1. Бадий хатлар: а) номалар (уларнинг ўзини

*Ғафуров И. Дил эркинлиги. Тошкент: «Маънавият», 1998.78 – бет.

Б.Валихўжаев 4 гуруҳга бўлиб ўрганади. Олим нома сўзи билан келган асарларнинг ўзи ҳам жанр ва мақсад нуқтаи назаридан хилма-хил бўлиб, уларни бир андаза билан ўлчаш, ҳаммасига доир бирор қоида чиқариш мушуқлигини тўғри таъкидлаб ўтади*).

б) бадий асарлар ичидаги ошиқона мактублар.

2. Адабий — танқидий мактублар. Бундай мактуб — ларнинг ўзи ҳам бир неча кўринишларга эгаки, бизнинг тадқиқотимиз манбаини ана шу хатлар ташкил этади.

Мактубни кўзгуга қиёс қиладилар, ўзингиз қандай бўлсангиз, хатингиз ҳам ўзингизга ўхшайди. Хат кўзгу каби маънавий қашшоқликни ҳам, «қайнаб ётган ҳиссий ва тафаккур бойлигингизни ҳам беҳато акс эттириши мумкин» (Асқад Мухтор).

«Хат, сўзнинг аниқ моҳияти нуқтаи назаридан қараганда, суҳбат ёки сўзлашувда иштирок этмаган киши билан бўлган суҳбат мазмунини ташкил этади. У оғзаки сўзлашувнинг ўрнини эгаллайди, аммо ўзида фақат бир шахснинг нутқини акс эттиради**». Гречнинг немис назариячиларининг энг яхши иншоларидан тузилган қадимги «Риторика»сида хат ҳақидаги тушунча шундай ифодаланган. Бунинг устига хат насрий асарнинг тури сифатида эътироф этилади. Хат насрдаги иншонинг етти туридан биринчиси саналиб ва унинг оғзаки сўзлашувдан фарқ қилувчи хусусиятлари белгилаб берилган: оғзаки сўзлашув тайёргарликсиз, санъатсиз хусусиятта эга баён бўлиб, шунинг ўзиёқ ҳар қандай яхши хатнинг зарурий сифатларини ташкил этиши таъкидланган. Улар орасида фарқ ҳам бор: хатдаги воқеалар мустаҳкам, эса қоладиган бўлади; сўзлашув эса овознинг ифодаси ва гавда ҳаракати билан кузатиладиган ҳолатдан ташкил топади. Шунда кўринадики, хатда сўзни ифодалаш, фикрни аниқ ва хатосиз бериш ва ёйишга ҳаракат қилиш керак. Хат ёзишдан олдин қуйидаги қоидага риоя қилиш керак бўлади: уни шундай ёзмақ керакки, ҳар қандай шароитда ҳам мазмун ифодалансин, аммо тўғри, ёқимли ва алоқадор гапиришга ҳаракат қилиш керак.

*Бу ҳақда қаранг: Ўзбек поэзияси тарихидан. 8 — 20 бетлар.

**Пушкин А.С. Письма. Том 1. М. А. 1926.с 3. (Таржима бизники).

Бу мулоҳазалар хатнинг аҳамиятини ва инсон ҳаётида катта ўрин эгаллашини кўрсатади. Шу боис хатдаги жозиба ижодкорларни ўзига жалб этган. Ҳар бир ижодкор ундан самарали фойдаланган, баъзан эса уни насрий асарнинг бир тури даражасигача кўтаришган.

Хат баъзан фақат шакл даражасида қоладиган ҳолатлар ҳам бўлади, мазмун эса бошқа жанрга мансуб. Хат шакли ва унга хос ифода услубидан фойдаланиб, маснавий, ғазал, мақола, ҳикоя ва бошқа бирор жанрга мансуб асар ёзиш мумкинлигини адабиёт тарихи тасдиқлайди. Руссонинг севишганлар мактубидан иборат романи, Монтескенинг «Форс номалари» асари ёки Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони таркибидаги Фарҳоднинг Ширинга, Шириннинг Фарҳодга ёзган гўзал мактублари, «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» шеърӣ хати фикримизга мисол бўла олади.

Хат услуби билан кўпгина асарлар ёзилган. Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари», Достоевскийнинг «Фақир кишилар»и, Одил Қутуйнинг «Жўнатилмаган хатлар»и, яна кўплаб ажойиб бадиӣ асарлар шу усулда ёзилган. Уларда маҳорат билан битилган мактублар қаҳрамонларнинг ҳиссий дунёсини очиб ташлайди. Шунинг учун Бальзак ҳам айтганки: «Мактуб — қалбнинг ўзидир, нозик кўнгилли кишилар уни муҳаббат хазинаси деб биладилар»*.

Умуман, хатта эътибор бадиӣ асарларда ҳам катта бўлган. Таниқли грузин ёзувчиси Чабуа Амирэжибининг «Дата Туташхиа» романи қаҳрамони Датанинг хат олгандаги ҳолатини ўзи тилидан ёзувчи шундай тасвирлайди: «Нано хоним! Хатингизни олиб, ҳайратга тушдим. Кейин худди ёш боладек теримга сиғмай қувондим. Сабаби, агар ишонмасангиз, умримда биронта хат олмаганман. Хат йўллайдиган одамим ҳам, жойим ҳам бўлмаган. Шунга қарамай, мен бахтлиман, гапимдан кулманг, рост айтаяпман»**.

Хатда ижтимоӣ — эстетик муаммолар ҳам ифодаланиши мумкин. Шу боис хат услуби ижтимоӣ —

*Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга. Тошкент, 1980. 58 — бет.

**Чабуа Амирэжиби. Дата Туташхиа. Тошкент: FACH, 1988. 320 — бет.

сиёсий, ҳажвий асарларда ҳам қўлланилади. Немис журналисти Вольф Эбертнинг фельетони «Жунглидан хат» деб аталади. Муаллиф Америкада яшайдиган дўсти Ғарбий Германия фуқаросидан хат олади. Унда ҳаётдаги сиёсий, иқтисодий уйдирмалар фош этилади.

Баъзан бадий очерклар ҳам хат либосида кўринади. Ёзувчи В.Витковичнинг «Узун хатлар» деб номланган сафарномаси Ўрта Осиё республикалари ҳақидаги очерклардан иборат. Муаллиф ўз асарининг жанр хусусияти ҳақида гапириб, бу очерклар хат услубида ёзилгани, унда саёҳатнома, автобиографик қисса, эсдаликлар, хат жанри хусусиятлари қоришиб кетганини қайд этади: «Нашриётда қўлёзмани варақлаб туриб: «Қандай асар келтирдигиз? — деб сўрайдилар. «Саёҳатномами?» — Ҳа!» деб жавоб бераман.

«Автобиографик қиссами?», — Ҳа!» «Ҳикоялар китобими?», Ҳа!».

Муаллиф ўз очерklarининг қизиқиш билан ўқилишини таъминлаш мақсадида атайлаб мактуб шаклида ёзганлигини очиқ айтади*.

Хат шакли бадий адабиётнинг бошқа жанрларида: шеърят, наср, ҳатто драматургияда ҳам қўлланилади. Ўзбек мумтоз адабиётида нома жанрининг кенг тараққий этганлиги маълум. Ўзбек адабиётида ҳам ижодкорлар бу жанрдан кам бўлса — да, самарали фойдаланишган.

Мактуб шакли рус классик адабиётида кенг қўлланилган. А.С.Пушкиннинг қатор асарлари шу шаклда ёзилган. Бундан ташқари унинг дўстлари, мухлисларига ёзган хатларининг ўзи ҳам икки томдан иборат. Ёки Тургенев, Толстой, Чеховнинг дўстлари, қариндош — уруғлари, таниш — билишлари, ёру биродарлари, юракларига яқин кишилар билан ёзишмаларининг ҳар қайсиси мураккаб бир маънавий олам, юксак билимдонлик, қалб тугёнлари, гўзал фазилатлар, нафис муносабатлар, ғазаб ва муҳаббат, сўз мўъжизасини ўзида жамлаган. Уларни худди романдек ўқиш мумкин.

*Маълумотлар О.Тоғаевнинг «Публицистика жанрлари» китобидан олинди. Тошкент: «Ўқитувчи», 1976.11 — бет.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мактублар инсон ҳаётида ҳам, адабиётда ҳам ўзининг ўрнига эгаллиги кўринади.

Ўзбек танқидчилиги ранг — баранг, баракали, аммо мураккаб ва оғир йўлни босиб ўтди, турли — туман жанрлар таркибида ўзини намоён этди. Пайти келиб, ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилиги назарияси ишланиб, унинг тўлиқ тарихи яратилса, унинг илмий — биографик тадқиқот, муаммоли ва обзор мақола, тақриз, адабий портрет, эссе, адабий — танқидий мактуб, адабий — танқидий суҳбат сингари жанрлари адабиётшунос мутахассисларнинг ўрганиш манбаига айланади.

АДАБИЙ — ТАНҚИДИЙ МАКТУБНИНГ ГЕНЕЗИСИ

Хат ҳар бир халқнинг ёзуви билан тенгдошдир. Ёзув келиб чиқиши оқибатида инсонларда хат ёзиш эҳтиёжи ҳам юзага келган.

* Хоразм ёзувининг энг қадимги намунаси Қўйқирилган қалъадан топилган бўлиб, эрамиздан олдинги 3 асрга оиддир. Сўғд ёзувининг ёдгорлиги эса Тали Барзу (Сўғд)дан топилган сопол идиш синиғига ўйиб ёзилган бўлиб, эрамиздан олдинги III асрга тегишлидир. Бу ёзув намуналарининг II—III асрларга оид обидалари Дунхуан (Шарқий Туркистон)дан топилган. Уларда Самарқандда яшаган она ва Дунхуанда турадиган қиз ўртасидаги ёзишмалар ифодаланган. Ёзишмалар оилавий турмуш, Ўрта Осиё халқларининг юқори маданий савияси ҳақида маълумот беради*.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳар турли ҳаракатларда қўлланувчи афъал шаклидаги сўзлар бўлимида хабар етказувчи (арқиш) сўзини изоҳлаганда " бу сўз мактуб, нома маъносида қўлланади"*** дейилган.

*Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. 9 — синф учун дарслик. Тошкент. «Ўқитувчи», 2000. 26 — бет.

**Қошғарий М. Девону луғотит турк. 1 — том. Тошкент, 1966. 17 — бет.

Хат Шарқда сиёсий публицистиканинг энг қадимги жанрларидан саналади. Мактуб (нома)нинг ривожланиш жараёни Оромий (ярамей), авесто, уйғур, ўрхун — Енисей каби қадимий ёзув ёдгорликлари намуналарининг тараққиёт тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Қадимги Чин манбаларида Давань (Фарғона) давлатининг хони томонидан эрамиздан аввалги 192 йилда Чин маликаси Гао — Хоуга «нома» ёзилгани тилга олинади. Мазкур фикр ўзбек халқининг ёзма адабиёти дурдоналаридан бири ҳисобланган А.Югнакийнинг «Ҳиббатул — ҳақойиқ» асарининг сўзбошисида ҳам тасдиқланади. Бу китобда: «Чин муаррихлари туркларнинг милод Исодан чўқ аввал ёзилари ўлдиғини хабар верарлар. Аз жумла миллоддан тақрибан 192 йил аввал Читн муаррихлари Teng li — Ko — to — tan — jou унвонни ҳоиз ўлан (me — the)одли турк ҳукмдорининг Чин императоричаси Tajheour нома гўндирдигини ёзарлар», дейилади*.

Шарқда «нома» жанрининг қадимдан мавжудлигини исботлаш учун Беруний замондоши, хон, иншонавис «Қобуснома»нинг муаллифи Қобус ибн Вашимгирни тилга олиш мумкин. У катта мартабали кишиларга юборадиган сиёсий — ижтимоий мазмундаги хатларни ўзи ёзган. У даврларда давлат арбобларига ёки бирор муносабат билан ёзиладиган хат учун махсус лавозим бўлган. Бу лавозимда ҳар томонлама маълумотли киши танланган. Қобус ибн Вашимгир ана шундай шахслардан эди.

Адабиётимиз тарихида эса бадий — адабий жанр сифатида «нома» қадимдан бор. Маҳмуд Қошғарийнинг юқорида келтирганимиз асарида берилган бир шеърый тўртликда эса лирик қаҳрамон Туркан хотун деган аёлга шеърый нома йўллаб, унинг ҳар бир хизматига тайёр эканлиги хабарини юборади**.

«Нома қадимий форс — тожик бўлиб, у аввалдан намак, намак шаклларида, кейинчалик эса ҳозир қўлланиладиган

*Югнакий А. Ҳибат — ул — ҳақойиқ. Истамбул. 1915. 4 — 5 — бетлар.

**Жамолова М. Ўзбек адабиётида нома жанри. Тошкент, 1998. 4 — бет.

формада (нома) ишлатилган.

Нома сўзининг луғавий маъноси кенг бўлиб, у хат, ёрлиқ, китоб ва асар маъноларини англатади*.

Ўзбек адабиётида номачилик жанрининг асосчиси Хоразмий «Муҳаббатнома»си шу силсиладаги асарларнинг ёрқин намунасидир. Хўжандийнинг «Латофатнома», Юсуф Амирийнинг «Дахнома», Саид Аҳмаднинг «Таашшукнома» каби асарлари ўз даврида шуҳрат қозонган.

Юқоридагилардан кўринадики, нома кенг маънодаги адабий атама бўлиб, унинг тўғрисида умумий фикр юритиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам « нома сўзи билан келган ҳар бир асарни чуқур текширгандан, унинг хусусиятларини ўргангандан сўнггина уни маълум номалар гуруҳидан бирига мансублигини аниқлаш мумкин» (Б.Валихўжаев). Бу эса бадий, илмий, адабий қимматга эга номалар, хатларнинг жанрий илдизи жуда қадимий эканлигини кўрсатади.

Рус адабиётида публицистик хат намуналарининг пайдо бўлишини рус тадқиқотчилари XVI асрнинг ўрталарига тўғри келишини таъкидлайдилар.

Ўзбек адабиётида, юқорида қайд этганимиздек, хат, нома шаклидаги асарлар, шунингдек, публицистик хатларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши узоқ тарихга эга. Унинг тарихий илдизи «Авесто» ва «Ўрхун — Энасой» обидаларига бориб тақалишини кузатиш мумкин.

МУМТОЗ АДАБИЁТДАГИ МАКТУБЛАР. Шарқ алломалари мактубот жанрига эътибор берганлар. Абдурахмон Жомийнинг мактубларини ўрганган олим А.Ўринбоев XIV — XV асрларда жанрнинг тараққий этганлигини тўғри таъкидлаб ўтади**.

Бу жанр, айниқса, Алишер Навоий ижодида ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Буюк Навоий хатдан шакл сифатида ҳам фойдаланган. Унинг Сайид Ҳасан Ардашерга йўлланган шеърый мактуби маснавийда

*Кўчирма Б.Валихўжаевнинг «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» китобидан олинди. 8 — бет.

**Ўринбоев А. Жомий мактублари. Тошкент, 1984.

битилган.

Навоий Самарқанд, Астробод ва бошқа шаҳарларда яшаб туриб, турли муносабат билан замондошларига ёзган насрий мактубларини тўплаб, «Муншаот» (Хатлар) номи билан китоб қилади. «Муншаот»га 107 та руқъа (хат) киритилган. Бу хатлар буюк адибнинг турли вазиятдаги кайфиятини ҳаққоний акс эттирган тарихий ҳужжатлар сифатида ҳам ғоят аҳамиятлидир. Бошқача қилиб айтганда, «Навоийнинг ўзига хос реализми биринчи навбатда ана шу хатларда намоён бўлган»*.

Асардаги мактублар мазмун эътибори билан ғоятда қимматли. Чунки уларнинг кўпчилиги Навоийнинг ҳаёти, ижодий ва ижтимоий—сиёсий фаолиятини ёритувчи бадиий лавҳалардир. Бир қатор мактубларда давлат ишлари ва юрт осойишталиги йўлида жон куйдираётган давлат арбобининг сиймоси намоён бўлса, баъзи мактубларда шоирнинг ижод жараёни акс этади; бир туркум хатлар давлатни идора этишга доир муҳим ҳужжат бўлса, яна бир хиллари табрик ва таъзия мазмунидаги номалардир.

Чиндан—да, Ўрта асрлардаёқ кишилар ўртасидаги, хусусан, илм ва ижод аҳли ўртасидаги ўзаро ёзишмалар кенг тус олган, ҳар жиҳатдан такомиллашиб, ўзига хос бир санъатга айланган. Иншо санъати деб аталган бундай ёзишмалар намунаси араб ва форс тилларида яратилган. Алишер Навоийда ҳам ўзбек тилида ана шундай бадиий кўркем ва дилга ёқимли мактублар ёзиш фикри туғилади ва шу тариқа бу асар дунё юзини кўради. Адабиётшунос олим Б.Саримсоқовнинг қуйидаги мулоҳазалари фикрларимизни тўлдиришга ёрдам беради: »Иккинчи томондан туркий тилнинг балоғати ва нафосатини улуғлаган Навоий асарнинг кириш қисмида туркий тилда ёзилган мактубларнинг ўқимишсизлиги, туркий халқлар ўртасида ҳам форс—тожик тилида мактуб ёзиш одат тусига кирганлигини айтиб, туркий тилда ҳам форс—тожик тилидагидек гўзал мактублар битиш мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Бу эса

*Алишер Навоий. Муншаот. Нашрга тайёрловчи: Ю.Турсунов. Тошкент:»Маънавият»,001.4—бет.

мактуб битувчининг билим даражаси, туркий тилни севиши ва билиши, сўз қудратининг нозик томонларини ҳис этиши билан боғлиқдир, албатта»*.

«Муншаот»нинг кириш қисмида шоир шундай ёзади: «Аммо баъд: ажиллаш асҳоб оллида андоқ маъруз бўлур ва аиззаи аҳбоб хизматида андоқ арзга еткурулурким, атрок иншосида ва бу аҳли идрок баён ва адосидаким, бировдин бировга руқъа ёзгай, ё ул киши ул руқъага жавоб битигай, дағи руқъа келтурган қосидни қайтаргай — алфози латофатдин муарро ва тарокиби балоғатдин мубарро эрди ва адоси рангин фиқаротдин намойишсиз ва мазмуни рангин абётдин оройишсиз вам уқобалада форсий алфознинг иншолари дилписанд ва макотиб ва имлолари аржуманд эрди, хаёлға андоқ келдиким, турк алфозининг дағи руқъалари ҳамул мисол била битилгай ва бу тилнинг номаларин ҳам ўшул минвол била сабт этилгай»**.

Кўринадики, «Навоий туркий тилдаги мактубларнинг бадий жиҳатдан заиф, мазмунан ожиз ва яланғочлигига ачинади. Форсий мактубларнинг дилписандлиги, қадрлилиги уни таажубга солади. Шунинг учун у туркий тилдаги гўзал мактубларни тўплаш ва бирор қўлланмага ўхшаш нарсга қилиш зарурлигини ҳис этади. Бизнингча, мана шу мақсад ва айни пайтда эҳтиёж Навоийни ўзининг нафис мактубларини йиғиб, алоҳида хатлар тўпламини тузишга мажбур қилади»***.

Навоий ёзишманинг арабча «мактуб», «руқъа», «хат», арабча — форсча «арзадошт», форсча «нишон», «нома» ва туркийча «битик» истилоҳларини қўллайди.

«Муншоот»даги мактубларнинг ифода услуби ҳам турлича. Баъзи мактублар қисқа, содда ва равон услубда ёзилган бўлиб, мазмуни тушунарли, айрим мактублар эса, муаллифнинг мақсади аниқ бўлса ҳам, ғоятда бадий сержило ва жимжимадор услубда ёзилган. Кўрам сўз ҳам иборалар билан зийнатланган. «Бир мактубки,

*Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент: «Фан», 1978. 109 — бет.

**Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14 — том. Тошкент: «Фан», 1998. 133 — 134 бетлар (Қолган мисоллар ҳам шу нашрдан олинади).

***Саримсоқов Б. Ўша асар. 110 — бет

саҳифасининг оқлиги ярали кўнғил жароҳатига малҳам бўлгиси ва бир номаки, қора ёзувининг нуқтасидан оқарган кўзга равшанлик берувчи қорачиғ бўлгусидирким, бу ҳижрон дарди бечорасини айрилиқ дашти оворасини ушбу хат билан мукаррам қилган экансиз — келиб тегди»*. Шу мисолнинг ўзиёқ Алишер Навоийнинг хатга қанчалик эътибор берганлигини яққол кўрсатади. Унда Навоийнинг шахси — маданиятли, диди юксак, нафис, инсонга ҳурмат билан қарайдиган гениал шоир сифатида кўринади.

Шу ўринда Бобур Мирзонинг Навоий хатлари ҳақидаги фикрларини келтириб ўтишга тўғри келади: « Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларга боқа пастроқ ва сустроқ воқе бўлубтур. Ул жумладин, иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб битибтур, йиғиштирубтур»**.

Бу масалага муносабат билдириб, навоийшунос олим, профессор Р.Воҳидов Бобур Мирзонинг маълумотларига танқидий қараш зарурлигини таъкидлар экан, шундай ёзади: « яна Алишер Навоийнинг ўз мактубларини йиғиштириб, тўплам («Муншаот») тузганлиги Бобур Мирзога Абдурахмон Жомийга тақлиддай туюлади. Адабий жараёнда, даҳо санъаткорлар фаолиятида кўзга ташланадиган яхши, ижобий анъаналарни ўрганиш, давом эттириш шарафли иш. Бобур Мирзо ҳам тақлидни салбий маънода қўлламаган бўлиши мумкин»***.

Ҳақиқатан ҳам навоийшунос олимнинг фикрига қўшилиш мумкин. Балки Бобур Мирзо «Мезон ул — авзон» каби хаттотлар томонидан янглиш кўчирилган нусхалари билан танишгани сингари «Муншаот»нинг ҳам қайси нусхаларига асосланиб фикр юритганлиги ҳақидаги маълумотлар етиб келмаган. Бунинг устига Алишер Навоий устози ва пири Абдурахмон Жомийга бутун умр эргашиб, маънан интилиб келганлиги унинг барча асарларидан

*Алишер Навоий. Муншаот. Тошкент: 2001.64 — бет. Тўпловчи: Ю.Турсунов.

**Бобур З. М. Бобурнома, Тошкент. 1989. 154 — бет

***Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. Тошкент: «Маънавият», 1999. 47 — бет.

маълум. Шунинг учун Навоийнинг хатларни тўплаб, «Муншаот» тузганиги кўп томондан: у яшаган даврни, ижтимоий — сиёсий ҳаётни ўрганиш жиҳатидан ҳам, Навоийни буюк шахс ва инсон сифатида ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгаллиги яққол намоён бўлади.

Адабиётшунос И. Гафуровнинг куйидаги сўзлари ҳам буюк шоирнинг бу йўлдаги ҳаракатлари зарурлигини исботлашга ёрдам беради: »Навоий ўзбек элининг фарзандлари ҳам худди форс эли фарзандлари каби иншоси дилписанд ва имлоси аржуманд мактублар ёзишга ўрганишларини орзу этади. Шундай орзу йўлида ўзи биринчи қадам қўяди ва турли йилларда ёзилган мактубларни жамлаб, «Муншаот», яъни мактублар китоби яратади. Навоийнинг шахзодаларга мактублари бу шахзодаларга мактубларгина эмас. Улар ўша даврнинг барча ёшларига, барча эл — юрт йўлида хизмат қилувчиларга қаратилган деб тушунмоқ керак»*.

Шу нуқтаи назардан қаралса, Навоийнинг хатларида буюк шоирнинг шахсияти, руҳий олами, ғам ва ташвишлари, хурсандчилиги, ижодий муваффақияти, халқ тақдирига оид ўй — орзулари, дўстларига муносабати бевосита ёрқин акс этган.

«Олижаноб ҳислар ва ўйлар билан тўла бу хатлар Навоийнинг инсоний қиёфаси, айниқса, унинг кишиларга меҳри ва дўстларга садоқати ҳақида ёрқин тасаввур беради»**. Мазкур хатларда Навоийнинг ватандан йироқда яшаб турган кезларда дўстлар билан дийдорлашувга мушток, она юрт ва элга соғинч ҳисси билан тўлган фарзанд қиёфасида гавдаланади.

Бошқа бир хатида Навоийнинг куч — қуввати кетиб, заифлашиб қолгани, бинобарин, ёзиб тугатган янги китобларини яқин дўстларидан бирига топширишга қарор қилганини айтади: «Қуллуқ азимати (бирор ишни бажаришга қасд қилиш) қилиб, андоқким шайх Алибек била

* Гафуров И. Дил эркинлиги. Тошкент, «Маънавият» .1998. 79 — бет.

** Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1978. 186 — бет.

Ҳусайни Қулибекка шарҳ била айтиб эрдим, шоядқи арз қилмиш бўяғотлар: Бу муддаога далил буким, бу муддатда заҳмат тортиб ясағон мураққаъни ва ҳар миқдор такаллуф қилиб тутатган китобларниким, булардин ўзга ҳеч нимага хотирбасталик йўқ эрди (бундан бошқа ҳеч нимага хоҳиш йўқ эди) — олиб келиб эрдиким, чун бандага заъф чирмашибтур; муборақ дийдорингизга мушарраф бўлуб, қазо ҳам етса бу китоблар бори сизнинг назарингизда бўлғай. Чун ўзумда ул қувват топмадим, ул китобларни Юсуф Алидин қуллуққа юбордим...»*.

«Муншаот» таркибидаги бир неча мактублар Навоийнинг ҳамиша ижод билан машғул эканлигини намоён этади. Масалан, Навоий Ҳусайн Бойқарога ёзган мактубларида ўзининг шеърларини ҳам юбориб турган. Жумладан, у шундай ёзади: «Буюрғон ғазаллардан тайёр бўлғонларни юборилди. Қолғонни дағи тугатиб, борур кишидин юборилғай».

Яна бир мактубдан улуғ шоирнинг «Хазойин ул — маоний»ни тузганлиги ва бу иш билан шуғулланган вақтлардаги аҳволи руҳияси маълум бўлади. Мактуб аввалида келтирилган рубоийлардан ва охиридаги жумладан унинг Ҳусайн Бойқарога ёзилганлиги аёнлашади.

Навоий девонни тузиш жараёнида ғазалларни Ҳусайн Бойқаро эътиборига етказиб тургани, у эса, баъзан таҳрир қилиб борганини хабар қилади ва «ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам қилиб эрди», — деб қайд этади.

Навоий ўз шеъриятини табиатда бўлгани каби, ҳаётда ҳам тўрт фасл мавжудлигига асосланиб, тўрт девонга ажратиб, уларга ном бергани ҳақида фикр юритади, мактубда девоннинг сарлавҳасини изоҳлаб шундай ёзади:

...Дағи мажмуиғаким, махлут битилиб турур, чун табъ хазойинидин ҳосил бўлғон маоний эрди — «Хазойинул — маоний» лақаб берилди**.

«Хазойин ул — маоний»ни Навоий Мавлоно Соҳиб (Доро) орқали Ҳусайн Бойқарога, унинг «Олий мажлиси»га

*Алишер Навоий. МАТ. 14 — том. 175 — бет.

** «Муншаот». 188 — бет.

юборганини мактуб охирида қайд қилади*.

«Муншаот»даги «Хазойин ул — маоний» таснифи ҳақидаги бу мактуб, шеърят ва китобат масалалари хусусида сўз юритувчи номалар (улар ўндан ортиқ) Навоий қаерда бўлмасин, баъдий ижод билан ҳамиша машғул бўлганлигини, адабий жараёндан доимо бохабарлигини, ўзининг янги яратган ижод намуналарини шоҳ ва яқинлари эътиборига ҳавола қилиб, улар билан фикр алмашиб турганини кўрсатади. Навоийнинг бундай хатларини адабий — танқидий мактублар сирасига киритиш мумкин.

Мактубларда Навоий таржимаи ҳолига оид маълумотлар, адабиёт, баъдий ижод ҳақидаги қайдлар, ахлокий-маънавий, тарбиявий қарашларига алоқадор фикрлар мавжуд.

Навоийнинг мактублари «муайян шахсларга ёзилган хатлар бўлмай, балки Шарқ иншо санъатининг ўзбек тилидаги ilk баъдий намунасидир», — деб ёзади уларни ҳозирги имлога табдил қилиб, ўзбек ўқувчисига тақдим этган олим Ю.Турсунов. Шу билан бирга улар орасида адабий, публицистик, дипломатик йўсиндаги мактублар ҳам мавжудлиги Навоийнинг танқидчи, публицист, моҳир дипломант бўлганлигини тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам улуг адиб бу хатларда замонасининг энг муҳим ижтимоий масалаларини ҳам талқин этади, шу билан бирга ўз ватанини севадиган, халқининг келажаги учун қайғуриб яшайдиган буюк ва хоксор инсон сифатида кўринади.

Жаҳон адабиёти намуналарини кузатиш жараёнида бошқа халқлар адабиётида ҳам хатга эътибор катта эканлигига шохид бўлдик. Масалан, Ҳиндистонда, жумладан, урду адабиётида бу жанр ривожланганини эканлигини Мирзо Ғолиб ижоди мисолида кўриш мумкин. Урду адабиётида хатнинг мурасилат, муншият, малфузат сингари, уч тури мавжуд бўлганлиги ҳақида адабиётшунос Малик Рамнинг маълумотлари мавжуд. У. Мирзо Ғолибнинг хатларини бу уч турнинг бирортасига ҳам киритмаган. Мирзо Ғолиб

*Бу ҳақда қаранг: Ганиева С. «Муншаот». // Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2 том. Тошкент, 1977. 418 — бет.

хатларини ўрганган олима Ш.Пўлатова унинг мактублардан иборат (эпистоляр) ижодини шартли равишда уч даврга бўлиб ўрганади. Биринчи даврга мансуб хатлар форс тилида ёзилган бўлиб, улар орқали биз ёзувчининг ҳаёти, ўй — ҳаёллари, алоқалари ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Бу хатлар ҳокимлар, ноиблар ва адабиётчиларга ёзилган. Иккинчи даврда ёзилган хатлар Ғолибни ўтган асрда Ҳиндистоннинг илғор кишиси, шоир, файласуф, олим ва инсонпарвари сифатида кўрсатиб, дунёқарашининг шаклланиши ва таркиб топиши ҳақида тасаввур беради. Улар форс ва урду тилида ёзилган. Учинчи давр шоир умрининг охиригача ёзилган хатларни ўз ичига олади, бу давр мамлакат учун ҳам, шоир учун ҳам турли — туман воқеаларга бой бўлганки, булар Ғолиб хатларида ўз аксини топган.

Умуман, Ғолибнинг хатлари нафақат шоирнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишда, балки даврни бутун қарама — қаршиликлари билан ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади*.

Мумтоз адабиётимиз ва Шарқ халқлари адабиёти тарихидан кўринадики, хат жанрига ижодкорлар катта эътибор қаратишган.

АДАБИЙ—ТАНҚИДИЙ МАКТУБНИНГ ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мактубларда муҳим инсоний, ҳаётӣй, ижтимоӣй масалалар ва инсоннинг бу масалаларга муносабати, кайфияти ифодаланади. Адабий — танқидӣй мактублар эса хатнинг илмӣй — эстетик тафаккурга йўғрилган намуна — сидир. Адабий — танқидӣй мактубларда бадӣй адабиётга оид муҳим илмӣй муаммолар ва хат ёзувчӣ — мунаққид, ижодкор, китобхоннинг уларга муносабати, кайфияти ифодаланади. Уларда, энг аввало, муаллифнинг адабиётга, адабий ҳодисаларга, бадӣй асарга муносабати акс этади. Унда ҳам, масалан, бирор бадӣй асар ҳақида гап кетса, муаллиф — танқидчининг муносабати, кечинмалари,

*Пўлатова Ш. Значение письма Мирза Галиба в развитии прозе урду// АҚД. М., 1963.


шодлиги ёки газаби аниқ сезилиб туради.

Адабий- танқидий мактубга хос хусусиятлар уни адабий танқидчиликнинг бошқа жанрлари билан қиёслаганда яққол намоён бўлади. Унинг тақриз жанридан фарқи шундаки, тақризнинг бош мақсади янги яратилган асар ҳақида китобхонга илк умумий маълумот бериш асносида унга баҳо бериб, унинг адабий жараёндаги ўрнини кўрсатишдан иборат. Адабий — танқидий мактуб эса ўша асар муаллифига мурожаат шаклида битилади. Унда муаллиф асарга ўз муносабатини — тасдиқ ёки инкор тарзида билдиради. Кейин улар ёзилиш вақти билан ҳам фарқланади: тақриз ҳозиржавоб жанр бўлиб, асар босилиб чиқиши билан ёзилади. Адабий — танқидий мактуб эса кейинроқ ҳам ёзилиши мумкин. Тўғри, тақризда ҳам муносабат бор, аммо адабий — танқидий мактубдагидек аниқ ва очиқ мазмунга, хусусиятга эга эмас. Адабий — танқидий мактубларда асар муаллифига бевосита мурожаат руҳининг баландлиги, тез — тез такрорланиб туриши бuni тасдиқлайди. Агар тақризда **янги асар ҳақидаги мулоҳазалар** асосий ва биринчи ўринда турса, адабий — танқидий мактубда кўпроқ асарга муносабат асосий ўринни эгаллайди.

Аниқроғи, тақризнинг ўзагини асар ҳақидаги таништирувчи фикрлар, баҳо ташкил этса, адабий — танқидий мактубнинг туб моҳиятини, юрагини шу асар туфайли туғилган фикр — ўйлар, кечинмалардан таркиб топган муносабат ташкил этади. Тақризнинг бош вазифаси асарни халққа таништириш бўлса, адабий танқидий мактубнинг вазифаси асар муаллифига (кимга қаратилган бўлса) бевосита мурожаат замирида унинг асарларига муносабат билдириш, муаллиф билан дилдан дардлашиш — дир. Агар тилга олинаётган асар яхши, муваффақиятли чиққан бўлса — мактуб хайрихоҳлик руҳида, асар муваффақиятсиз чиққан бўлса — қоралаш руҳида ёзилади.


Тақриз ҳам, адабий танқидий мактуб ҳам адабиётнинг юксаклиги учун курашади, аммо мактубда — у хоҳ хайрихоҳлик руҳида, хоҳ нохайрихоҳлик руҳида битилганидан қатъи назар, курашчанлик руҳининг устуворлиги сезилиб туради. Бу жанрларнинг қурилишида ҳам фарқлар борлиги кўринади:

Тақриз структураси



Тақриз қурилишида биринчи ўринда бадиий асар, унга мунаққиднинг баҳоси ва шу орқали ёзувчи ва китобхонга муносабати туради.

Адабий — танқидий мактуб структураси



Мактубнинг қурилиши шуни кўрсатадики, унда биринчи ўринда аниқ шахсга — ёзувчига мурожаат, унинг асарига муносабат, асарга баҳо бериш ва шу орқали кўпроқ ижодкорнинг ўзига таъсир кўрсатиш устун туради.

Ёзувчи И.Раҳимнинг 70—йилларда эълон қилинган «Одам қандай тобланди?» романи муносабати билан танқидчи М.Қўшжоновнинг «Давр талаби ва ижод масъулияти» деб номланган очиқ хати «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинди. Бу мактуб адабий — танқидий мактуб жанрининг ёрқин намунасидир. Шу боис бу ҳақда қуйида чуқурроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Очиқ хатда ёзувчи тутган йўлнинг нотўғрилиги кескин қораланади. Ёзувчининг «Одам қандай тобланди?» романининг муваффақиятсиз чиққанидан ранжиган танқидчи мурожаатда бунини очиқ кўрсатиб беради. Шу роман ҳақидаги тақриزلарда эса бу хусусият кўринмаслиги мумкин. Очиқ хатда танқидчининг асарга муносабати, унинг нуқсонларини аниқ кўрсатиб бериш муҳим ўрин тутди. Бундай очиқ хатларда инкор этиш, қоралаш руҳи жуда кучли.

Хуллас, адабий танқидий мактубнинг асосини танқидчининг асарга муносабати, у орқали ҳосил бўлган кайфияти, руҳиятидан келиб чиққан мулоҳазалар ташкил этади.

Бу бадиий асарларда кўринувчи образли ва аниқ ифодаланган руҳият эмас, балки кўп ҳолларда муайян асарнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз чиқиши, асарда қаҳрамонлар ҳаётининг турлича талқини муносабати билан муаллифда пайдо бўлган кайфият, аниқ кечинмалар, ҳис — туйғулар ифодасидир. Адабий — танқидий мактуб муаллифининг руҳияти фақатгина унда таҳлил қилиниши кўзланган асарга муносабати, муайян вазиятдаги ҳис — туйғуси орқали намоён бўлади.

Адабий танқиднинг бошқа жанрларида вазиятга қараб танқидчининг муносабати, кайфияти ҳар хил бўлиши мумкин. Инчунин, адабий портретларда доимий хайрихоҳлик туйғуси нисбатан кучли ва устундир. Шунинг учун шахсий мактубларда муаллифнинг маълум бир аниқ белгиси ярқ этиб намоён бўлади, жумладан, адабий — танқидий мактубда ҳам. А.И.Герцен хатда ифодаланган киши кайфиятини «қалб тугёни» деб атайдди. Адабий танқидий мактубда ҳам, энг аввало, муаллифнинг қалб тугёни акс этади.

Фаранг мутафаккири Ж. Бюфоон «услугидан инсоннинг қандай эканлигини билса бўлади», — деб ёзади. Рус ёзувчиси Д. Жуковский эса уни бошқача таржима қилади: «Услуг — бу инсондир». Бу, шубҳасиз ҳақиқат: инсон қорозда (фикрини ифодалашда. Ш.А.) қандай аниқ бўлса — ҳаётнинг ўзида ҳам шундай бўлади; Агар инсон ёрқин фикрга эга бўлса — унинг услуги ҳам ёрқин бўлади; агар у кучли ҳис этса — унинг услуги ҳам кучли ва қизғин бўлади; агар у кўп нарсани билса — бу билим ҳам унинг услубида ифодаланади»* (Таржима бизники — Ш.А.).

Ҳақиқатан ҳам адабий — танқидий мактуб — уни битувчи — ёзувчи, мунаққид услубини ёрқин кўрсатувчи жанрдир. Чунончи, мунаққид О.Тоғаевнинг ёзувчи Эркин Аъзамга ёзган мактубини назардан ўтказадиган бўлсак, унда

*Маълумотлар Пушкиннинг китобидан олинди.
Пушкин А.С.Письма. Т 1.С.4.

энг аввало, мунаққиднинг қалби — адабий жараёнда пайдо бўлган яхши асардан қувонгани ва бу қувончларини ёзувчи билан ўртоқлашгиси келган муаллиф кўнглидаги ҳис — туйғулар ёрқин намоён бўлганини кўрамыз.

Адабий — танқидий мактуб тўғридан — тўғри ёш адибнинг «Отойининг туғилган йили» қиссаси таҳлиладан бошланади, ундаги илиқлик, самимият биринчи сатрларданок кўзга яққол ташланади. Унда танқидчининг асар мутолаасидан туғилган кечинмалари, ҳис — туйғуси таҳлил орқали чиқарган ўзи а хос хулосалари, муносабати ёрқин ифодаланади. Шу билан бирга танқидчининг бадиий адабиёт ҳақидаги мулоҳазалари, адабиётнинг юксаклиги учун кураши, орзу — истаклари ҳам акс этади.

«Хатнинг асосини авторнинг фактга бўлган шахсий муносабати, кайфияти, психологияси ташкил этади». Адабиётшунос О.Тоғаевнинг бу фикрлари кишилар ўртасидаги оддий хатлар, қолаверса, публицистик хатларгагина эмас, балки адабий — танқидий мактубларга ҳам тегишли бўлса — да, уларда муаллифнинг адабиёт, бадиий асар ҳақидаги холис мулоҳазалари асосий ўрин тутати. Шу нуқтаи назардан қаралса, адабий — танқидий мактубнинг жанрий белгилари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Адабий — танқидий мактуб ёзувчига, асар қаҳрамонларига, танқидчиларга мурожаат қилиб ёзилади, адабий танқиднинг бошқа жанрларидан фарқли ўлароқ унда мурожаат руҳи, таъкид оҳанги етакчилик қилади.

2. Адабий — танқидий мактубда, асосан, манба сифатида танланган асар ҳақида фикр юритилади, шу нуқтаи назардан у тақриз жанрига ўхшаб кетади.

3. Адабий — танқидий мактуб ёзиш орқали мунаққид танқиднинг бошқа жанрларига нисбатан ҳар қачонгидан кўра ёзувчига, китобхонга яқинроқ бўлади, улар билан бевосита алоқада бўлади.

4. Адабий — танқидий мактубларда ҳам тақриزلарда кузатилган қисқалик, лўндалик устуворлик қилади. Бундан ташқари уларда таъсирчанлик, ишонтириш кучи юқори бўлади. Чунки мунаққид қалбидаги барча дардларини — улар салбий ёки ижобий бўлишидан қатъи назар — бевосита ёзувчининг ёки китобхоннинг ўзига айтади.

5. Адабий танқидчиликнинг барча жанрлари — адабий жараён, китобхон ва ёзувчи — демак, уч томонлама таъсир кучига эга, мактубларда ҳам бу таъсир мавжуд, аммо адабий — танқидий мактуб аниқ нишон (объект) га қаратилганлиги туфайли унгагина шахсан таъсир кўрсатиш хусусияти юқори бўлади.

“Публицистик хат шаклининг яна бир алоҳида хусусияти унда гарчи ўқувчи (мактуб йўлланган шахс) аниқ бўлса — да, билдирилган фикр — мулоҳазалар умумга тааллуқли эканлигида акс этиб, шахсий ёзишмалардан, худди шу, ижтимоий руҳдалигига кўра ажралиб туради*.

Адабий — танқидий мактубларда ҳам бу хусусият мавжуд, чунки улар ҳам аниқ шахсга — ёзувчига, танқидчига, китобхонга ва йўлланса — да, моҳиятида умуми адабиёт манфаати ётади, адабий — танқидий йўсиндалиги билан публицистик хатлардан фарқланиб туради.

Танқидчиликнинг барча жанрларида бўлгани каби адабий — танқидий мактубда ҳам мунаққиднинг истеъдоди ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки у асардаги гўзалликни, гоёвий ва бадиий бойликни ҳис қила олиши лозим, шундагина асарнинг ютуқ ва камчиликларини холис ва тўғри кўрсата олади.

АДАБИЙ ТАНҚИДИЙ МАКТУБЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ. Алишер Навоийдан кейинги даврларда ҳам ижтимоий, адабий қимматга эга бўлган бадиий, публицистик хатлар ёзилган. Аммо улар ҳозиргача тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Туркистонда матбуотнинг пайдо бўлиши XIX — асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. 1870 йилдан Тошкентда чиқа бошлаган «ТВГ» («Туркистон вилоятининг газети»)да шоир Фурқатнинг қатор шеърлари, шу билан бирга хатлари ҳам бўсилган.

Фурқат ижодида хат жанрининг анча шакланган белгилари учрайди**. Уларда муаллифнинг шахсияти,

*Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг ривожланиши таърихлари. Номзодлик дис. 2004.38 — бет.

**Бу ҳақда қаранг: Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат. Тошкент: “Фан”, 1977. : Юсупов Ш. Ғурбатда Фурқат. //“Гулистон”. 1979.6-сон.

таъсирланган далилга аниқ муносабати яққол сезилиб туради. «Бир Ҳўқандлик толибул илмнинг хати» («ТВГ». 1890, 11апрель) ёки чет элдан юборган хатларида муаллиф баҳс, чақириқ, ундов шаклларида мактуб йўлланган шахсга бевосита мурожаат қилмайди. Лекин хатларнинг ўз ватандошлари — газетaxonларга қаратилганлиги, муаллиф уларни ўзи маъқул кўрган фикр — гоёга даъват этаётгани уларнинг мазмунидан англашилади. Адресатга фикран мурожаат — Фурқатнинг ҳар иқкала хатининг ўзига хос хусусиятидир*.

XX аср бошлари ўзбек танқидчилигида адабий — танқидий мактублар бир қадар ривожланганлигини кузатиш мумкин. Аммо «адабий танқиднинг ўзига хос жанрларидан бўлган мактублар ҳанузгача танқидчилигимиз тарихи тадқиқотчилари назаридан четда қолиб кетмоқда, — деб ёзади XX аср боши танқидчилиги ривожини бўйича тадқиқот олиб борган адабиётшунос Р.Тожибоев, — Ваҳоланки, мактублар адабий — танқидий қарашларни баён қилишнинг муҳим шакли сифатида диққатга сазовордир»**.

XX аср бошларида адабий — танқидий қарашлар баён этилган мактублар мазмун — мундарижасига кўра икки турга бўлиб ўрганилган.

1. Танқидий қарашлар билдирилган шахсий мактублар. Бундай мактублар адибларнинг дўсти, яқин танишлари ёки китобхонлар томонидан ёзилган ва унинг ўзига жўнатилган. Бундай мактуб орқали адиб ўз асари ҳақидаги баҳодан огоҳ бўлади.

2. Матбуотда «Очиқ хат», «Редакцияга хат» шаклида эълон қилинган мактублар. Бу хил мактублар фақат адибнинг ўзига эмас, балки оммага мўлжалланганки, улар орқали нафақат асар муаллифи, балки китобхонлар ҳам асарлар ҳақидаги фикр ёки баҳодан хабардор бўлганлар.

Адабий — танқидий мактубларнинг биринчи тури, одатда, адибларнинг шахсан ўзига мўлжалланганлиги сабабли жамоатчилик кўпинча унинг мазмунидан беҳабар

*Маълумотлар О.Тоғаевнинг юқорида кўрсатилган китобидан олинди. 21 — бет.

**Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан//. Номз.дис.1993. 93 — бет.

қолади. Баъзан бундай хатларда кўпроқ шахсийроқ, хусусийроқ фикрлар ўз ифодасини топиши ҳам мумкин. Аммо бу ҳол мактубнинг танқидчилик жанри сифатидаги масъулиятини камайтирмайди. Чунки хат танқидий фикрни қай тарзда бўлса — да, адибга билдиришга хизмат қилади. Бунда фақат танқиднинг ижтимоий доираси тораяди, холос. Бироқ вақт ўтиб, бундай мактублар ҳам матбуот ёки китоб воситасида жамоатчилик мулкига айланиши мумкин. Масалан, «Х.Х.Ниёзий архивининг каталоги» (1991, 2 том) чоп этилиши натижасида ўқувчилар Чўлпон, Мунаввар Қори, М.Иброҳимов ва бошқаларнинг атоқли адибга ёзган танқидий мазмундаги мактубларидан хабардор бўлишди. Уларда Ҳамзанинг шеърий, насрий ва драматик асарларига баҳо берилган. Чунончи, Чўлпоннинг Ҳамзага 1916 йил 12 декабрда йўллаган мактубида шоирнинг «Садойи Туркистон» нинг қайта нашри биринчи сони учун мўлжалланган шеъри таҳлил қилинади. Чўлпон «Шеър яхши. Газета саҳифасини зийнатлар» (каталог, 24 — бет) дея асарга, умуман, яхши баҳо беради. Айни пайтда мунаққид сифатида шеърдаги айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтади.

Бу давр ижодкорларининг аксарияти ўз адабий — танқидий қарашлари изҳорида хат шаклидан ҳам, жанридан ҳам унумли фойдаланишган. Жумладан, Абдурауф Фитратнинг шу йўналишдаги изланишлари ҳақидаги эътироф ҳам фикримизни тасдиқлайди: «Олимнинг жавоб чиқишлари, баъзан луқма, «очиқ хат» ҳамда «самимий дардлашув» шаклида ёзилган»*. Ҳақиқатан ҳам Фитратнинг «Ёпишмаган гажаклар»и ёзувчининг танқидчига жавоб мактуби тарзида ёзилган.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: XX аср бошларида адабий танқиднинг бошқа шакллари каби мактублар ҳам танқидий йўсинда бўлиб, танқидчиликнинг муҳим ва ўзига хос шакли сифатида танқидий тафаккурнинг ривожланишига маълум даражада ҳисса қўша олди.

Кейинги даврларда С.Айний, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ойбек ва бошқа адибу мунаққидлар хат жанри

*Болтабоев Х. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитрат илмий мероси.// ДА, 1993. 290 — бет

тараққиётида муҳим ўрин эгалладилар. Бу йилларда йиғиқ ва ёйиқ хат кўринишлари: бир кишининг шахсий муносабати ифодаланган, матбуот саҳифаларида тез – тез учраб турган қисқа хатлар билан бирга очиқ хат, мурожаат, бадиий – публицистик хусусиятга эга бўлган ёзувчи хатининг тугал намуналари вужудга келди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида матбуотда бу жанрга эътибор жуда кучайди. "Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг" Эл – юртларидан мактуб» (1942), Й.Охунбо – боевнинг ўзбек жангчиларига хати (1943) ва шу характер – даги мактублар ғалабага муносиб ҳисса қўшган тарихий ҳужжатлар ҳисобланади.

50 – 60 – йилларда ҳам кўпроқ публицистик хатлар ривож топди ва ташкилотчилик вазифаларини бажариб келди. Адабий танқидий мактубларда ҳам бу хусусиятлар мавжуд бўлса – да, уларда муаллифнинг бадиий асарга муносабати, мулоҳазалари асосий ўрин эгаллади.

Мустақиллик йилларига келиб, гарчи адабий танқид ҳали ўсиш, ривожланишнинг ҳақиқий йўлига кирмаётган – лигидан ташвишлар кўпаяётган эса – да, мактуб ҳақида бу фикрни айта олмаймиз. Негаки, адабий – танқидий мактуб бу даврда ўзининг янги ривожланиш босқичига кирди. Бу жанрга муносабат анча ўзгарди. Бунинг ёрқин намунасини кўпроқ Ш.Холмирзаев ижодида кўриш мумкин.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йил 11 апрель сонидида шоир Э.Шукурнинг «Тебранишлар силсиласи». Шоирга хат» деб номланган мактуби босилди. Шоирнинг ўзи ҳам унинг хатлигини таъкидлаган. Бу хатни «Шоирнинг шоирга мактуби» деб қараш унинг шакл жиҳатдан оҳорини кўрсатади.

Самарқандлик ижодкор Нусрат Раҳматнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевга мактуби «Янги адабиёт эҳтиёжи» деб номланган (Ўз АС, 2004, 23 апрель), мунаққид О. Шарафиддиновнинг мактуби «Фикр эркинлиги зарур эҳтиёж» деб номланган, у адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулга очиқ хат сифатида йўлланган (ЎзАС, 2004, 14 май).

Газета ва журнал саҳифаларидаги кўплаб мактубларни кузатиш хатнинг ҳозирги адабий жараёнда анча фаол жанр бўлиб қолаётганлигини яққол кўрсатади.

АДАБИЙ—ТАНҚИДИЙ МАКТУБНИНГ ИЧКИ КЎРИНИШЛАРИ

Адабий — танқидий мактубларни кимга ва нима мақсадда ёзилганлигига қараб бир неча турларга бўлиб ўрганиш зарурати келиб чиқди.

Кузатишларимиз асосида ўзбек адабий танқид — чилигида адабий — танқидий мактубларнинг қуйидаги ички кўринишлари мавжудлиги аниқланди :

1. Танқидчининг ёзувчига мактуби
2. Ёзувчи мактублари
3. Ижодкор (танқидчи)нинг танқидчига мактуби
4. Мунаққиднинг китобхонга мактуби.
5. Танқидчининг адабий қаҳрамонларга хати.
6. Китобхоннинг ёзувчига ёки бадий асар қаҳрамонига мактуби.

Адабий мактублар кимга йўланганлигига қараб ўрганиб чиқилганда, уларнинг нима мақсадда ёзилганлиги ҳам аниқ бўлади. Тўғри, мактублар фақат бадий асарга ё ижобий ё салбий муносабат билдириш юзасидангина ёзилмайди, баъзан уларнинг ёзилишига бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Аммо шуниси муҳимки , кўпчилик хатларнинг мақсади битта: улар юксак савиядаги адабиёт учун курашиш ғояси билан тўлиқдир.

ТАНҚИДЧИНИНГ ЁЗУВЧИГА МАКТУБИ. Бундай хатлар икки муносабат билан ёзилади:

1. Бунда, аввало, бадий асарнинг муваффақиятли чиққани, танқидчи қалбини ларзага солгани муҳимдир. Асарнинг ўзига хослиги, адабий жараёнда сезиларли воқеа бўла олганлиги, китобхонлар эътиборини қозона ола билишига ишонч натижасида танқидчи ўзининг асарга муносабатини билдириб, самимий руҳдаги мактублар — асарлар ёзади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида танқидчи О.Тоғаевнинг ёзувчиларга ёзган мактубларининг баъзиларини шу руҳда ёзилган хатлар сирасига киритиш мумкин. Унинг 1985 йилда нашр этилган «Прометей олови» деб номланган китобидан 4 та шу хилдаги мактуб ўрин

олган. Улар Э.Аъзам, Т.Қаипбергенов, Ҳ.Икром ва Эгам Ражаб каби ёзувчиларга йўлланган.

2. Адабий жараёнда баъдий жиҳатдан бўш, саёз асарлар пайдо бўлганда сергак танқидчи унга муносабатини адабий — танқидий мактуб шаклида изҳор этади. «Очиқ хат ёзувчига йўлланган бўлса — да, бу аслида бир шакл, бир приём, танқидчиликдаги жанрлардан бири» (Б.Назаров). Бундай хатда очиқ муносабат руҳи, шиддатли руҳ, кескин фикрлар айтиш етакчилиқ қилади. М.Қўшжоновнинг И.Раҳимга йўлаган «Давр талаби ва ижод масъулияти» деб номланган хатини шу гуруҳга киритиш мумкин.

ОЧИҚ ХАТ. Қадимда аждодларимиз хатнинг бу шаклидан турли усулларда фойдаланишган. Масалан, Эрон шоҳи Дорога Скиф шоҳи Иданфрис «совға сифатида»: қуш, сичқон, бақа ва 5 та ўткир ўқ» юборгани маълум. Албатта, уларнинг ўз рамзий маънолари бўлганини Иданфрис яхши тушунган. Бу очиқ хатнинг буюмли кўриниши саналган*.

Очиқ хат истилоҳи матбуот орқали жамоатчиликка мурожаат қилиш воситаси сифатида XIX асрнинг ўрталарида немис матбуотида пайдо бўлган эди**.

Очиқ хат жанр сифатида ёзувчилар, журналистлар ижодида шаклланди ва ривожланди. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида очиқ хат намуналарини мунаққидлар ижодида ҳам учратиш мумкин.

Адабий — танқидий мактуб жанрининг хусусиятлари очиқ хатда янада такомиллашди ва чуқурлашди. Очиқ хат уч асосий унсурдан иборат:

1) муаллиф шахсияти.

2) асар (вазият) таҳлили.

3) очиқ хат мурожаат қилинган киши — хатни оловчи (адресат)нинг шахсияти.

Бу унсурлар ҳамма хатларда бир хил меъёردа учрамайди. Баъзи очиқ хатларда муаллиф шахсияти кенг ўрин эгалласа, баъзиларида асар талқинига алоҳида эътибор қилинади. Адабий — танқидий мавзуларда ёзилган очиқ хатларда бу унсурлар баъзан қўшилиб кетади. Очиқ хат

*Насимхон Раҳмон. Турк ҳоқонлиги. Тошкент. 1979. 23 — бет.

**Қаранг: Публицистика жанрлари. 26 — бет.

ҳақида П. Карасев шундай ёзади: "Мурожаатнинг эпистоляр шакли китобхонга муаллифнинг кечинмаларининг ўзига хос чуқурлиги ва қизғинлигини ёритиш имкониятларини беради. Аниқ бир шахсга, унинг ҳис—туйғуси ва фикрларига мурожаат бу ерда ҳисобга олинган ҳолда чизилади..."*

МУАЛЛИФ ШАХСИЯТИ. Очиқ хатларда муаллифнинг ўзига хослиги, эътиқоди, адабиёт ҳақидаги қарашлари, талқин этилаётган асарларга, ёзувчи тутган йўлга, унинг услубига муносабати асосий ўринда туради.

Маълумки, очиқ хатларда доимо халқ манфаатларига доир ижтимоий муаммолар ҳал этилади. Адабий — танқидий очиқ хатларда халқ ва унинг ҳаётини акс эттирувчи адабиёт манфаатларига оид танқидий муаммоларга даҳл қилинади. Бироқ муаллиф шахсияти талқин этилаётган адабий муаммога нисбатан шаклан шахсий — муносабат тарзида намоён бўлса — да, унда умумманфаати асосий ўринда туради.

Очиқ хат муаллифи талқин этилаётган асар ҳақида жўшқин эҳтирос билан қизғин фикр юритади.

Буюк рус танқидчиси В.Г.Белинскийнинг «Гоголга хат» асари мунаққиднинг ёзувчига очиқ хати тарзида ёзилган, унда муаллифнинг қизғин, эҳтиросли фикрлари ярқ этиб кўзга ташланади. Асарда баён этилган ушбу мулоҳаза фикримизни асослашга хизмат қилади. Н.В.Гоголь ўзининг «Танланган ўринлар» номли инкор руҳидаги асарига Белинскийнинг ўзаро билдирган аччиқ, бироқ ҳаққоний танқидий фикрларини шахсий хусумат, деб талқин этмоқчи бўлган эди. Белинский «Гоголга хат» асарида бунга кескин эътироф билдиради. Бунда гап «агар шахсий масала устида борганида индамай қўя қолиши мумкинлиги, аммо ҳақиқат ва инсонийлик фазилати ҳақорат қилинар экан, бунга тоқат қилиб бўлмаслиги» таъкидланади. Мунаққиднинг шахси ўзига хос туйғулари ижтимоий негизга асосланганлиги хатларнинг кенг омма диққат — эътиборига қаратилганлигини кўрсатади.

Очиқ хатда муаллиф шахсияти турли ғоявий —

*Карасев П.С. Открытые письма // Проблемы газетных жанров. Сб. статей. изд. Ленинград. 1962. С.39.

ҳиссий кўринишларда ифодаланади. Шундай кўринишлардан бири салбий ҳодисаларни қоралаш, фош этиш ва улар ҳақида ҳукм чиқаришдир. Юқоридаги мактубда Белинский шахсияти салбий ҳодисага кескин норозилик ва қоралаш вазиятида намоён бўлади. Бунда Белинский шахсиятининг асосини бир—бирини инкор этувчи кескин зиддиятли икки туйғу ташкил этади. Бу «Ревизор», «Ўлик жонлар» сингари мумтоз асарларни яратган буюк адибга самимий муҳаббат билан муайян асари орқали айрим хатога йўл қўйган ва бу хатосини тан олишни истамаётган кишига нисбатан ғазаб ва нафрат туйғусидир. Ана шу икки туйғу зиддияти Белинскийни қаттиқ ларзага солади. Буюк танқидчининг бу туйғуларнинг иккаласини ҳам бирданига инкор этиши ёки тасдиқ этиши қийин, албатта. Ҳаёт ҳақиқати булардан бирини тасдиқлаш орқали иккинчисини инкор этишни тақозо қилади. Бу диалектика қонунидир. Белинский шахсиятида бу икки туйғу бир—бири билан кескин тўқнашади. Туйғулар зиддияти муаллиф қалбида кучли фуқаролик эҳтиросини ҳосил қилади.

«Дарҳақиқат, мен сизни чин қалбимдан севардим, чунончи ўз юртига жон—дили билан пайванд бўлган киши юртининг орзу—умидини, номусини, шон—шарафини, бу юртнинг онг—билими, ривож ва тараққиёти йўлида жонбозлик қилувчи раҳнамолардан бирини қандай иштиёқ билан севса, мен ҳам сизни шундай билиб, шундай иштиёқ билан севардим»*.

Шундай муҳаббатга лиммо—лим қалбада кучли нафрат ҳам пайдо бўлади. Бу муҳаббат улугъ ёзувчининг муайян вазиятдаги аҳволига ачиниш, афсусланиш туйғусини келтириб чиқарса, унинг салбий хатти—ҳаракатига нафрат ёзувчининг шахсиятини танқид қилишдан иборат бўлмай, балки олижаноб ёзувчини шу ҳолга туширган ижтимоий муҳитга, мавжуд рус жамиятига нафрат ва ғазаб, ўша маънум жамиятни қоралаш, фош этиш туйғусига айланади.

Хатда муаллиф шахсияти мавжуд ижтимоий жамиятни фош этиш орқали инкор этилса, истеъдодли ёзувчининг хатоларини тушунтириш орқали уни тўғри

* Белинский В.Г. Танланган асарлар. Тошкент: Ўздавнашр. 1955. 472—бет.

йўлга қайтаришни кўзда тутати.

Демак, очиқ хатда Белинский шахсиятининг асосини ҳаётбахш инсонпарварлик ташкил этади. Аммо мактубда Белинский шахсиятининг ғоявий моҳияти буюк ёзувчи тақдири, бинобарин, рус адабиётининг келажаги ҳақида ғамхўрлик туйғуси билангина чекланмайди. Мунаққид шахсияти хатда рус халқининг асил фарзанди, оташин ватанпарвар, халқ ҳимоячиси сифатида кўринади.

Баъзи хатларда муаллиф салбий ҳодисани қоралаш билан бирга уни тамомила йўқ қилишни кўзда тутати. Бундай мактубларда муаллиф фаол курашчи сифатида майдонга чиқади.

В.Г.Короленконинг «Статс советниги Филоновга очиқ хат», Л.Толстойнинг «Жим туролмайман», Эмиль Золянинг «Мен айблайман» асарларида муаллиф шахсияти билан мактуб йўлланган шахс ўртасида ғоявий – сиёсий тўқнашув вужудга келади. Қатъий ва шафқатсиз кураш бу хатлардаги муаллиф шахсиятининг фуқаролик йўналишини белгилайди.

Ўзбек танқидчилигида очиқ хатнинг ёрқин намуналаридан бирини Абдурауф Фитрат ижодида кўриш мумкин. Фитратнинг Ж.Бойбўлатовга ёзган очиқ хати «Ёпишмаган гажаклар» деб аталади ва у ўша давр танқидчилиги учун катта аҳамиятга эга*. (Афсуски, биз ҳам қўлланмада унинг шаклини мақола деб хатога йўл қўйганмиз. Ш.А.)

Фитратнинг катта ишларидан бири "Чигатой гурунги"ни йўлга қўйгани бўлди. Ўтмиш меросини ўрганиш ва ундан халқни баҳраманд этиш, авлодларни аجدодларининг ўлмас руҳияти билан боғлашда бу жамият жуда катта хизмат қилганлиги маълум.

"Чигатой гурунги" маданий – адабий ташкилот эди, унинг фаолияти асосида ислохотчилик ғояси ётар эди. Фитрат маданият тараққиётининг юксак чўққиси – Навоий даврини кўп жиҳатдан ибрат қилиб олди.

"Гурунгчи"лар миллатнинг ҳаёт ва истиқболи учун 500 йил давомида узилиб қолган тарих билан миллий –

* Бу ҳақда қаранг: Сафаров О., Йўлдошев Б., Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги. Бухоро. 2003. 72 – 73 – бетлар.

маданий уланиш шарт эканлигини теран ҳис этдилар.

20 — йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан бундай ҳаракатларга сиёсий баҳо беришлар бошланди. 1922 йили "Чигатой гурунги" тарқатиб юборилди. Шунга қарамай, гурунгнинг аъзолари ўз фаолиятларини турли йўналишларда давом эттирдилар. Фитрат бошчилик қилган "Чигатой гурунги" Туркистон миллий маданиятини барпо этиш учун курашди.

20 — йилларнинг охири ва 30 — йилларнинг бошларига келиб, "чигатойчи"ларни пантуркизм, панисломизмда айбловчилар сони орта борди. 1929 йилда Ж.Бойбўлатовнинг "Ўзбек адабиётида чигатойчилик" мақоласи босилди. Фитратнинг "Ўзбек адабиёти намуналари" мажмуаси муносабати билан ёзилган бу мақола бошдан охиригача унинг муаллифини "фош этиш"га қаратилган эди. Чунончи, у марксизмни инкор қилишда, ўтмишни идеallasштиришда, буржуа миллатчилиги ғояларини тарғиб ва ташвиқ этишда айбланган эди. Шу залда кўп асрлик адабий меросимиз чиқитга чиқарилган эди. Ж.Бойбўлатов чигатой шоирларидан ҳозирги пролетар адабиёти учун бир нарса ола билишга шубҳа билан қаради. Китобга сўзбоши ёзган Отажон Ҳошимни ҳам сўкишдан қайтмади.

Кўп ўтмай матбуотда унга жавобан мақолалар пайдо бўлди. Отажон Ҳошим "Адабий мерос ва чигатой адабиёти" мақоласида Ж.Бойбўлатов мақоласини фелъетон деб атаркан, адабий мерос ва чигатой адабиёти каби муҳим масалаларни Бойбўлатов каби ҳал қилиш мумкин эмаслигини таъкидлади. "Чигатой адабиёти кўп бадиий намуналар бергандир, бу адабиётнинг бир қанча санъаткор намуналари бор"лигини эътироф қилади.

Фитрат ҳам жим турмади. Ж.Бойбўлатовга жавобан "Ёпишмаган гажаклар" очиқ хати билан чиқди. "Жалил Бойбўлатовга очиқ хат" деб аталган бу мактуб шунчаки ноҳақ танқидга жавобгина эмас, балки "гўзалликни, чинакам адабиётни англаш, идрок этишдан узоқ нуқтаи назарнинг — олмадан қурт қидиришнинг" (Асқад Мухтор) жамият ҳаётида тобора кучаяётганлигини теран ҳис қилиш ва унга қарши исён руҳига йўғрилган эди. Малакасизликка, Крилов калака қилган этикдўзнинг ҳолва пишириб, ҳолвапазнинг этик тикишига ўхшаган ҳолатга қарши исён

эди. Гап шундаки, Ж.Бойбўлатов Фитратнинг ўтмиш адабиёт намуналарини биттама – битта йиғиб, тозалаб, саралаб, изоҳлаб ўқувчига тақдим этишдек оғир ва шарафли ишини душманлик, зараркундалик ҳисоблаган ва буни адабнинг бутун фаолияти мисолида "исбот" қилишга уринган эди**

Фитрат болалар орасида "Кўзим кўрмайдир" ўйини бўлганлиги ҳақида гапириб, кўзини қаттиқ боғлаб олган боланинг атрофдагиларга ҳужум қилишини Бойбўлатовга қиёслайди. "Мақолани ёзганда, сизнинг қаламингиз ҳам шул кўзи кўрмас боланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан, орада менинг китобим унутилган, жуда оз ўрин олган. . . "**

Танқидчи илмий одоб – ахлоқ доирасидан чиқмасликка ҳаракат қилади ва шунинг учун Бойбўлатов мақоласига жавобни, ўзи айтганидек, дардлашув шаклида ёзади, аввало, унга миннатдорчилик билдиради. Шу билан бирга "сиз адабиёт тарихининг одами эмассиз, мақолангиз эса тасодифий бир ҳодисадир" дейди. Бу эса Фитратнинг юксак дидга эга, ўта маданиятли танқидчи эканлигини кўрсатади.

Унинг хат жанри сифатидаги фазилатлари, ўзига хослиги шундаки, энг аввало, у хатга хос муқаддима – мурожаат билан бошланади. Фитрат ўзининг "Ўзбек адабиёти намуналари" асари ҳақида ёзилган фикрлардан мамнун эканлигини билдириб, Бойбўлатовга ташаккур ҳам билдиради. Бутун хат давомида унга хос жанрий белгилардан бири мурожаатнинг "Сизга", "Сизнинг", "Сиз" каби шакллари кўп қўлланилади. Ва бу орқали Фитрат ноҳақ фикрларга зарба беришга ҳаракат қилади. Аммо бу хатда хотима йўқ, чунки у тугалланмаган, буни Фитратнинг замондошлари ҳам тасдиқлашган***.

Бу очиқ хат ўша давр танқидчилиги учун катта аҳамиятга эга бўлди. Зеро, унда Фитрат фақат Бойбўлатовга эмас, ўша даврда тараққий этаётган вульгар социологизмга ҳам зарба берган эди: " . . . Менинг сўзларимни бош –

*Абдурауф Фитрат. Ёпишмаган гажаклар. «Ёшлик». 1995, 5 – сон. 32 – бет.

**Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 3 – жилд. Тошкент. "Маънавият", 2003. 255 – бет.

оёғини кесиб ташлаб, ўз мақсадингизга ярақлик бир ҳолга киргизиб, сўнгра эътироз қилишингиз илмий бир ҳаракат саналмайдир".

Фитратнинг олим сифатида мардлиги шундаки, ўз хатоларини, ҳаттоки қилмаган баъзи хатоларини ҳам тан олади. Унинг "албатта, ишларимизда янглишлар бўлиши мумкин. Янглишларимни жой—жойи билан кўрсатиш керак. Кўзни юмиб, оғизни очиб сўкишни фойдаси йўқдир" деган сўзлари тобора ўз қиёфасига эга бўлиш сари интилаётган бугунги танқидчилик учун ҳам дастуруламал вазифасини ўташи тайин. Тўғри, Фитрат ҳам ўз даври кишиси эди. Бинобарин, очиқ хатдаги шўро даври мафкурасига дахлдор фикрларга шу жиҳатдан қараш керак.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида очиқ хатнинг мурожаат шаклига кўп эътибор қаратилиб, улар публицистик характерда бўлса, 70—йилларга келиб, мунаққидларнинг ёзувчиларга очиқ хатлари эълон қилина бошланди.

Мунаққид М.Қўшжоновнинг «Давр талаби ва ижод масъулияти» деб номланган очиқ хати ёзувчи И.Раҳимга йўлланган бўлиб, кескин эътирозлар билан эмас, балки ўзбек танқидчисининг миллий қиёфасини кўрсатадиган фикрлар билан бошланади: «Ҳурматли Иброҳим ака! Сизнинг номингиз китобхонлар орасида алақачондан бери маълум. Замонавий темада яратилган қатор ҳикоя, очерк, повесть ва романларингиз адабиёт мухлисларини хушнуд қилиб келмоқда»*.

Мунаққид китобхонларнинг И.Раҳим асарларига муносабатлари доим яхши бўлганлигини эслатиш билан очиқ хатда шахсий туйғуларининг маълум негизга асосланганлигини кўрсатади. У ёзувчининг янги асар яратганидан хурсанд бўлганлиги ҳақида гапириб, романинг ютуқларига ҳам тўхталиб ўтади: асарнинг номланиши, ҳаёт учун долзарб мавзу танланганлиги, асарнинг дебоचा боблари анча яхши чиққанлигини таъкидлайди.

Очиқ хатда муаллиф шахсияти турли ғоявий таъсирчан, жўшқин кўринишларда ифодаланади. Бу хатда мунаққид шахсияти асарнинг муваффақиятсиз чиқиши

*Қўшжонов М. Ижод масъулияти. Тошкент: ФАН. 1981.219—бет.
(Кейинги кўчирмаларда шу китобнинг бети кўрсатилади).

муносабати билан кескин норозилик, ёзувчининг асарда тутган йўлидаги айрим нуқсонларни кўрсатиш вазиятида намён бўлади. Бунда М.Қўшжонов шахсиятининг асосини бир — бирини инкор этувчи зиддиятли туйғулар ташкил этади. Бу бир қанча ҳикоялари, қисса ва романлари билан китобхонлар меҳрини қозонган, адабиёт майдонида ўз ўрнига эга ёзувчига самимий ҳурмат ва унинг навбатдаги асарининг бадиий жиҳатдан бўшлигидан ташвишга тушган ва қалби озор чеккан мунаққиднинг норозилик туйғуларидир. Шу икки туйғу зиддияти мунаққидни қийнайди. М.Қўшжонов шахсиятида бу икки туйғу бир — бири билан кескин тўқнашади. Туйғулар зиддияти муаллиф қалбида кучли ватанпарварлик эҳтиросини ҳосил қилади. Ва китобхонлар қалбидаги фикрлар танқидчи тилига кўчади: «Кўп ўринларда учраб турадиган мантиқсизлик, психологик далилнинг заифлиги, юзакилик, сунъийлик яхши дамланган ош гуручлари орасидан чиққан тошдек ғирчиллаб тишга тегаверади. Қаҳрамон образининг тасвирида сиз характер ва воқеалар мантигидан кўра кўпроқ ўзингизга эрк берасиз». (221 — бет)

Хатда мунаққид шахсияти бадиий асарнинг камчиликларини фош этишда кўпроқ кўринади, ёзувчининг хатоларини тушунтириш орқали уни тўғри йўлга — ҳақиқий санъат асари яратиш йўлига ўтишини истади. (237 — бет).

Очиқ хатда мунаққид мулоҳазаларининг асосини жонкуярлик, ҳаётбахш мулоҳазалар ташкил этади. Шу сабабли мактубда танқидчи шахсиятининг ғоявий моҳияти ёзувчи тақдири, бинобарин, ўзбек адабиётининг юксаклиги, истиқболи ҳақидаги ғамхўрлик туйғусида кучли кўринади. Айни чоқда мунаққид шахсияти адабиётда халқ ҳаётининг ҳаққоний акс этиши учун курашувчи инсон, адабиётшунос сифатида хатда гавдаланади.

Муаллиф, баъзи хатларда бўлгани каби, ҳодисани қоралаб, уни йўқ қилиш йўлидан бормайди. Балки очиқ хатида ижодда унга зарар келтирувчи камчиликларга қарши курашиш зарурлигини равшан кўрсатади.

Очиқ хатда хат олувчи (адресат) шахси. Очиқ хатнинг белгиларидан бири хат йўлланган шахсга бевосита мурожаат қилишдир. Бундай усул бошқа баъзи жанр

намуналарида ҳам учраса — да, очиқ хат жанрининг бутун таркибига сингиб кетганлиги билан унинг устувор хусусиятига айланган.

Очиқ хатда хат йўлланган киши шахсияти турли кўринишларда ифодаланади. Аслида очиқ хат унинг ҳаёти ва фаолиятида маълум қимматга эга фавқулодда воқеа, бирор хатти — ҳаракати муносабати билан ёзилади. Мунаққидлар ижодида эса адабий жараёнда рўй берган, унинг ва китобхонлар қалбини жунбўшга солган адабий асарлар пайдо бўлганида ёзилади.

М.Қўшжоновнинг очиқ хати И.Раҳим ижодида янги пайдо бўлган асарнинг бир қадам олға кетиш эмас, балки бир қадам орқага кетиши ва унинг адабиётга, китобхон онги ва дунёқарашига турли таъсирларининг олдини олиш муносабати билан ёзилган.

Очиқ хатда ёзувчи шахсиятидан кўра унинг асарининг ғоявий — бадиий таҳлили ва у ҳақдаги мулоҳазалар асосий ўрин тутди. Шунинг учун очиқ хатга хос хусусият — танқидчининг асар бадииятидан қониқмаслиги, норозилигининг ошкора ифодаси, яъни асарга берган баҳоси куюнчаклик билан ифода этилишида намоён бўлади.

Бу очиқ хатда гарчи адибнинг ўзига мурожаат қилинаётган эса — да, ундаги моҳият умумга — барча ижодкорларга тааллуқли, чунки унда адабиётнинг ривож, юксаклиги учун кураш масаласи биринчи ўринда туради. Бу ҳақда 70 — йилларда адабиётшунос Б.Назаров унинг очиқ хат жанрида ёзилганлигини таъкидлаб, яна мақола дея чалкашликка йўл қўйса — да, унга тўғри баҳо беради: «Мақола шу хусусияти билан ибратлики, у фақат йўлланган ёзувчиғагина эмас, умуман, адабий жараёнга таъсир кўрсатиш кучига эга. У ёзувчиларни ана шундай камчиликларга йўл қўймасликка даъват этади. Шунинг учун ҳам у фақат И.Раҳим ижодини танқид қилиб ёзилган хат сифатида эмас, шу ёзувчи, ва умуман, адабиётимизнинг савиясини кўтариш устида қайғуриб ва жонқуярлик кўрсатиб ёзилган илмий мақоладек қабул қилинади. Бизнинг фикримизча, жамоатчилик ҳам уни худди шундай қабул қилди».

Очиқ хатда асар таҳлили. Очиқ хатда асар таҳлили кўпроқ муаллиф ва хат йўлланган ёзувчи шахсиятига эмас, балки юксак санъат мезонлари билан боғлиқ бўлади. Хатда асар таҳлили мазмунан ўзига хос кўринишларга эга .

1. Баъзан очиқ хатда (бу жуда кам учрайди) муаллиф ёки хат йўлланган адиб шахсияти таҳлил объекти бўлиб келади. Танқидчи ўз хатти — ҳаракатини ёки хат олувчи шахсиятини муҳокама қилади, инкор ёки тасдиқ асосида маълум илмий хулосалар чиқаради.

Бу хусусият кўпроқ публицистик хатларга тегишли. Адабий — танқидий характердаги очиқ хатларда кўпроқ асар таҳлиliga эътибор қаратилади. Бунга Фитратнинг «Ёпишмаган гажак»лари мисол бўлади.

2. Хатда муаллифга тааллуқли — ю, хатни олувчига зид бўлган, ёки аксинча моҳиятга эга масала, муаммо муҳокама қилинади. Бундай таҳлил кўп ҳолларда зиддиятли адабий ҳодисаларга дахлдор бўлади. (Бунга мисол қилиб шоир Усмон Азимнинг танқидчи У.Норматовга жавоб хатини кўрсатиш мумкин. ЎзАС. 1987, 13 ноябрь)

3. Муаллифга ҳам ва хат йўлланган ижодкорга ҳам баравар тааллуқли бўлган адабий — бадиий масала, муаммо, асар таҳлили хатнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Очиқ хатда муайян асар таҳлилида: а) ахборот берувчи (шу жиҳатдан тақризга яқин); б) фалсафий — таҳлилий (аналитик); в) образли ва илмий тафаккурдан фойдаланилади.

«Индивидуал аниқ хатларда кўпинча информацион ифода услуби муҳим ўрин тутса, ёйиқ хатларда асосан аналитик — публицистик ва образли публицистик тафаккур характерлидир».* О.Тоғаевнинг бу фикрлари кўпроқ публицистик хатларга тааллуқли. Адабий — танқидий характердаги очиқ хатларда эса кўпроқ илмий ва образли тафаккур устун туради.

Мунаққид М.Қўшжоновнинг И.Раҳимга ёзган очиқ хатида «Одам қандай тоблани?» романи таҳлиliga кенг ўрин берилади. Танқидчи ёзувчига асарининг нуқсонларини бирма — бир кўрсатиб беради: «И.Раҳим асар қаҳрамо —

*Тоғаев О. Публицистик жанрлари. 37 — бет.

нининг ҳаётини шунчалик оддий тасвирлайдики, буни қуйидаги мурожаат яққол кўрсатади:

«...Демак, унинг ҳаётида катта синаш рўй бераяпти. Сиз эса бу ҳақда шу даражада совуққонлик ва психологик кечинмаларсиз хабар қиласизки, бу сатрлар китобхонга таъсир ўтказмайди» (222 — бет).

Муаллиф ёзувчини қаҳрамоннинг ички руҳий дунёсини очиб бермаганлиги; психологик кечинмалардан олиб қочишда; воқеаларни хабар шаклида бериб, улардан маълум хулосалар чиқара олмасликда; қаҳрамоннинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини асослай олмасликда; шаклнинг мазмунга мос келмаслиги; зиддиятларнинг асосланмаганлиги ва бўшлиги; асар қаҳрамонларининг ҳаммаси бир хил тилда гаплашади, демак, асар тилидаги нўноқликларда; диалоглардан тўғри фойдаланмасликда (бундай нуқсонлар кўп) айблайди. Бутунги китобхоннинг савияси билан ҳисоблашмаслик ҳаёт талаби ва ижод масъулиятини унутиш эканлигини таъкидлайди.

Мунаққидни шу тариқа асарнинг гўзал, бетакрор хусусиятларига эга эмаслиги ташвишлантиради. Унинг фикрича, ёзувчи асарда ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантира олмаган. У яратган образларда ҳаётийлик етишмайди деган хулосага келади.

Танқидчи очиқ хатда ҳақиқий бадий асар — санъат асари учун зарур бўлган долзарб муаммоларни бирма — бир таҳлил этаркан, асарнинг камчиликларини очиб беради ва ёзувчини «китобхоннинг ҳурматини доим кўз қорачигидек асраш»га даъват этади. «Хатдаги далил исбот ўзига хос хусусиятга эгадир. Хатда далил иқтисодий мисол ёки ахлоқ меъёри, гўзаллик мезони ёки қонун моддаси эмас. Муҳокама — мулоҳазалар, қатор мисоллар ҳам эмас, зотан хатда бундай далиллар ҳам бўлади, хатдаги бош далил — авторнинг ўз ҳаёти, ўз ҳаёт тажрибаларидан чиқарган хулосалари, ўз дунёқараши, ўз ҳис — туйғулари, кечинмалари, кайфияти, одамлар билан муносабатидир. Муаллиф — нинг бутун қалб олами хат охирида чиқарган хулосаларини, унинг нуқтаи назарини мустаҳкамлайди ва исботлайди»*.

*Прохоров Е.П. Эпистолярная публицистика. М, 1966. с.15 — 16.

Шу жиҳатдан қараганда мазкур очик хатда ҳам мунаққиднинг хулосалари, муҳокамалари адабиёт учун зарурлиги яққол кўринади.

М.Қўшжоновнинг очик хатида учта асосий хусусият кўзга ёрқин ташланиб туради:

1) хатда, асосан, романнинг муваффақиятсиз чиққанлиги кўрсатиб берилади;

2) ёзувчи ижоди маҳорат нуқтаи назаридан таҳлил қилинади;

3) мактубда мунаққиднинг қиёфаси — курашчанлиги, адабиётнинг юксаклиги учун жонкуярлиги ёрқин намоён этилган.

Хулоса қилиб айтганда, очик хатда асар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, асарни қандай қилиб яхши томонга ўзгартириш мумкинлиги, шундагина ҳаёт ҳақиқати бадиий ҳақиқатга айлана олиши ишонарли исбот қилиб берилган.

Бу очик хатнинг аҳамияти шундаки, мунаққид, биринчидан, адабиётда савияси паст асарлар яратилишнинг олдини олишга ҳаракат қилади; иккинчидан, ёзувчининг асарда йўл қўйган камчиликларини ўзига очик — ойдин кўрсатиб беради. Бу билан адиб ижодида бўш асарлар яратилишига қарши туриб, «яранинг маддалаб кетмаслиги»нинг олдини олади, учинчидан мазкур асарнинг бадиий жиҳатдан бўшлигини китобхонга кўрсатиб, унинг дидини ўстиришга, эстетик савиясини оширишга хизмат қилади.

М. Қўшжоновнинг очик хати фақатгина И. Раҳимга эмас, балки ўртамиёна, саёз асарлар яратаётган, сўз устида тер тўкмай, унинг масъулиятини чуқур ҳис эта олмаётган барча ижодкорларга тааллуқлидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, адибнинг бу китоби эскирганлиги, замонлар юкини кўтара олмаганлиги, аммо у ҳақдаги очик хат кейинги даврларга ҳам хизмат қила олиши яққол кўринади. Бинобарин, бу очик хат ғоят муҳим ижтимоий ва бадиий аҳамият касб этади.

ЁЗУВЧИ МАКТУБЛАРИ. «Ёзувчи хати бевосита бадиий адабиётга яқин туради ва баъзан бадиий

ижоднинг махсус турига айланиши ҳам мумкин»*. Ҳақиқа — тан ҳам ёзувчи хати ҳикоя, қисса, роман шаклида бўлса, у бадиий ижод ҳосиласи ҳисобланади. Ёзувчи бирор муносабат билан ҳамкасбига, танқидчига, китобхонга қарата ёзилган бўлса, у ҳолда улар адабий-танқидий мактублар ҳисобланади. Шунинг учун ёзувчи хати мавзуси, йўналиши ва шакл хусусиятига кўра икки хил бўлади:

1. Ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, адабий мавзуларда ёзилган мактублар. А.Толстой, В.Г.Короленко, М.Горький — нинг («Серафимовичга хат») юқорида тилга олинган мактублари, шунингдек, Алишер Навоий, Ойбек, Фитрат, Чўлпон, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом ва бошқаларнинг ёзувчиларга, мунаққидларга ёзган хатларини шу гуруҳга киритиш мумкин.

2. Ёзувчининг муайян шахсларга қарата ёзган шахсий хатлари. (Шахсий хатларнинг ўзини ҳам мавзусига, мазмунига, кимга йўлланганига қараб гуруҳларга ажратиш мумкин).

Яна ёзувчининг ёзувчи ёки шоирга, танқидчига ёзган хатлари ҳам мавжуд. Умуман, ҳар иккала турдаги мактубларда ҳам адабиёт, адабий — бадиий муаммолар ҳақида фикр юритилиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда ёзувчиларнинг адабий — танқидий мактубларини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ёзувчи хатларида бадиий-фалсафий тафаккур асосий ўрин тутади. Бинобарин, уларни фақат публицистика жанрларига киритиш** ўнчалик мақбул эмас. Тўғри, уларда ижтимоий — сиёсий мавзуларга ҳам дахл қилиниши мумкин. Бундай хатларда ўз — ўзидан ижтимоий — фалсафий тафаккур усулидан ҳам фойдаланилади. Шу боис А.И.Герценнинг «Эски ўртоққа», Н.Г.Чернышевскийнинг «Адрессиз хатлари»да, В.Т.Белинскийнинг «Гогольга хат»ида энг муҳим адабий, ижтимоий муаммолар ҳақида сиёсий — фалсафий, бадиий публицистик нуқтаи назардан фикр юритилган. Қолаверса, А.И.Герценнинг сеvimли адабий — танқидий услуби хат бўлиб, унда бадиий ижоднинг ҳамма унсурларидан фойдаланади. Улуғ адибнинг

*Алексеев М.П. Письма Тургенеева. «И.С.Тургенеев. Полн. собр.соч. и писем». Письма. Т.1. М — Л.1961.с.15.

**Тоғаев О. Публицистика жанрлари. 43 — бет.

«Франция ва Италиядан хатлар», «Бўлғувси дўстимга мактублар», «Душманга хат», «Саёҳатчига мактублар», «Эски ўртоққа» каби қатор мактубларида муҳокама ва мантикий асослашлар бадиий образлар билан табиий равишда қўшилиб кетган. Бу асарларда ҳаётдан олинган тарихий далилларни, лирик бадиҳаларни, тарихий шахслар портретларини, манзарала — рини, сатирик лавҳа ва юмор элементларини кўриш мумкинки, бу хат жанрининг имкониятлари кенглигини намоён этади. Герценнинг нафақат публицистик, адабий — танқидий, балки шахсий хатларида ҳам умуминсоний ғоялар ўз ифодасини топган. Унинг қизларига ёзган хатлари бугун ҳам ўқувчилар диққатини торта олади. Чунки уларда Отанинг фарзандга муҳаббати, ардоғи самимий баён этилган. Шу билан бирга бу хатлар қизлар тарбиясида ҳам катта ўрин тутаяди. Янги ҳаёт бўсағасида турган қизига ота шундай ёзади: "Меҳнатдан сира қочмаслик лозим. Истеъдод ҳам, санъатта муҳаббат ҳам мусаввир бўлиш учун камлик қилади, шу иккаласига меҳнат қўшилсагина киши ниятига етиши, мумкин...

Ишлашга ўрганиш ҳам ахлоқий гигиенанинг бир туридир. Шубҳасиз, ишни десанг, кўп жиҳатдан қўрбон беришингга тўғри келади, зотан, қўрбонсиз чинакам муҳаббат ҳам йўқ...

Санъат ижодкорлардан бутун диққат эътиборни бир ерга йиғишни бекорчи даҳмазалару пуч ҳаётнинг беҳуда ташвишларидан қутулишни талаб қилади, холос".

Ёзувчи хат орқали қизларини Ватанни, Онани севишга ундайди: "Истагим Италия тупроғига, янги ҳаёт бағрига кираётиб, аввал, албатта онангни қабрини зиёрат қил, у ерга ўзинг билан Ольгани ҳам олиб бор ҳамда онанг кўмилган тупроққа, бу тупроқда унган гулларга ҳурмат ила таъзим бажо эт". (Н. Отахон таржимаси).

Юраги меҳрга тўла отанинг соғинчга қорилган бу дил сўзлари ўқувчи қалбини ларзага солади. Шунинг учун унинг ижтимоий — сиёсий, адабий, илмий қиммати замонлар ошса — да, оҳорини йўқотмайди.

Ёзувчининг муайян шахсларга қарата ёзган хатлари ижтимоий, бадиий ва адабий қимматга эга бўлиб, адиб ўзи ҳаётлигида ва у оламдан ўтгандан кейин ҳам матбуотда

эълон қилинаверилади. Бундай хатлар адабий шаклининг пишиқлиги, тафаккурнинг содда ва аниқлиги билан жанр такомиллашуви ва тараққиётига кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабли ёзувчининг бундай хатларини бадиий эписто — ляр (иншо санъати) адабиёт намуналари деб юритишади. Мумтоз адабиётда бу санъатга, алоҳида эътибор қаратил — ганлиги ҳақида юқорида сўз юритган эдик.

«Бировга хат ёзиш ботиний, руҳий эҳтиёждан туғилади, дедик. Бу жудаям ўзига хос дил изҳоридир, — деб ёзади олимлар Ғайбулла ас — Салом ва Сайди Умр. Мактубнавислик ўзи бир санъат. Иншо, муншаот ҳам ижод. Абдураҳмон Жомий ҳамда Алишер Навоийларнинг бир — бирларига ва бошқа азиз инсонларга ёзган мактублари ниҳоятда нозик ва зариф, нуктадонлик ва меҳрибонлик туйғулари билан суғорилган. Биз бу сингари инсонлардан улар ёзиб қолдирган бениҳоя гўзал бадиий асарлари учунгина эмас, балки бир — бирларига ёзган номаъи аъмол ҳамда хатлари, буларни жамлаб борганлари ва махсус мажмуа ҳолига келтириб, биз авлодларга туҳфа этиб қолдирганлари учун тоабад миннатдор бўлишимиз даркор. Сабаби, юксак бадиий ижод соҳиблари хатда ёзиб бўладиган қалб сирларини бошқа бирон восита билан айта олмас эдилар. Ҳолбуки, ижод қанчалик ижод бўлса, ижоднинг сирлари, ижодхона мўъжизалари, иқрор ва инкор, тасдиқ ва раддия, муҳаббат ва нафрат.. булар бари, аксарият, шу хатларнинг қатига битилган бўлади. Зеро, зоти пок инсонлар, мутафаккирлар, ёзувчи ва шоирларни биз қанчалик чуқур ўрганмайлик, барибир, уларни ҳеч ким уларнинг ўзларичалик билмайди, билолмайди»*. Олимлар — нинг бу мулоҳазаларидан ёзувчи хатларини алоҳида ўрга — ниш зарурлиги ҳақидаги хулосалар келиб чиқиши табиий.

Бу хил хатларда марказий қаҳрамон — ёзувчининг ўзидир. Унинг ички руҳий олами, ҳис — туйғулари, фикр — қарашлари бадиий ифодаланган хатларда муаллиф ўз аксини топади. «Сиз Эйнштейннинг шахсий мактубларини ўқиганмисиз? Табиийки, бу буюк олимни вақт қадрини

*Ғайбулла ас — Салом., Сайди Умр. Толибнома. Тошкент: «Шарқ», 1997. 104 — бет.

билмайдиганлар қаторига қўшиб бўлмайди. Лекин унинг шогирдларига, қизларига, оиласига, танишларига ёзган шу қадар қувноқ, битмас — туганмас ҳазил — мутойибали, доно ва узундан узоқ мактублари борки, уни фақат шу билан шуғулланган экан, деб ўйлашингиз мумкин»*. Ҳақиқатан ҳам буюк шахсларнинг ҳаёти ва ижодига назар ташласангиз, уларнинг хатга катта эътибор билан қараганларини кўрамиз.

Яқинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси «Олтин калом» рукни остида шоир Мақсуд Шайхзоданинг шоир ва ёзувчи дўсти Асқад Мухторга ёзган хатларини эълон қилди. Бу хатлар гарчанд дўстларнинг бир — бирларига ёзган дил изҳорлари бўлса ҳам, уларда адабиёт, шеърят, адабий жараён ҳақида қимматли фикр мулоҳазалар жамланганлиги, ҳар бир мактуб эгасининг буюк қалбини намоён этиб туриши жиҳатидан қимматли манба саналади. Тўғри, бу икки улкан ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида адабий портретлар, танқидий — биографик очерклар, монографик тадқиқотлар яратилган, бироқ улар мактубларчалик М.Шайхзода ва Асқад Мухторнинг инсоний қиёфаларини очиб беролмайди. Шунинг учун ёзувчи мактубларини ўрганишнинг аҳамияти жуда катта.

«Адибларнинг мактублари уларнинг шахсияти ва ижоди, улар яшаган замон, муҳит, улар билан мулоқотда бўлган одамлар ҳақида маълумот берувчи муҳим манбадир. Айни чоқда, ёзувчи мактублари бадиий адабиётга яқин турувчи, адабий тараққиёт тақозоси билан ўзининг шаклини ўзгартира боровчи бадиий ижоднинг ўзига хос тури ҳамдир»**.

Рус ва Ғарбий Европа адабиётида ёзувчи хати шакл жиҳатдан янада такомиллашди. Бу жанрнинг ёрқин намуналарини Пушкин ва Тургенев каби рус ёзувчилари ижодида яққол кўриш мумкин. А.С.Пушкиннинг замондошларидан бири, таниқли рус танқидчиси П.В. Анненков улуғ шоир хатлари қимматли адабий далил эканлиги билан бирга уларда шоир образи ҳам акс этишини

*Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга. 59 — бет.

**Ганиева С. Наср ва бадиият. //Навоий ва ижод сабоқлари.

Тошкент: «Фан», 1981.64 — бет.

таъкидлаган эди. «Бу хатнинг яна бир қимматли томони шундаки, хат Пушкиннинг маънавий, гўзал образини чизади»*.

«Пушкин ҳақида муҳокама юритиш мумкин бўлган бу бебаҳо манбада, — деб ёзади шу китобда яна бир тадқи — қотчи, — кўз олдимизда Пушкин ҳар томонлама гавдаланади: Пушкин — шоир ва ёзувчи, Пушкин — адабий танқидчи, Пушкин — сиёсатчи, Пушкин — ҳозиржавоб, садоқатли дўст, Пушкин — вафодор эр ва ота, Пушкин — содиқ ва ғамхўр ака. Пушкин — донишманд ва масъум хушчақчақ. Пушкин расмий ва юқори табақа вакиллари доирасида».

И.С.Тургенев хатларида ҳам ёзувчининг руҳий — маънавий портрети яққол намоён бўлади.

Ёзувчи хатлари унинг биографиясини ўрганишда энг ишончли манба ҳисобланади. Ёзувчи мактубларида ижод жараёнига оид маълумотлар ифодаланади. Халқ қалбидан ўрин олган асарлар ва уларнинг қаҳрамонлари ҳақидаги муҳим ички маълумотларни ҳам ёзувчининг хатидан билиб олиш мумкин. Масалан, А.Толстой В.П.Полонскийга ёзган хатида «Сарсон — саргардончиликда» трилогиясининг яратилиши хусусида гапиради**.

А.П.Чехов ва М.Горький хатларида ҳам ёзувчи ижоди сирлари баён қилинадик, бу китобхон учун ҳам, танқидчи учун ҳам бирдай зарур. Санъаткорнинг ижод сирларини, руҳиятини ўрганишда ёзувчи хати муҳим манбадир.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ёзувчи ва файласуф шоир Ғ.Ғуломнинг мактубларини шу нуқтаи назардан қараб чиқиш мавзунини ёритишда ёрдам беради.

Ғ.Ғулом ижоди ҳақида жуда кўп тадқиқотлар яратилган бўлса — да, унинг мунаққидлик фаолияти, услуги, адабий танқидчилик жанрларини ривожлантиришдаги хизматлари ҳанузгача алоҳида ҳолда ўрганилмаган, (Бундан Р.Воҳидов, М.Маҳмудовларнинг «Ғафур Ғулом мактублари» мақоласи (ЎТА, 2003, 2 — сон) мустасно). Ҳолбуки, мустақилликка эришгандан сўнг ёзувчининг адабий — илмий меросини истиқлол мафкураси асосида қараб чиқиш эҳтиёжи туғилди. Шу боис Ғ.Ғуломнинг адабий — танқидий қарашларини жамлаган хазинанинг матний — структуравий

*Пушкин А.С. Письма. Т.1. С.11

**Толстой А. О литературе. М, 1956. с.78 — 82

жиҳатлари, бадиияти, тили, услуби каби муаммоларни ало — ҳида олиб ўрганиш зарурияти тобора чуқурроқ сезилмоқда. Ёзувчининг мактублари ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Шоирнинг ҳозирги замон танқидчилигида ҳам, Фафур Фуломшуносликда ҳам деярли эътибор берилмай келинган 70 дан зиёд мактублари бўлиб, 40 таси шоир асарлари ўн жилдлигининг 10—томидан ўрин олган. Бу мактубларни мазмун — мундарижасига кўра қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Шоирнинг яқинлари, қариндошларига ёзган хатлари (Баҳри Фуломовага, Улуғ Фуломовга ва ҳ.к.).

2. Ғ.Фуломнинг ижодкор дўстларига ёзган мактублари (А.Лоҳутийга, Улфатга, Собир Абдуллага, Асқад Мухторга, Сотим Улуғзодага, Мирзо Турсунзодага, Ҳамид Фуломга ва ҳ. к.)

3. Адабиётшунос олимлар ва журналистларга ёзилган мактублар (В.Мирзаевга, А.Шораҳмедовга, В.Рўзиматовга ва ҳ. К.).

4. Ўқувчилар ва ёш газетхонларга йўлланган мактублар.

5. Рассомлар, олимлар, турли касб — ҳунар эгалари, деҳқонларга ёзилган хатлар. (масалан: фарғоналик деҳқонларга).

6. Қардош халқлар вакилларига ёзилган мактублар (тожик, туркман, озарбайжон, қозоқ, украин ва ҳ.к.)

Бундай гуруҳлаш шуни кўрсатадики, хатларнинг барчаси адабиёт, адабий танқид ривожига хизмат қилади дейиш қийин. Чунки улар турли муносабат билан турли кишиларга ёзилган, баъзилари жуда қисқа, баъзилари шеърӣ шаклда, барибир, ҳаммаси Ғ.Фуломнинг ижодий ва инсоний қиёфасини ёрқинроқ очиб беришда маълум аҳамиятга эга. Муҳими шундаки, улар аллома, инсонпарвар, саҳий ва меҳрибон инсоннинг улкан қалбини намоён этувчи, шоир қаламидан тўкилган сатрлар сифатида тарих саҳифаларида муҳрланиб қолгандир, Мактубларни диққат билан ўқиб чиқсангиз, кўз олдингизда қалби қайноқ, меҳр — саховатга тўла жонқуяр, улуғ инсон гавдаланади.

Ёзувчининг шундай мактублари борки, улар кўпроқ адабий — танқидий йўсинда бўлганлиги туфайли Ғ. Фулом — нинг мунаққид сифатидаги маҳоратини кўрсатишга хизмат

қилади. Масалан, унинг "Садриддин Айнийнинг 80 — йиллик юбилейи тантаналари иштирокчиларига" мактуби маро — симга шахсан ўзи иштирок эта олмаган, "йиғилган дўстларининг чехрасида ўз муаллими, узоқ йиллик қадрони улуғ устоднинг сиймосини яна бир бора кўра олмаганидан" афсус чеккан шогирдининг қалб изҳорларидир. Унда "зуллизонайн устод" Садриддин Айнийнинг ўлмас ижодидан фахрланиш туйғуси кучли.

Яна бир қатор мактубларда зукко ва теран нигоҳли адабиётшунос, адабиётнинг юксаклиги учун қайғурувчи зукко мунаққиднинг сиймоси кўзга ташланади. Шундай мактублардан бири адабиётшунос Валижон Мирзаевнинг газетада эълон қилинган "Нафасдек табиий, рост сўз" мақоласидаги баъзи мулоҳазаларга жавоб тарзида ёзилган бўлиб, адабиётнинг муҳим масалаларига дахл қилинган.

Шоир Бедил байтларидан мисол келтириш билан мактубнинг бадийлигини таъминлаган, жозибали тили китоб — хон диққатини тортувчи фазилат кашф этган. Унда аниқлик, илмийлик тамойили кучли, шу билан бирга ўз фикрида собитлик ва адабиётга, унинг аҳлига катта муҳаббат сези — либ туради. Айниқса, Ғ.Ғуломнинг қарашларида адабиёт — нинг ўлмаслиги, шоирлиқнинг безаволлиги ҳақидаги хулосалари эътиборлидир.

Ғ.Ғулом адабий жараёни сезгир кузата туриб, ўзбек танқидчилигининг ҳаётдан анча орқада қолаётганини, етук танқидсиз бадий адабиётнинг кўнгилдагидек муваффақи — ятга эриша олмаслигини таъкидлаб, бу кемтикликни тўлди — риш ниятида адабиётнинг юксаклиги учун курашади. "Ёш шоир Амин Умарийга ўртоқлик хати" шу муносабат билан ёзилган. Адабий-танқидий характердаги бу мактубда шоир — нинг учта шеърини таҳлил этиб, ўз хулосаларини асослайди.

Ғ.Ғулом ёш шоир ижодига ўта эҳтиёткорлик билан ёндошади, «ўзаро бир-биримизга маслаҳат берсак қалай бўларкан?» дейди камтарлик билан. Мактубни ёзишдан мақсади уч тарафламалигини шундай баён этади: "...бир ўқувчи сифати билан танқид қилмоқчи, бир шоир сифати билан ўзимдаги тажрибаларни ўртоқлашмоқчи, ва айниқса, бир ўртоқ бўлиш билан "койимоқчи бўламан"".

*Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. 10 томлик. 10 — том. Тошкент: FACH, 1978. 63 — бет.

Мунаққид, энг аввало "шоирнинг ютуқлари: "Икки ёшлик" шеърининг мазмуни яхшилиги, сюжет жиҳатидан ҳам яхшилиги, аммо анчагина жиддий камчиликларга эғалигини кўрсатиб беради. У шоирни образнинг мантикий муносабатлари тўғрисида жиддий ўйламаганликда айблайди, "кўпроқ тил ва умуман сифат учун "койимоқчи" бўлади. Ёш шоирнинг вазн ва қофияларга эътибор қилиши талабчан мунаққидга ёқади:

"Уҳдасидан чиқай ватаним берган —

Жону дилдан севган улў қарзимни..

сатрлари қандай яхши, унда соддагина қилиб айтилган бир самимият бор. Шеърда шунақа байтлар кўп бўлсин. Шуларга қарамай, бу шеърларда изчил давом йўқ. Айрим жумлалар эгасиз..".

Ғафур Ғулом шоир сифатида Амин Умарий шеърларидаги қофия, вазни бузилган ўринларни бирма — бир кўрсатиб беради. Кўпроқ тил масаласига эътибор қаратишни маслаҳат беради. Мактуб охирида яна ўз мақсадини такрорлайди: "Мен бу билан сизнинг умуман ижодингизга баҳо бермоқчи эмас эдим. Бу адабиётни баланд даражада кўтаришни, унинг бадиий содда, шу билан бирга санъатча қунт билан ишланган, эмоционал бўлишини истаган бир ўртоқнинг самимий мактубидир". У ўз сўзларини ижодининг юксалиши учун Амин Умарийнинг бу дўстлик маслаҳатларига қулоқ солишига ва яхши асарлар беришига умид билан тугатади. Бу мактуб бутунги ёш бошловчи шоирлар ва танқидчилар учун дастуриламал бўла олиши билан ҳам қимматли аҳамиятга эга.

Ғ.Ғулом мактубларининг энг муҳим фазилатлари — қисқалик, аниқлик, мулоҳазани очиқ — ойдин ўта юксак маданият ва камтарлик билан баён этишнинг устувор — лигидир. Уларнинг матний қурилиши ҳам шунга мос. Кўпчилик мактублар мурожаат, байтлар билан далиллаш, фикрларни асослаш каби қисмлардан иборат.

Бундай мазмундаги мактублар рус адабиётида жуда кўп учрайди. Биргина мисол: Таниқли рус шоири Н.С.Гумилёв нозиктаъб мунаққид бўлганлигини унинг мактублари орқали ҳам кузатиш мумкин. Н.Гумилёвнинг А.А. Архангельскийга ёзган мактуби (А.А.Архангельскийга мактуб. Петербург. 1910, 20 сентябрь) шу жиҳатдан диққатга

лойиқ. «Жаноби олийлари!» деб бошланади мактуб. «Сизнинг илтимосингизни бажариб, Сизга Сизнинг шеърларингиз ҳақида ёзаяпман».

Н. Гумилёв ўзбек танқидчилари каби аввал ютуқлар ҳақида гапириб ўтирмасдан, тўғридан — тўғри шоир шеърларидаги нуқсонларни кўрсатишга ўтади: «Менинг фикримча, улар тафаккур нуқтаи назаридан унча муҳим эмас, қурилиш жиҳатидан оригинал эмас, эпитетлар унда тасодифан, шунчаки қўлланган, ифодалар ва образлар аниқ эмас. Сиз ўз устингизда жиддий ишласангиз ва энг яхшиси, барча классикларни ўргансангиз, бу камчиликлардан енгил қутуласиз. Сизнинг бу шеърингизнинг нашр этилиши, энг аввало, бошловчи шоирлар учун хавfli бўлиши мумкин эди. Аммо ҳозирча Сиз бу ишни амалга оширганингиз йўқ. Шунинг учун Сизга Сизнинг шеърларингизни майда тафсилотлари билан юбораяпманки, улар Сизга менинг фикрларимни аңлатади»*. (Таржима бизники. — Ш.А.)

Танқидчи шоирнинг шеърларини сўзма — сўз таҳлил қилади:

«У ер ва тоғлар устида турарди» — Ер ва тоғ айна дамда иккаласи бир нарса ;

« Ва Қуёш нурлари билан ёқарди » — Кимни ёқиб? Бунинг устига баландлик пастга нисбатан совуқ бўлади;

«Ваҳший овоз билан қичқирди» — ваҳший овоз сийқаси чиққан романтизм; **«Яшаш учун туғилдик»** — плеоназм» ва ҳ. к. (плеоназм — таркибида бир хил ёки бир — бирига яқин сўзлар керагидан ортиқ такрорланадиган ибора ёки жумла)**.

Шеър қурилиш жиҳатидан Бальмонтни «Мен эркин шамолдан сўрардим» ва Тютчевни «Шарқ оқарди» эслатади».

Гумилёв шу тариқа шеърни ўзи айтганидай, «майда тафсилотлари» билан таҳрир қилиб чиқади. Шундай бўлса — да, гуманизм руҳи билан мактубни тутатади: « Сизнинг келажақдаги муваффақиятларингизга ишониб Н.Гумилёв».

Н.Гумилёв ижодининг шаклланишига назар ташласак

*Гумилёв Н.С. Письма о русской поэзии. М: «Современник», 1990.С. 48.

**Русско — узбекский словарь. В двух томах. Том 2 . Тошкент,1984. С.65.

унинг ўзи ҳам кўп масалаларда устозларининг маслаҳатларига амал қилганини кўриш мумкин У машҳур рус шоири Брюсовни ўзига устоз деб билган. Ўзининг учинчи китоби «Гавҳар»ни Брюсовга бағишлайди, уни ўзининг устози сифатида тавсифлайди.

1910 йил «Русская мысль» журналида Брюсов бу асарга тақриз ёзади. Шу йилнинг ўзида Гумилёв Брюсовга хат ёзиб: «Гавҳар» — бу машқ, Сиз менинг биринчи ва энг яхши ўқитувчим, — уни маъқуллаганингиз учун тўла бахтлиман. Мен билан шоир сифатида ҳисоблашиш учун кўп йиллар керак бўлади*», — деб ёзган эди тақриз учун миннатдорчилик билдириб.

«Биринчи китобимдан бошлаб охирги нашр этилмаган шеърларгача, — деб таъкидлайди Гумилёв ўша хатида, — мен ўзимнинг образлар оламимни кенгайтиришга, шу билан бирга уни аниқлаштиришга, шу тариқа уни ҳақиқатга яна ва янада ўхшатишга ҳаракат қиляпман. Бироқ борлиқда жуда кам кўринадиган ўзингиз тасаввур қилган дунё билан боғлиқ нафис (эстетик) ишонч ва гармония заҳираси тарқаб кетишидан қўрқиб, бу йўлни секин босиб ўтаяпман».(Таржима бизники — Ш.А.)

Шогирднинг устозга ҳурмати ва ўз ижодига масъу — лият билан қараши нақадар таъсирчан ва намунали!

Шогирд 1906 йилда ёзган хатида: «Сизнинг қўлингизга талантимнинг ривожланишини Сизнинг биринчи хатингизгача бўлган даврда берган эдим ва Сизнинг рус шеърляти учун қилган ишларингиз мен учун ҳам катта аҳамият касб этади»; ёки 1907 йилда у яна такрорлайди: «Жуда кўп ўқишим кераклигини мен биламан, аммо қаерда тажриба тутаб, қаердан ижод бошланиши чегараларини ўзим топа биламанми деб қўрқаман ва ҳозир менинг юксак адабий фахрим бу Сизнинг шеърларда, шу билан бирга насрда итоаткор ўқувчингиз бўлишдан иборат».

1908 йилда яна шундай ёзади: «Мен Сизни ўзимнинг устозим деб аташни яхши кўраман ва ҳақиқатан ҳам, менда нимаyki яхши нарса бўлса, ҳаммасини Сиздан ўрганганман». (Таржима бизники — Ш.А.).

*Гумилёв Н.С. Письма о русской поэзии. С. 168.

Бу мактубларга кенг ўрин беришимизнинг иккита сабаби бор: биринчидан, қанийди, бизда ҳам бошловчи шогирдларнинг шундай мазмундаги мактублари кўпайса, иккинчидан, устозларни эъзозлаш ва ардоқлаш намуналаридир ушбу мактублар.

Гумилёв билан Брюсов ўртасидаги ёзишмалар биз учун Гумилёв ижодининг шаклланиш тарихини ёритади ва кўпчиликка унинг кейинги танқидий, адабий — назарий чиқишларини тушунишда калит вазифасини ўтайди.

Мутахассисларнинг маълумот беришларича, бизгача Брюсовнинг Гумилёвга 9 та, Гумилёвнинг Брюсовга 67 та хати етиб келган экан. (Қаранг: Толмачев М. Литературная учёба. 1987. С. 46.)

Брюсов шоирнинг аниқ ёки ноаниқ қофия (рифма) лардан онгли фойдаланиши, шеърый ўлчовларни бутун бойлиги билан эгаллаш, мусиқий ва тасвир имкониятларидан фойдаланиш каби масалаларга эътибор қаратишига астойдил ҳаракат қилади. Брюсовнинг шакл ва шеър техникаси масалалари борасидаги эътибори бошида Гумилёвда ички қарама — қаршиликлар уйғотади. (Бундай ҳол ўзбек адабиётида Саид Аҳмаднинг биринчи «Тортиқ» китоби чиқиши муносабати билан Абдулла Қаҳҳор ўртасида ҳам бўлиб ўтган, фақат у мактуб шаклида эмас, мақола тарзида эълон этилган эди).

Шундай бўлса — да, Гумилёв устозининг ўз шеърларининг мазмуни, образлари, кайфияти ва гоёлари масала — ларидаги фикрларини билишга ҳаракат қилади. Брюсовнинг мунтазам бериб борган маслаҳатлари Гумилёвнинг ўзида ҳам аста — секин қониқиш ҳосил қила боради. Шакл масалалари, наср ва назмда ёзиш техникасини эгаллаш, ҳар бир сўз, ҳар бир товуш ва алоҳида чизиқ унинг учун энг катта аҳамият касб этишига чуқур қизиқади. Шу мақсадда Брюсов ва В. Ивановлар ижодидаги «шеър тузилиши»ни диққат билан ўрганади, уларнинг «сирларини» ўрганишга ҳаракат қилади. Шу тарзда унинг «шеър ҳақидаги фан»га мустаҳкам қизиқишини уйғотган шоирларнинг ёш авлодини тарбияловчи толмас адабий кўмакчи ҳақидаги дил сўзлари, наинки мактубларида, балки, бутун фаолияти ва назарий ишларида ўз ифодасини топган.

Демак, шогирднинг устозга, устознинг шогирдга

мактублари уларнинг ижодида катта аҳамият касб этиши мумкин экан, бундан ташқари уларнинг мактублари орқали ижод жараёни устидаги ишлари, маҳорат сирлари ва бошқа жуда кўп жиҳатларни ўрганиш мумкинлигини юқоридаги хатлар ёрқин кўрсатиб турибди.

Ўзбек адабиётида устозу шогирд ўртасидаги ёзиш — малар кам учрайди. Абдулла Қаҳҳорнинг ёш истеъдодли ижодкорларга ёзилган ҳажман қисқа бўлса — да, улар ижоди учун катта аҳамият касб этган мактублари мавжуд. Унинг Ш.Холмирзаевга ёзган мактуби қисқа ва аниқликка эга: «Хурматли Ш.Холмирзаев!

«Шарқ юлдузи»да босилган «Тўлқинлар» повестин — гизни ўқидим. Повесть яхши таассурот қолдирди. Маъмур — жонни бошда табассум билан тасвир этасиз. Бутун асар давомида қисқаликка интиласиз. Ёзувчиликда кўзингиз очилиб келаётганлиги кўриниб турибди. Назаримда, повестнинг номи тўғри эмас.

Кейинги ишларингиз бароридан келсин!

Салом билан Абдулла Қаҳҳор»*

Бу хат ва эътиборнинг Ш.Холмирзаев ижоди ва ҳаётида қанчалик катта ўрин тутганлигини кейинчалик ёзувчининг ўзи ҳам эътироф этган.

Ёки А.Қаҳҳор «Чўл ҳавоси»ни ўқиб суюниб кетган — лигини ёш адиб Ўткир Ҳошимовга ёзган хатида қисқа ва лўнда сатрларда ифодалайди, асарнинг мукамал чиқиши учун баъзи маслаҳатлар ҳам беради: «Қиссанинг хат шаклида бўлиши кўп жойларда ритмни бузади, сизни чеклаб қўяди. Ҳикоя биринчи шахсдан олиб борилса ҳам шундай бўлар эди. Бунга ўйланг, ҳисобга олинг»**.

Бу хатларнинг аҳамияти ҳақида О.Шарафиддинов шундай ёзади: «Бундай хат бутун умр эсдан чиқмайдиган бўлиб, ҳарфларигача ёд бўлиб, ёш ёзувчи хотирасида қолади»***.

А.Қаҳҳор ижодида яна бир мактуб учрайди: у «Ўртоқ К.К.» деб бошланади. У юқоридаги мактублардан тубдан

*Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. Тошкент. «Ёш гвардия», 1968. 3 — бет.

**Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. 4 — бет.

***Шарафиддинов О. Адабиёт жонкуяри. // Ёшлар билан суҳбат. 4 — бет.

фарқ қилади. А.Қаҳҳорнинг истеъдодсиз ижодкорлар ва савияси бўш асарларга нисбатан муросасизлигини кўрсатувчи бир мисол сифатида адабиёт тарихида қолган.

Бу мактуб ҳам қисқа, уч қисмдан иборат. Энг аввало, ёзувчи мактуб эгасидан хатни кечикиб ёзганлиги учун узр сўрайди. Биринчи қисмда ҳикояси таҳририятдан қайтган ижодкорга очиқ — ойдин бор ҳақиқат очиб берилади: «Бу ҳикоянгиз сизда талант борлигини кўрсатмайди, ёзувчиликка ҳавас уйғонганини кўрсатади, холос. Ҳавас ҳаммада ҳам бўлиши мумкин, лекин ҳаваснинг ўзи кишини ҳеч қаёққа элтмайди. Мен, масалан, танбур чертиб ҳаммани қойил қилгим келади, лекин начораки, дард бор — у, дармон йўқ». Иккинчи қисмда А.Қаҳҳор ижодкорга ростини айтмаган таҳририят ходимларини айблайди.

Учинчи қисмда ёзишдан мақсад нима эканлигига аввало диққат қаратиш лозимлиги уқтирилади. «Бошқа иш қилинг. Бошқа ишда муваффақият тилайман», деган сўзлар билан мактуб тугалланади.

Назаримизда, ҳикояси бир неча марта таҳририят — лардан қайтган ҳаваскор бир ёзувчи А.Қаҳҳорга арзи — дод қилиб мактуб йўллаган. Ёзувчининг жавоб мактуби кескин ва айна пайтда ҳаққоний бўлганлигидан тўғри хулоса чиқариб, унинг маслаҳатларига амал қилган кўринади. Чунки адабиётда кейинчалик «К.К» исм — шарифли адибнинг учрамаслиги шундай хулосага олиб келади.

Шундай мазмундаги мактублар ёш, бошловчи шоирлар учун нақадар зарурлигини бугунги ўзбек шеърляти, тараққиётдан ҳам кўриш мумкин. Ўзбек ёзувчилари ва шоирлари, мунаққидлари ёш ижодкорларга ана шундай муносабатда бўлишса, сийқаси чиққан шеърлардан иборат китобчалар, тўпламлар бунчалик кўпаймасмиди?

Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби адибларнинг истеъдодли ёшларга хайрихоҳлик туйғуси йўғрилган мак — тублари, мақолалари, тақризларини ўқиш эҳтиёжи бугунги кунларда, айнақса, кўпроқ сезилаётганлиги сир эмас.

Ўзбек адабиётининг кейинги йиллардаги тараққиё — тини кузатар эканмиз, бу жанр Шукур Холмирзаев ижодида анча ривожланганини кўриш мумкин. Адибнинг 1987 йилда нашр этилган «Тоғларга қор тушди» китобида «Танқидчига

уч мактуб» рукни остида мактублар берилган. Гарчанд ёзувчининг ўзи уч мактуб дея белгиллаган бўлса — да, уларнинг икkitаси мактуб, биттаси тақриз жанрига тегишлидир. Ҳар учаласи ҳам мунаққид И. Гафуров ижоди ҳақида бўлгани учун уларни адабий — танқидий мактуб ва тақриз жанрларида ёзилган деб қараш мақсадга мувофиқ.

Биринчи мактуб «Қатралар» деб номланган ва 1963 йилда ёзилган. У танқидчининг «Ўзгалликнинг олмос қирралари» китобини ўқигандан кейинги ёзувчининг мулоҳазаларидан иборат. Хат муаллифи танқидчининг китобда эришган ютуқларини кўрсатади: «Ҳаётнинг олмос қирраларини бадий асарда тасвирлаш ва бадий асарнинг ўз олмос қирралари бўлиши ҳақида фикр юритгансиз. Бадий асар қирраларини ўзингизча, оригинал тарзда изоҳлайсиз, ҳатто номлайсиз (жозоба), унга таъриф берасиз ва шунга мисоллар келтирасиз, шу йўл билан бадий асарнинг ички дунёсига киришга, унинг йўллари — йўлкаларига аралашингга... ҳаракат қиласиз»*.

Ш. Холмирзаевга мунаққид тутган йўл, асосан, маъқул бўлган. Китобнинг табиийлиги, тилини ўқиб хурсанд бўлганлигини изҳор этади. Аммо мунаққид тилидаги «чучмалликлар»ни ҳам мисоллар билан кўрсатиб беради. Танқидчининг ўзини ҳам қисқа гапиришга «икки бетлаб, уч бетлаб экспозиция ясамасликка» чорлайди.

Китобнинг энг сўнгги боби «Диалог жилвалари»ни «Шарқ юлдузи»даёқ ўқиб жуда хурсанд бўлганлигини айтади: «Мақолада келтирган фактларингиз ҳам, анализингиз ҳам, ўйларингиз ҳам жуда ўзгал. Шунақа мақолалардан кўпроқ бўлсин! Бу фақат фойда келтиради».

Ёзувчи китобнинг «Ўзгалликнинг олмос қирралари» эмас, балки «...қатралари» дейишни, танқидчи ижодидан ҳам бир қатра бўлишини истаб мактубини тугатади.

Иккинчи асар — аслида тақриз «Йиллар ўтиб кетар» деб номланган бўлиб, танқидчининг «Ўртоқ шоир» китоби ҳақида» эканлиги сарлавҳадан кўриниб турибди. Унинг биринчидан, танқидчининг янги чиққан китоби ҳақида эканлиги, иккинчидан, асарнинг ютуқларини, ўзига ёққан

*Шукур Холмирзаев. Тоғларга қор тушди. Тошкент. «Ёш гвардия», 1987. 170 — бет.

томонларини таҳлил қилиб баҳо бериши, китобнинг адабий жараёндаги ўрнини кўрсатиш хусусиятларига эгаллиги, энг муҳими, мактубга хос мурожаатнинг йўқлиги тақриз жанрида ёзилганлигини кўрсатиб турибди.

Учинчи мактуб «Сим — сим, оч эшикни» деб аталади. У 1973 йиллар маҳсули. Мактуб, одатдагидай мурожаат билан бошланади:

«Иброҳимжон Ғафуров!

«Сим — сим, оч эшикни!» — бу сўзларни сирли хазинанинг калити каби қабул қилган бўлсам, кейин инсон маънавий хазиналари учун ҳам бадиий сўзни шундай калит деб билдим» жумласи билан бошланган «Ёнар сўз» китобингизни ўқиб чиқдим. Умумий хулосам бундай: фикр доирангиз жуда кенгайибди, дўстим. Сим — сим билан очиладиган эшик ичкарасидаги поэзия отлиқ жавоҳирлар олами сир — асрорини жуда ҳам яхши тушуниб кетибсизки, Сизнинг у жавоҳирларга «баҳо қўйиб», сарагини саракка, пучагини пучакка ажратган жойларингизни ўқиганимда, айниқса, бунга амин бўлдим. Фикринг, исботинг бошқа бир киши кўнглидан ҳам худди ўзингизники каби акс — садо топса, қандай бахт!..»

Ёзувчининг адабий — танқидий мактубдаги қалб ҳарорати — ла битилган бу самимий сатрларини ҳар бир китобхон катта қизиқиш билан ўқийди, сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчи диққатини ўзига оҳанрабодек тортиш хусусиятига эгаки, бу мактуб муаллифининг маҳоратини ҳам кўрсатувчи бир нишонадир.

Мактубда Ш.Холмирзаев бошқа хатларида учрамайдиган бир усулни танлайди, яъни фикрларнинг ҳилма — хиллигидан пайдо бўлган мисоллардан «бир парча» диалог тузади. Бир асар ҳақида икки мунаққиднинг фикрларини келтиради. «Танқидчи» ва «Сиз». Бу йўл китобхонга таҳлил этилаётган асарлар ҳақида ҳам, икки танқидчининг икки хил қарашларини ҳам мулоҳаза қилиб кўриш имкониятини кенгроқ яратган.

Ёзувчига китобнинг энг маъқул бўлган жиҳатлари: мароқ билан ўқилиши, эҳтирос ва шиддат билан ёзилганлиги. Бунини у «китобнинг энг муҳим фазилатларидан бири» сифатида танқидчининг ўзига кўрсатиб беради. Асардаги йигирмага яқин мақоланинг ҳар бири кишида

фикр уйғотиши ҳам унинг ютуғи эканлиги адибни қувонтиради.

Талабчан адибни Э.Хемингуэй ва О. Ёқубов ҳақидаги мақолалар қониқтирмайди, бунинг сабабларини у хат йўлланган мунаққидга — И.Ғафуровга тушунтириб беради.

Мактуб, биринчидан, адабий жараёнга, танқидчиликнинг тараққиётига бефарқ қарамайдиган ёзувчи Ш.Холмирзаевнинг мукаммал портретини яратишда муҳим восита бўлиб хизмат қила олади. Иккинчидан, кенг халқ оммасига танқидчилик асарларини, мунаққидлар қиёфасини очиб беришда, танқидчи ижодининг шаклланиш жараёнини тадқиқ этишда ҳам муҳим роль ўйнай олади.

Ш.Холмирзаев ижодида бу жанр мустақиллик йилларига келиб анча ривожланганини унинг ўзи ёзган хатлар ва ёзувчига битилган бир неча мактублар кўрсатади.

Ёзувчининг «Ўттиз беш ёшда ҳам» деб номланган мактуби ёзувчи Эркин Аъзамга йўлланган бўлиб, уни ёзувчининг ёзувчига мактуби сирасига киритиш мумкин.

Ш.Холмирзаев хатни жуда самимият билан юртига — Сурхондарёга бориб келишидан бошлайди, мактуб ёзишга ундаган сабаблар ҳақида фикр юритади. Энг аввало, адабий жараёндаги ўзгаришлар, янги асарларга баҳо берадики, мактубда тақризга хос унсурлар кўзга ташланиб туради. Масалан, у О.Ҳожиёва, Т.Маҳмудовлар ижодига танқидий нигоҳ ташлайди.

Мактубнинг иккинчи қисмида Э.Аъзамнинг «Пакананинг ошиқ кўнгли» асари ҳақидаги фикрларини очиқ — ойдин, сурхончасига дангал айтиб ташлайди, асардан қониқмаган нуқталарни кўрсатиб ўтади.

Адибнинг бошқа асарларига ҳам тўхталиб ўтар экан, «Навойни ўқиган болалар» ҳикояси ўзига жуда маъқул бўлганидан хурсанд бўлади. Тоға ҳақидаги ҳикояни эса «классик бўлибди» дея мақтайди.

Аслида ўттиз беш ёшлигида зўр — зўр асарлар ёзган адибларнинг ижодидан қониқмаслик туйғулари билан бошланган мактуб, Э.Аъзам ва йўл — йўлакай унинг ёшидаги бошқа ижодкорлар асарларининг таҳлили орқали маълум хулосаларни беради ёзувчига: «Азиз асримиз ўтган бу ўн йилликларда ҳам ғимирлаб юрган экан». Ўттиз беш ёшидан

ўтган ёзувчилар ҳозир ҳам адабиётимизга, халқимизга керакли озиқни, руҳни бераётганликларидан адиб қувониб, мактубини тугатади. Хатни ўқиган китобхон адабий жараёндаги янгиликлардан ҳам бохабар бўлади, асарларга берилган баҳо уларнинг китоб ўқишга қизиқишини маълум даражада орттиради. Хат олувчи ёзувчининг ўзига ҳам дўстона маслаҳатлар ижодий сабоқ бўлишига ишончимиз комил.

Мактубнинг тузилиши, тили, мурожаатларнинг сурхончасига, Шукур холмирзаевчасига такрорланиши, ундаги эркинлик ҳиссининг юқорилиги, жозиба кучининг баландлиги, юксак бадийлик, илмий ва образли тафаккурнинг уйғунлиги бу хатни шу жанрнинг ёрқин намунаси дея олишга имкон беради.

Ижодкор Нусрат Раҳматнинг "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевга мактуби "Янги адабиёт эҳтиёжи" деб номланган (Ўз АС, 2004, 23 апрел). Уни ёзувчини, у орқали барча адибу шоирларни янги адабиётни яратишга даъват этиши, адабиётнинг келажаги учун қайғуриш руҳига йўғрилганлиги, "Сайланма"га муносабати нуқтаи назаридан адабиёт – танқидий мактублар сирасига киритиш мумкин.

Шоир Азим Суюннинг қарақалпоқ шоири Бахтиёр Генжамуродга мактуби "Ҳа, Ватан ҳақида шундай ёзилади!" деб номланган бўлиб (Ўз АС, 2001, 17 август), унинг "Мадэхон сўзи ёхуд Чин ипагидаги битик" тарихий достони чоп этилиши муносабати билан ёзилган. Шоир дoston мутолаасидан олган завқини, ҳис – туйғуларини муаллиф билан ўртоқлашади, шу баҳонада асарга юқори баҳо беради: "...чин сўз, юракдан отилган сўз, илдири юракка чуқур кетган сўз шу сўз елкасига миллат ори, Ватан шаъни юкланган бўлса, шоир шу сўзни иймон – эътиқод нуқтаи назаридан, покланиб ёзган бўлса, қалбларни ҳаяжонга солади..."

Иним, мен сенинг ниятингни англадим ва халқларимизга ўзлик, бутунликдан сабоқ бергувчи яхши бир ишга қўл урганингни ҳам ҳис қилдим".

Шоир дostonдан парчалар келтириб, унинг гоёвий – бадий қимматини очиб беради. Мактубда тақриз, шарҳга хос унсурлар қўшилиб, унинг композицион бутунлигини

таъминлаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёзувчилар — нинг хатлари ўша давр адабий ҳаёти, ижод муаммолари, ижод лабораторияси ичига чуқурроқ киришнинг калитларидан биридир. Шунинг учун уларни тўплаш, ўрганиш, тадқиқ этиш адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизга катта самаралар келтиради. Шу ўринда Мақсуд Шайхзоданинг Асқад Мухторга ёзган бир хатида ўқиниб айтган сўzlари ёдга тушади: «Қаранг энди: ярим аср мобайнида ўзбек шеъри майдонининг шери жаёни (ғазабли шери) бўлиб наъра тортган унутилмас дўстимиз Абдулғафурнинг менда, Сизда ва бўлак дўстларида биронта мактуби борми, ёзилганми ўзи ёки ёзилган бўлса сақланганми?» (ЎзАС, 2004, 14 май).

Бу фикрни мактублари ўрганилмаган жуда кўплаб ўзбек ижодкорлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Шу мулоҳазаларнинг ўзиёқ мактубларни жанр сифатида алоҳида ўрганиш, унинг ички кўринишларини чуқур тадқиқ этиш нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Кейинги йилларда ёзувчилар китобхонларга жавоб мактублари ҳам йўллашаётганлигини, бу уларнинг китобхонлар хатига бефарқ эмаслигини кўрсатади. Масалан, Мирмуҳсиннинг «Китобхон дўстларга мактуб» и эълон қилинди. «Умид» романи нашр этилгандан сўнг кўп сонли китобхонлар ёзувчига мактублар йўллашади. Улар Умид билан Ҳафизанинг галдаги тақдири, бутунги ҳаёти ҳақида маълумот беришни илтимос қилишади. Мирмуҳ — син мактубида «Агар жуда зарур бўлса, хат ёзган дўстларимнинг кўнгиллари тинчимаётган бўлса, келгусида шу ишнинг бир йўлини қиламиз», — дейди. Аммо У. Норматов билан суҳбатида бу масалага қайтмоқчи эмаслигини таъкидлайди. «Эҳтимол, мен асарни давом эттирганимда китобхонларимдан шу кунга қадар бу хилдаги мактублар келмас, қаҳрамонлар тақдири қизгин баҳсларга, мулоҳа — заларга асос бўлмас эди». Ёзувчи китобхонларнинг асарга баҳо бериши масаласига тўхталаркан, уларнинг савияси ҳар хил. Шундай бўлиши табиий. Бироқ кенг китобхонлар оммасининг бадий асарни катта ҳаётнинг бир бўлаги сифатида тушунишини қувонарли ҳодиса деб ҳисоблайди.

ИЖОДКОРНИНГ ТАНҚИДЧИГА ОЧИҚ ХАТИ.

Бундай хатларга мисол қилиб, шоир Усмон Азимнинг танқидчи У.Норматовга ёзган хатини кўрсатиш мумкин. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1987 йил 13 ноябрдаги сониди У.Азимнинг «Ақл ва заковат — муросами?» деб номланган очиқ хати эълон қилинди.

Газетанинг шу сониди У.Норматовнинг «Йўқ, — адолат, ҳақиқат йўли» сарлавҳаси остида жавоб мактуби берилган.

Шуниси диққатга сазоворки, мактублар қайта қуриш даврида ёзилган, шунинг учун шўро давридан фарқли ўлароқ уларда замон руҳи фикрни очиқ — ойдин, ҳақиқатни баралла айтиш руҳи яққол кўриниб туради. Ва бу мактублар 80 — йиллар танқидчилигининг ҳар қачонгидан фаол бўлганлигини кўрсатади.

Ўзбек танқидчилиги тарихида шоир мунаққид чиқишларига жавоб бериши, у билан баҳсга киришуви, борингки, ўзини ҳимоя қилиши кам учрайдиган ҳодисадир. Бу ҳолни 20 — йиллардаги адабий жараёндагина кузатиш мумкин эди. Шу ўринда ёзувчининг мунаққидга мактуби (бу кўпроқ жавобия характерида бўлади) ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки мактубнинг бу тури 20 — йилларда анча ривожланган эди. Фитратнинг «Ёпишмаган гажаклар»и, Ойбек — нинг Чўлпон ижоди муносабати билан ёзилган «Мунаққиднинг мунаққиди» мақоласига жавобия тарзидаги мактуб — лари бундай шаклнинг ёрқин намунаси эди. Аммо уларнинг жанрий чегараси ҳали аниқланган эмас, уларни баъзида мақола, баъзида мактуб деб аташ ҳамон давом этмоқда. Аммо характери, руҳи, ёзилиш сабабларидан келиб чиқиб уларга адабий-танқидий мактуб сифатида қараш мақбулдир.

Усмон Азимнинг мактуби ҳам шу руҳда битилган. У танқидчи мақоласини ўқигандан кейин 20 — йиллардаги ўша анъанани тиклашни ҳис этиб, ўша мактубини ёзишга азм қилганлигини айтади. У.Азим мунаққиднинг бирёқлама йўл тутгани, ёзувчи ижоди ва шахсини баҳолашда виждон кўзини маҳкам юмиб олишга чақириши, эзгулик ва ҳаром — ҳаришликни келиштириш йўлидаги ажабтовур ҳаракатлари шоирни хат ёзишга ундаганини таъкидлайди.

У. Азимов танқидчини очиқдан — очиқ айблайди, ёлғон ва юзаки асарларни кўкка кўтариш, ҳақиқий адабиёт намунаси сифатида таҳлилу тадқиқ этишни тақаббурлик деб

ҳисоблайди.

Бу мактубда юқорида тилга олган мактублардан фарқли равишда ҳақиқатни очиқ айтиш, ҳақиқат йўлида ҳеч нарсани тан олмаслик руҳи жуда кучли. Шунинг учун ҳам газета бу очиқ хат давомидан У.Норматовнинг жавоб хатини эълон қилади. Унинг очиқ хатига жавобан ёзилган танқид — чининг мактубида шоир билан мунозарага киришилади, танқидчи шоирнинг даъволарига қарши ўзининг далилла — рини келтиради. «Адабиёт, танқид иши ижтимоий иш, баъзан дилингга яқин одам — истеъдодли, адабиётимиз учун фаол, ҳалол хизмат қилаётган ҳақгўй шоир» билан баҳсла — шишга мажбур бўлаётганини ёзади. Ўзининг жавоб макту — би, унинг ёзилиш сабабларини баён этиб, У.Азим, И. Ҳаққул суҳбатларини аниқ далил ва теран илмий таҳлил қилиш йўли билан амалга ошириш мумкинлигини таъкидлайди.

Қайта қуриш даврида ақл — заковат билан иш кўриш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлигига ишора қилади, фақат шу йўл билангина чин ҳақиқатга, адолатга эришиш мумкин деб ҳисоблайди. Умуман, бу мактубда ҳам ўз фикридан қайтмас — лик, ижодкорни кўпроқ танқид этиш руҳи кучли эканини айтиб ўтиш лозим.

Ўзбек адабиётида ёзувчиларнинг мактублари улар ижодида алоҳида саҳифа ҳисобланса ҳам, ўзбек адабиётшу — нослиги ва танқидчилигида ҳали Ойбек, А.Мухтор, М. Шайх — зода, С.Айний ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг мактуб — лари тадқиқ этилмаган.

Кейинги йилларда бу жанрни ривожлантиришда Ш.Холмирзаевнинг фаоллигини алоҳида айтиб ўтиш лозим, аммо мактубнинг бу хили бадиий ижодга тегишли, шу боис уларни алоҳида ўрганиш керакки, бу мактублар ижодкор — ларнинг бир бутун қиёфасини яратишда қўл келади.

МУНАҚҚИДНИНГ КИТОБХОНГА ЁКИ АДАБИЁТ МУХЛИСИГА МАКТУБИ.

Мактубнинг бундай тури ўзбек танқидчилигида қам учрайди. Шу сирага кирувчи О.Тоғаевнинг «Севги ва садоқат» деб номланган мактуби китобхон ёки ёш бир адабиётчи хатига жавоб тарзида ёзилган («Гулистон», 1983, 8 — сон).

*Норматов У. Етуклик. Тошкент, 1982. 120 — бет.

Шунингдек, танқидчи У.Норматовнинг «Адабий ўхшашликлар хусусида» деб номланган мактуби* китобхоннинг саволига жавоб тарзида битилган. Бу мактуб 70-йиллар маҳсули бўлиб, «китобхонга очиқ хат» шаклидадир. Хатнинг ёзилишига андижонлик китобхоннинг танқидчига ёзган мактуби сабаб бўлган. Китобхон ёзувчи Ў.Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романини ўқиш асносида пайдо бўлган мулоҳазаларини танқидчига айтиб беради. Китобхон фақат романдаги бошқа асарларда учрайдиган баъзи ўхшаш ўринлардан ҳайрон қолганлиги ҳақида ёзади.

Романда тасвирланган баъзи воқеалар китобхонга танишдай туюлади. Бундай ҳодисани С.Анорбоевнинг «Олтин қозик» ҳикоясида ўқиганини айтади. У ана шу ўхшашликлар хусусида дугоналари билан баҳслашганда, шеър ёзиб юрадиган бир дугонаси бундай ҳодисаларнинг адабиётда бўлиб туришини айтади — ю, сабабини тушунтириб беролмайди. Китобхон ўзи ўқиган бошқа асарларда ҳам: «Умид» билан «Одам бўлиш қийин», «Баҳор қайтмайди» билан «Биллур қандилар», «Қиёмат қарз» китобидаги «Номус» ҳикояси билан «Бир кеча фожиаси» орасида шундай ўхшашликлар борлигидан таажжубга тушади. Шунинг учун у танқидчига мурожаат қилиб, бунинг сабабларини тушунтириб беришни сўрайди.

У. Норматовнинг очиқ хати ана шу мактубга жавоб тарзида дунёга келган. Бундай адабий — танқидий мактубнинг аҳамияти нималарда кўринади, танқидчи уни китобхоннинг ўзига ёзиб юборса ҳам бўлади — ку, уни матбуотда нашр эттириш шартмиди деган саволлар туғилади. Танқидчи мактубини таҳлил қилиш жараёнида бу саволларга жавоб топиш мумкинлиги кўринади.

У.Норматов адабиёт мухлиси — китобхонга мурожаат қилиб, уни қизиқтирган саволни адабий учрашувларда кўп эшитганлигини эътироф этади. Бу муаммо атрофида оддий китобхонлар орасидагина эмас, филолог талабалар, баъзан эса ёзувчи, адабиётшунослар даврасида ҳам баҳс — мунозаралар бўлиб туришини айтади. Китобхон кўтарган масала кўпчиликни қизиқтиргани учун саволга очиқ хат билан жавоб беришни ва бу хусусда айрим мулоҳазаларини айтишни лозим кўради.

Адабиётдаги ўхшашликлар муаммоси кўпдан бери адабиётшунослар эътиборини ўзига жалб этиб келганлиги, аммо бу масалани ҳал этишда талай чалкашликлар, бир ёқламаликлар бўлганлигини таъкидларкан, бу ўринда мактубга хос бир хусусият — назарий муаммоларни ойдинлаштиришга диққат қаратиш яққол кўзга ташланади: «Ўтган асрда адабиёт фанида сўз санъатидаги ўхшашликлар қонуниятини текширувчи «компаративизм» деб аталган оқим майдонга келган. Компаративистлар фикрига кўра, бадиий ижод нуқул бошқаларни — ўтмишдаги қардош халқлар адабиётидаги мотивларни, образ ва сюжетларни қайта ишлашдангина иборат; шу тариқа компаративистлар ижодда миллий ҳаётини заминнинг, ижодкор ўзига хослигининг мавқеини камситадилар.

Танқидчи ташқи ўхшашликларга қараб, шошма — шошарлик билан ҳукм чиқариш қўпол, ғайриилмий хатоларга йўл очиб беришини Алишер Навоий «Хамса» сини форс — тожик адабиётидан таржима, «Анна Каренина» ни «Бовари хоним»га тақлид деган уйдирмалар мисолида кўрсатади ва бу ғайриилмийлик оқибати деган хулосага келади. Айни чоқда адабиётда ҳаққоний тарзда юз беради — ган, сўз санъатининг ички қонуниятини, анъанавийлик билан боғлиқ ўхшашликларни тақлидчиликдан фарқ қилиш кераклигини таъкидлайди.

Асарда акс этган давр, мавзу, мазмундаги яқинлик туфайли турли асарларда ихтиёрсиз ҳолда ўхшаш образ, вазият ва тавсиллар пайдо бўлиб қолиши мумкин. У.Норматов бунга бир неча мисоллар келтиради. Бу билан адабиётдаги ўхшашликларни табиий, қонуний ҳодиса деб атамоқчи эмаслигини ҳам таъкидлайди. Адабиётдаги ўхшашликларга дуч келганда уларнинг сиртқи томонига эмас, моҳиятига, ҳаётини заминига, ёзувчининг ўзига хос қарашига кўпроқ эътибор бериш зарурлигини уқтиради.

Кишилар ҳаётида шундай ўхшаш вазиятлар борки, улар ўнлаб, юзлаб санъат асарларига асос бўлиши мумкин: ижодкор «ишланган» мавзуга мурожаат этганда унга янги томондан ёндоша олса, унинг бошқалар кўзи тушмаган ёки юзаки юритилган қирраларини чуқур кашф этиб бера олса, энг муҳими, адиб ўзининг чуқур ҳис этган оҳорли, ҳаёт ҳақиқатига мос ғоявий — бадиий концепциясига эга бўлса ва

ўз нуқтаи назари билан китобхонни тўлқинлантира олса, шундагина, адабиётдаги ўхшашлик «салбий маъно»дан, тақлидчиликдан халос бўлади.

Танқидчи ўз фикрида давом этар экан, китобхонга мурожаат қилиб, у тилга олган асарларнинг айримларини мана шу нуқтаи назардан кўздан кечиришни лозим топади.

У очик хатда асар ҳақида фикр билдирган бошқа мунаққидлар билан баҳсга ҳам киришади. Китобхон тилга олган асарларни қиёслаб, маълум хулосалар чиқаради.

У.Норматов мактуб хулосасида ўзининг қиёс, таҳлил ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб, асарларда ўхшаш вазиятлар, образ ва деталлар бўлмагани маъқул, мабодо ўхшашликларга дуч келганда, асарнинг туб моҳиятига, ёзувчининг ижодий ўзига хослигига, бадиий концепциясига кўпроқ диққат қилиш лозим деган хулосага келади.

Бу мактуб китобхон билан танқидчи ораларидаги масофани анча қисқартирибгина қолмасдан, балки китобхон билан танқидчининг бир — бирларини кузатадиган, бир — бирини қувватлайдиган бўлиб қолганлигининг ёрқин шаҳодатидир.

Танқидчи мактубининг адабий, маънавий — маърифий аҳамияти шундаки, у ўқувчи эстетик қарашларини ўзгартиришга, бадиий асарнинг ички сир — саноати ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Адабий — танқидий руҳда битилган бу мактуб китобхон билан ёзувчи, китобхон билан танқидчи ораларидаги самимий муносабатларни ўрнатиш жиҳатидан алоҳида аҳамиятга молик.

ТАНҚИДЧИНИНГ АДАБИЙ ҚАҲРАМОНЛАРГА МАКТУБИ. Мунаққиднинг бадиий асардаги адабий қаҳрамонларга ёзган мактуби ўзбек танқидчилигида учрайдиган хатларнинг оҳорли хилидир. Бунинг ёрқин намунаси танқидчи И.Ғафуров ижодида учрайди. «И. Ғафуровнинг «Адабий қаҳрамонларга хатлар»и ўзбек танқидчилигидаги тамомила янги кўринишдаги ҳодисадир. Муаллиф ўз адабий ўйларини Ў.Умарбековнинг «Севгим, севгилим», «Одам бўлиш қийин», «Ёз ёмғири» асарларининг асосий образлари ҳақидаги мулоҳазаларини — шу асарлар бош қаҳрамонларининг ўзлари Ойпопук, Гулчеҳра ва

Мунисга йўлланган мактублар шаклида баён қилади. Шуниси қизиқки, учала қаҳрамон ҳам — марҳумалар. Улар асар ниҳоясида оламдан ўтадилар. Танқидчи ана шу марҳума қаҳрамонларга хат ёзади. Улар билан ва улар воситасида ёзувчи билан, ва ҳатто, кези келганда, шу асар ҳақида фикр билдирган танқидчилар билан тортишади», — деб ёзади бу ҳақда адабиётшунос олим Б.Назаров. Ҳақиқатан ҳам ёзувчи Ў.Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» асаридаги бош қаҳрамонлардан бири Гулчеҳрага ва «Севгим, севгилим» қиссасидаги Ойпопукка, «Ёз ёмғири» қиссасидаги Мунисхонга ёзган танқидчи мактублари шакл жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам янги асарлардир. Мактубларда қаҳрамонларнинг тутган йўллари (учаласи ҳам фожиали ҳалок бўлади), хатти — ҳаракатларига баҳо беришга ҳаракат қилинади. Мунаққид ўз қалбида туғилган ҳис — ҳаяжонни китобхон билан баҳам кўришга интилади.

И.Ғафуровнинг «Адабий қаҳрамонларга хатлар»и Ойпопукка ёзилган мактуб билан бошланади. Танқидчи Ойпопукнинг Ў.Умарбеков ижодидаги ўрнини белгилар экан, адибнинг илк кашфиёти сифатида қарайди. Бу қаҳрамоннинг олтинчи йилларда кўп китобхонларни мафтун қилиб қўйганлигининг сирларини излайди: «...сиз Ўлмас Умарбеков ихтиросида ўзгача бир тароватга, ўзгача латифликка эга бўлдингиз. Сиз янги замон кишисиз. Сизнинг томирингизда, нотинч, серғулу бир қон кезиб юради: бу ёшликнинг тинчимас ва тинчитмас қони...»*.

Танқидчи мактубда қаҳрамонга мурожаат қилиб, унинг хатти — ҳаракатларини баҳолаш жараёнида характерини ҳам оча боради. Ҳатто унинг ўзбек қизларига хос бўлмаган йигитга севги изҳор қилиши ҳам мунаққидга эриш туюлмайди. Ёзувчи қизнинг кечинмаларини тўғри асослай олганига тан беради. Бироқ бош қаҳрамоннинг қилмиши — сўнгги йўли танқидчига, нафақат И.Ғафуровга, балки барча китобхонларга ҳам маъқул бўлмаганлигини мактуб орқали очиқ — ойдин изҳор этади. «Мен сизни айблай олмайман. Лекин оқлай ҳам олмайман. Ўн саккиз ёшда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Лекин мен сиз шошдингиз деб ўйлайман» (60 — бет). Шу ўринда мунаққид

*Ғафуров И. Ям — яшил дарахт. Тошкент: FACH. 1976. 58 — бет.

қаҳрамонга мурожаат орқали ёзувчига ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради: «Ҳали далиллар етарли эмасди. Ҳали ўлим сўнгги чора каби туюлмаганди. Ҳали адиб бизни шу сўнгги чора, шу сўнгги ўқ деб ишонтириб улгурмаганди» (60 — бет). И. Фафуров ўз фикрларини Анна Каренина, Бовари хоним каби қаҳрамонлар мисолида исботлашга ҳаракат қилади.

«Одам бўлиш қийин»даги Гулчеҳрага ёзилган мактуб тўшпадан — тўғри унинг ҳаракатини қоралашдан бошланади:

«Қимматли Гулчеҳра!

Изингиздан қувиб ета олмадим. Тўғрисини айтсам, мен ўзингизга ўзингиз жисмоний зўрлик ишлатган — лигингиз, табиатга қарши борганлигингиз, яралган нарсани ва яратувчиликни йўқ қилганлигингизни сира ақлимга сиғдиrolмадим» (61 — бет).

Қаҳрамоннинг фазилатларини китобхон кўз олдида яна бир бор намоён этар экан, уни Ойпопук билан муқояса қилади: «Сиз эса, Гулчеҳра, энди бошқачароқ даврнинг қизисиз. Попукдан балки анча — мунча кичикдирсиз. Сизнинг орзуларингиз ҳам бошқачароқ. Кўпроқ амалий, ҳаётий орзулар. Сиз ижодкор қизсиз».

Мактуб ёзувчи мунаққид «Ғамларни енгиб, ёшликнинг, яратувчиликнинг, севгининг завқи билан келажакка катта умидлар боғлаб яшаётган, «муҳаббат, иффат, ҳаё ва меҳр»га йўғрилган қизнинг, оқ кўнгиллилиги билан китобхонларнинг ҳам эътиборини қозонган, «бахтиёр бир феълга эга бўлган хушқилиқ қиз»нинг тутган йўлини кескин қоралайди. Бу билан ўқувчиларни ҳам ҳаётни севишга, ноҳақликка қарши курашга чорлайди.

«Ёз ёмғири» қиссасидаги Мунисга ёзилган мактуб эса образнинг хатти — ҳаракати бошдан — оёқ ногўғри эканлигини кўрсатиш истагида ёзилган.

Мунаққид мактубларнинг охирида ёзувчига мурожаат қилади. «Жўра қишлоқ» асаридаги Ортиқбибига ҳам хат ёзмоқчи эканлиги, бироқ характер тасвиридан қониқмаганлигини ўзбекона бир андиша билан ифодалайди: «Бироқ у бир зумгина кўрсатилиб, сўнг дарҳол беркитилган сўлим аёлнинг сурати каби ғалати таассурот қолдирди. У яхши бир куйдан ҳаёлда қолган узук парчага ўхшади...».

Танқидчи, умуман олганда, адибнинг кейинги

йилларда бадий характер эътиборига кўра «ҳар жиҳатдан анча қуюқ ишланган хотин — қиз персонаж»лари муваффақиятли чиққанлигини таъкидлайди, ўзи ҳам уларнинг суратини китобхон кўз олдида қайта ўша жозибаси билан гавдалантира оладики, бу унинг танқидчилик маҳоратидан дарак беради.

Мактубларда мунаққиднинг ҳассос қалби ҳам ёрқин кўринади: у қаҳрамонлар тақдири учун қайгуради, уларнинг муваффақиятидан қувонади, улар қалбидаги кечинмаларни ҳис этади, шунинг учун унинг сўзлари самимийлиги, табиийлиги, инсонни тушуна олиш қувватига эгалиги билан қадрлидир.

Бу мактублар, биринчидан, Ў.Умарбеков яратган қаҳрамонларнинг ўзига хос фазилатларини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, назаримда, улар огоҳликка даъватдай туюлади: ҳозир ҳам ҳаётнинг қийинчиликларига бардош беролмай, келажакдаги ўзлари яратишлари мумкин бўлган нурли истиқболни кўра олмай ўз — ўзига исён қилувчи ёшлар топилади. Бу мактуб шундай ёшларни йўлдан қайтаришда, ҳаётсеварликка ундашда, Ў.Умарбеков қаҳрамонларининг бадий тақдири улар учун ибрат, сабоқ, армон бўлиб қолишида катта ўрин эгаллайди. Шу жиҳатдан қараганда, И.Ғафуровнинг адабий қаҳрамонларга мактублари йиллар ўтса — да, ўз замонавийлигини йўқотмайди.

Аслида бу мактублар ҳам ёзувчига ёзилган бўлса — да, шакл жиҳатдан янгиликдир, ўқувчини қизиқтириши, диққатни ўзига тортиш фазилатига эгалиги билан ажралиб туради.

КИТОБХОННИНГ ЁЗУВЧИГА ЁКИ БАДИЙ АСАР ҚАҲРАМОНИГА МАКТУБИ. Юқоридаги кўриб ўтганимиз мактублардан ташқари китобхоннинг ёзувчига ёзган хатлари ҳам учрайди.

Адабий — бадий тафаккур тараққиётининг характерли белгиларидан бири шуки, ёзувчи билан китобхон муносабати тобора кўп қиррали бўлиб бораяпти. Бугунги китобхон босилиб чиққан асарни шунчаки ўқиб қўя қолмайди, шу асарнинг яратилиш тарихи, жараёни, ижод психологияси, бадий сирлари билан ҳам қизиқади. Яхши асар пайдо бўлиши биланоқ ёзувчи номига хатлар кела

бошлайди, хат эгалари асардан олган таассуротларини ўртоқлашади, баъзан муаллиф билан баҳслашади, айтиш пайтда ижодкорни саволларга кўмиб ташлайди. Хуллас, оддий китобхон ҳам айтиш мумкинки, танқидчи бўлиб қолган. Албатта, китобхонларнинг савияси, диди бир хил эмас. Бадий асар ҳақида ўта жўн фикр юритадиган китобхонлар ҳам анчагина. Бироқ кенг китобхонлар оммасининг бадий ижодга астойдил қизиқиши, ёзувчи билан фаол муносабати — бу, қувончли бир ҳодисадир. Чунончи, Ойбекнинг қаҳрамонига — "Олтин водийдан шабадалар"даги Ўктамга ёзилган хатлар бунинг далилидир.

Танқидчи У.Норматовнинг ёзувчи Асқад Мухтор билан ўтказган бир суҳбатида ана шундай мактублар ҳақида фикр юритилади. Танқидчи шу мактубларга асосланиб, ёзувчига бир неча саволлар берадики, адибнинг жавоблари ўша хат ёзган китобхонларга ҳам тегишли эканлигини таъкидлайди.

70 — йилларнинг донгдор ишчиларидан бири, Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева адибга шундай хат ёзади: « Биз сизни шоир ва прозаик сифатида яхши танир эдик. Кейинги йилларда драматург сифатида ҳам кўриндингиз. Ҳамза театри сахнасида «Самандар» пьесангиз қўйилди, телеэкран орқали «Тонг билан учрашув» асарингизни томоша қилдик. «Ўзбекистон маданияти» газетасида Юсуфжон қизиқ ҳақидаги драмангиздан парча ўқидик. Сизни драматургияга ўтишга нима мажбур этди, бундан кейин ҳам драма билан машғул бўлиш ниятингиз борми? Шунини билмоқчи эдим...»^{*}. Суҳбатда А.Мухтор бу саволларга тўлиқ жавоб беради.

Шундан кейин танқидчи яна бир хатга ёзувчи диққатини жалб қилади. Тошкент Давлат университетининг талабаси Сурайё Хўжаева шундай ёзади: « Бадий асарни ўқиётганда қаҳрамонлар ҳаётининг энг ҳаяжонли дақиқалари тасвири пайтидаги ёзувчи ҳолати масаласи мени жуда — жуда қизиқтиради. Мен «Туғилиш» романини ўқиётганимда Лукмончанинг ўлими тасвирига келганда ўзимни кўярга жой тополмай қолган эдим.

Асқад ака, ўша ҳаяжонли дақиқалар тасвири пайтида

^{*}Норматов У. Талант тарбияси. Тошкент. «Ёш гвардия».1980. 34 — бет.

қандай ҳолатга тушгансиз, эслай оласизми?» Асқад Мухтор суҳбатда шундай жавоб беради: «Ижодқор бундай таъсири тасвирлар пайтида заҳмат чекади. Тўғри, илҳом билан заҳмат чекади, лекин кўпинча ҳаяжон эмас, қаноатсизлик ҳисси қийнайди. Чунки қоғозга тушган нарса, одатда, ёзувчи ўйида туғилган ўзига хос мураккаб муносабатлар оламига нисбатан жуда кичик бўлади. Ёзувчи тасаввуридаги ажойиб дунё қоғозга ҳеч вақт тўлалигича тушмайди. Тасаввур сўздан бой. Шунинг учун ўша, Сурайёхон айтган тасвирларда ҳам мени биринчи галда қаноатсизлик ҳисси қийнаган...» (36 – бет).

У.Норматовнинг адабий суҳбатларидан бири «Ҳаётий тажрибадан бадиий ҳақиқатга» деб номланган ва у ёзувчи Мирмуҳсин билан олиб борилган суҳбатдан иборат.

Танқидчи баъзи масалаларни ойдинлаштириш мақсадида адибга саволлар беради: «Сизнинг номингизга китобхонлардан келган бир қатор мактублар билан танишиб чиқдим, уларнинг деярли барчасида бир фикр учрайди – «Умид ижобийми ёки салбийми?» деган савол қўйилади. Бу ўринда биргина мактубдаги саволни эслатиб ўтаман. Бухоро вилоят, Ғиждувон туман, Калинин колхозининг аъзоси Азамат Абдуллаев ўз хатида «Умидни мен на салбий, на ижобий дея оламан. Сиз – чи?» деб сўрабди.

Бизнинг бу хусусдаги баҳсимиз китобхонларнинг шу хилдаги саволига ҳам жавоб бўлар деган умиддаман»*.

Ёзувчининг асардаги қаҳрамонлар ҳақидаги фикрлари китобхонни қаноатлантиради, деб ўйлаймиз.

Танқидчи яна шундай мактублар борлигини, уларнинг муаллифлари қаҳрамон характери ва тақдиридаги мураккабликларни тўғри тушунади, қаҳрамоннинг хатти – ҳаракатларини ўзича таҳлил этади, унга худди ўз сафидаги тирик одамдай қарайди, камчиликларини қоралайди, хато қилиб қўйганда, адашганда ачинади, тўғри йўлдан борганда астойдил қувонади... Умуман олганда, қаҳрамонни «мураккаблиги», «зиддиятлари», аниқроқ қилиб айтганда, кам – кўстлари билан кўрсатиш тамойилининг кенг тус олаётганлиги ижобий ҳодиса. Бу китобхоннинг савияси

* Норматов У. Талант тарбияси. 44 – бет.

кўтарилганлигидан, адабиётда реализмнинг чуқурлашиб бораётганлигидан далолат беришини таъкидлайди

Ёки Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романидаги Нажмиддин Бухорий образи муносабати билан келган бир хатни мунаққид мисол келтиради. «Замонамизнинг машҳур меъмори Қодиржон ота Ҳайдаров Сизга йўллаган мактубида :

« Меъмор» худди менинг аждодларим ҳақида айнан ёзилган асардай туюлди». — дейди ва асар қаҳрамони бобосига исмдош эканлигини, тақдирларида ўхшашлик борлигини айтади. Бу ҳол тасодифийми ёки унинг бирор замини борми? деган саволга ёзувчи шундай жавоб беради: « Жуда кўп меъморлар тақдирини ўрганганман...Отанинг мактубидаги баъзи гаплар, ростини айтсам, бир чёққаси, мени қувонтирди, иккинчи томондан, бадииятнинг сеҳрли бир кучи олдида лол қолдиради. Сен бир одам тақдирини ҳикоя қиласан, бу тақдирда ўнлаб, юзлаб одамлар ўз тақдирини, фақат тақдирини эмас, ўйларини, ўзининг кучли ва заиф томонларини кўради...».

Ёзувчининг жавобларини тўлиқ келтиришимизнинг икки сабаби бор: бу жавоблар, биринчидан, ижодкорнинг китобхон мактубларига муносабатини кўрсатишга хизмат қилса, иккинчидан, китобхонларнинг савияси юксалиб бораётганлиги, адибларни ҳам ўйлашга ундаётганлигини белгилайди.

Адабиётга қизиқувчи, савияси юқори бўлган бундай китобхонларнинг бошқа ёзувчиларга ёзган мактублари ҳам борки, уларни ҳам алоҳида ўрганиш зарур. Ҳатто бошқа халқлар вакиллари ҳам ўзбек адибларига мактублар ёзганлар. Масалан, халқимизнинг севимли ёзувчиси Ойбекка хитойлик ўқувчининг ёзган мактуби бунга мисол бўла олади. Ёки бир вақтлар республикамызда, ҳозир Санкт — Петербургда яшовчи китобхон В.Чечулина ёзувчи А.Мухторга «Чинор» романи муносабати билан ёзган мактуб ҳам диққатга сазовордир. У асар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради, романдаги Очил бува образи унга улуғворлиги билан аввало ёзувчи Р.Тагорни эслатади. Бу мактуб ҳам китобхоннинг бадиий асарга нақадар эътибор билан қараганлигини кўрсатади.

Баъзан китобхонлар ёзувчи бирор бир асарнинг давоми, қаҳрамонлар ҳаётининг, тақдирининг келажаги

билан қизиқиб ҳам мактублар йўллашади. «Икки эшик ораси» романи нашр этилгандан кейин Ў.Ҳошимов шу мазмунда кўплаб хатлар олганини ўз асарларида қайд қилган эди.

Адабий- танқидий руҳдаги бу мактублар ёзувчининг ижодий биографияси , асарларини ўрганганда қўл келиши мумкин.

АДАБИЙ—ТАНҚИДИЙ МАКТУБ ПОЭТИКАСИ

Мактубнинг тузилиши. Хат композицияси ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бошқа жанрларнинг тузилишидан фарқ қилади. А.И.Герцен бу ҳақида шундай деб ёзган эди: «Хатнинг шакли ранг—баранг, хат кенг—у мўл тикилган аёллар куйлагидек боғичсиз, эркин бўлиб, ҳеч қаери қисмайди»*. Бундан шундай хулоса чиқадики, бошқа жанрларга, масалан, тақриз , мақола ва ҳ.к.га нисбатан хатда фикрни эркин ифодалаш имконияти кўпроқ бўлади. Чинакам эҳтиросли хатларда мазмун ҳаяжонбахш таъсирга эга, фикр ва туйғудаги таъсирчанлик қуйилиб келади. Лекин бундан хат шакли бетартиб бўлиб, фикр истаган тарзда баён қилинаверади ,деган тушунча келиб чиқмаслиги зарур.

Мактуб маълум тартибли, қатъий тузилишга эгадир. Хатнинг қурилиши ўзининг маълум йўналиш нуқтасига эга бўлиб, унинг марказини муаллиф ифодаламоқчи бўлган бош ғоя ташкил этади.

Хатда бош ғоявий мақсад— композицион нуқта(марказ) аниқ белгилангандан кейин муаллиф ўз фикр— туйғуларини шу йўналиш асосида эркин баён қилади. Хатда ҳам бошланма, тугун, ечим, хотима каби сюжет чизиқлари мавжуд бўлади. Унда муаллиф фикри мурожаат (бошланма), алангали нутқ, хат йўлланган киши билан мунозара, аниқ манзаралар чизиш, деталлардан фойдаланиш, лирик чекиниш, турли бадий воситалардан фойдаланиш, хотима йўналишидаги изчилликда ифодаланади. Адабий — танқидий мактубларда қиёслаш кўп. Бу хатлардаги композицион

*Прохоров Е.П. Эпистолярная публицистика. М., 1966 С. 60.

бўлаклар ҳисобланади. Албатта, бундай унсурларнинг барчаси бир хат доирасида учрамаслиги мумкин. Аммо муаллифнинг бу воситалардан унумли фойдаланиши хатнинг бадиий таъсирчанлик қувватини оширади.

Шу нуқтаи назардан икки адабий — танқидий мактубнинг тузилишини кўриб ўтиш мумкин. Биринчиси — Ғафур Ғуломнинг «Ёш шоир Амин Умарийга ўртоқлик хати» бўлиб, у ҳақда илгари ҳам тўхталгандик. Хат шоирнинг уч шеъри газетада босилиши муносабати билан ёзилган. Ёш шоир ижодига баҳо бериш ва шу орқали унинг нуқсонларини кўрсатиш — хатнинг бош ғояси ҳисобланади.

Хатнинг биринчи қисмида мурожаат, яъни танқидчиларнинг озчилиги, ҳамма асарларга улгура олмаслиги (ҳолбуки, танқидчилик ҳар бир асарга ўз муносабатини билдириши керак, бунга танқидчилик айбини хаспўшлаётган шоирнинг буюк қалби ҳам кўриниб турибди), тажрибаларни ўртоқлашиш, «бир ўртоқ сифати билан қойиш» мақсад қилиб қўйилган.

Хатнинг иккинчи қисмида шоир шеърятини таҳлил қилиш орқали унинг моҳияти очиб берилади, кейин яна **мурожаатдан** фойдаланилади. Бу икки қисм бир — бирини тўлдириб, далиллаб, хатдаги пафосни кучайтириб боради.

Ғафур Ғулом хатда шоир шеърларидан мисол келтириб, китобхоннинг диққатини мазмунга жалб қилади. «Икки ёшлик» шеърини таҳлил қилар экан, Ғ.Ғулом мазмунни янада ойдинлаштириш учун турк шоири Тавфиқ Фикратбекнинг бир байт шеърини ҳам мисол тариқасида келтиради.

«Дўстим Аминжон!, — деб хитоб қилади Ғ.Ғулом. — Бу шеърингиз сюжет жиҳатдан яхши. Лекин анчагина жиддий камчиликларга ҳам эгадир». Шундан кейин хатнинг учинчи қисми бошланади: Мунаққид шоирнинг камчиликларини, бирма — бир далиллаб очиб бера бошлайди, бош ғоя кучлироқ, таъсирлироқ талқин этилади.

Ғ.Ғулом шеърнинг ўзига ёққан ва ёқмаган томонларини хат эгасига — шоир А.Умарийга ётиғи билан тушунтириб беради. Баъзида лирик чекиниш қилиб — ўзининг истакларини ифодалайди. «Биринчи икки сатрда

*Ғафур Ғулом. Асарлар. 10 — том. Тошкент: ФАН, 1978. 63 — бет.

жуда яхши образ ва иккинчисида соддагина қилиб айтилган бир самимийлик бор шеърда, шунақа пайтлар кўп бўлсин»*.

Хатнинг хотима қисмида бош ғоя янада аниқроқ қилиб: мактубни ёзишдан мақсад нима эканлиги, адабиётни «балад даражага кўтариш...» ва бошқа шундай масалалар ифодаланади.

Ўз фикрини « дўстлик маслаҳатлари» деб ҳурмат билан сўзини тутатади. Бундай олижаноблик ва юксак маданият Ғ.Ғуломнинг олимлик ва инсонийлик қиёфасини беаган.

Кўринадик, бу хатнинг тузилиши пухта қурилган, мақсад қисқа ва аниқ ифодаланса — да, баъзи жиҳатлари билан тақризга ўхшаб кетади (аввал озгина бўлса — да, асарнинг ютуғини, кейин камчиликларини кўрсатишига кўра бир қолипга солинган (шаблон) тақриزلарни эслатади), аммо улардан бевосита мурожаат руҳининг кучлилиги ва қисмларни бирлаштирувчи бўлаклари билан фарқ қилади.

Мактубда самимийлик, куюнчақлик сезилиб туради. Бунинг устига хатдаги тасвир услубининг бир — бирига уйғунлиги, фикрнинг мазмунли, изчил ва таъсирчан баёни диққатга сазовордир. Хатнинг тузилиши жиҳатидан йиғиқлиги, асосий ғоянинг қизиқарли, изчил ифодаланиши фикримизнинг исботидир. Мактуб халқ севган ўзбек шоирининг олижаноб қалбини кўрсата олиши жиҳатидан ҳам маълум аҳамиятга эга.

Хатнинг қурилиши асосий ғояни ифодалашда энг муҳим восита бўлиб, у мунаққиддан, ижодкордан — хат ёзувчидан катта ижодий меҳнат ва маҳорат талаб этади.


Иккинчи хат адабиётшунос олим О.Тоғаевнинг ёш ёзувчи Эгам Ражабга йўллаган мактуби бўлиб, «Номус ва муҳаббат» деб номланган. Мактуб тузилиши ўзига хос, яъни тўппадан — тўғри бошланади. Унда аниқ мурожаат шакли кўринмаса — да, кириш қисмида берилган фикрлардан бу руҳ сезилиб туради. «Аму тўлғанади» деб аталган кичик қиссангиз менда умуман ёқимли таассурот қолдирди. Асарнинг мавзудан таъсирланганлигингиз сезилиб турибди». Шу тариқа мунаққид ёш ижодкорнинг қиссанависликда эришган ютуқларини кўрсатиб беради. Аммо очиқ хатнинг бош ғояси — қиссадаги камчиликларни

кўрсатиш орқали ёш адиб ижодига муносабат билдириш, унга ижод йўлидаги юксакликни англатиш. Адабий жараёнда пайдо бўлган янги асарга муносабат билдириш адабий танқиднинг биринчи, галдаги вазифаси эканлигини яхши англаган танқидчи хатда асосан маҳорат масалаларига ёзувчининг диққатини қаратади.

У ёш адиб ва китобхонлар диққатини психологик таҳлилга унча эътибор берилмаганлиги, қаҳрамонлар руҳий олами чуқур ва аниқ тасвирланмаганлиги каби адабий муаммоларга қаратади. Бунинг учун хатда қиёслаш усулидан фойдаланади. В.Распутиннинг «Яша ва унутма», А.Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар», Э.Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» асарларидан мисоллар келтириб, даъволарини асослайди.

Асарда ҳаёт ҳақиқатининг теран очилмаганлиги муаллифни ташвишга солади. Бу саёз, бўш асарлар адабиётимизда кўпайиб кетмаслиги учун куйиниб ёзилган фикрлар оқимидан келиб чиққан ташвишдир.

Мактуб қурилишидан муаллифнинг асарни яхшилаш йўлидаги истаклари ҳам ўрин олган. Ёзувчини жиддий ўйлаб кўришга даъват этилган ушбу хатнинг тузилишини қуйидагича чизиш мумкин:



Албатта, бундан барча мактубларнинг қурилиши шундай кўринишга эга деган хулоса чиқмайди. Масалан, танқидчи И.Фафуровнинг «Адабий қаҳрамонларга хатлар»ининг тузилишини Б.Назаров шундай кўрсатади: «Уч хат ўзаро мустаҳкам боғланишда, бири иккинчисининг давоми. Натижада, кўз олдимизда ўзига хос композицияли, сюжет ва қаҳрамонга эга яхлит бир адабий — танқидий мақола гавдаланади».

Ёки шоир У.Азимнинг «Ақл ва заковат — муросами?» номли очиқ хати қурилишини кўриб чиқайлик: Бу хат танқидчи У.Норматовнинг «Ақл ва заковат иши (ЎзАС, 1987, 25. 9.) мақоласига жавоб тарзида битилган. Унда танқидчи фикр — мулоҳазаларига жавоб айтиш, баҳсу-мунозара кучли. Шу боис унинг қурилиши бошқа хатларникига ўхшамайди. Унда танқидчининг фикрини кўп ҳолларда рад этиш, қоралаш руҳи устувор. Унинг қурилишини шундай қизиш мумкин:



Адабий — танқидий хатнинг ички анатомиясини текшириш шундай хулосага олиб келади:

Адабий — танқидий хатнинг бош мақсадини-бадий асарни юқори савияда кўриш истаги ташкил этади. Хатнинг аксарияти мурожаат билан бошланиб, муаллифнинг бадий асар ҳақидаги мулоҳазалари баёни (агар хат китобхонга ёзилган бўлса, бирор адабий ҳодисани содда қилиб тушунтириш йўлидан борилади), мунозара ва муаллифнинг хат йўлланган кишига истаклари билан тугалланади.

Хатда муаллиф эркин қуйилиб келаётган фикр ва туйғуларни бош ғоявий марказга уюштиради. Худди шу ғоявий марказ, кўриб ўтганимиздек, аста — секин ривожланиб, юқори нуқтага кўтарилади ва хулосаланади. Шу йўналишдаги асосий фикр оқими публицистик, бадий, адабий хатнинг илмий фикрлаш мантиқи негизида қоришган сюжет ҳисобланади. Хат хоҳ муҳаббат, хоҳ ғазаб руҳида ёзилганига қарамай, кўпинча ана шундай тузилишга эга бўлади.

Ёзувчи хати бир қадар қисқа ва лўнда бўлишини таъқидлаш жоиз. Бунини Ғ.Ғуломнинг ўз хатларида қисқалик ва юмори хуш кўрганлиги яққол тасдиқлайди. Адабиётшунос С.Мамажонов ўзининг «Теранлик» китобида Ғ.Ғулом тимсолида ўзбек халқининг сахийлиги, меҳмондўст ва инсонпарварлиги мужассамланганлигини кўрсатувчи бир мактубга эътиборини қаратади. 1959 йилда Ғафур Ғуломнинг «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» деган шеъри Москвадаги тўпламлар ва газеталарда бўсилиб чиқади. Польшалик бир ёзувчи Раковский бу шеърни ўқиб, ундаги шу меҳмондўстлик руҳини, Шарқ шеърисига хос

лутфни тушунмасдан шоирга мактуб ёзади. Унда шундай жумлалар бўлган: «...Сизнинг кўламингиз, сизнинг очиқ қалбингиз менга ёқади. Бу лирик самимият ва меҳрибонлик шаклидаги очиқдан — очиқ чақириқдир: «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!»...Шоирнинг гарчи лирик муболаға ва бўрттиришига йўл қўйишини биламан, бироқ ҳар ҳолда бу ерда кенг қалб ва юракнинг майдаланиб кетаётганлиги сезилмоқда...шундай дабдабани эн массен — бир олам меҳмонларни таклиф қилишни ўзига эп кўришини мен кўз олдимга келтиролмайман. Бунинг учун миллионер бўлиш керак. Наҳотки сизнинг уйингиз катта қаср бўлса?».

Фафур Гуломнинг жавоб мактубида шундай сўзлар бўлган: «Гарчанд шоирлар муболағани ўзларига эп кўришлари мумкин бўлса — да, сиз ўқиган шеърдаги нарсаларнинг ҳаммаси соф ҳақиқатдир ва мен таклифни ўз шеъримда ва сизга ёзган бу хатимда ҳам такрорлай оламан. Марҳамат! Очиқ кўнгил миллион талаб қилмайди, балки фақат самимият ва ўзаро ҳурмат талаб қилади, холос»*. Бу мактублар бир томондан турли миллат ёзувчилари орасидаги алоқаларни кўрсатса, иккинчи томондан, Ғ.Гуломнинг ҳақиқий, қалби саховатга тўлиқ шоир ва инсон эканлигини намоён этиши билан аҳамият касб этади.

« АНИ НАЗМ ЭТКИ, ТАРХИНГ ТОЗА БЎЛГАЙ...»

ЁКИ МАКТУБЛАРНИНГ БАДИИЙЛИГИ.

Хат ёзаётганда киши кўз ўнгига суҳбатдошининг (гарчи унинг ўзи иштирок этмаса — да) юзими, кўзими — қаршингда туради. Шу боис носамимийлик, ёлгон хатлардан анча йироқ бўлади. Инсон кўнглидаги гапларини, дардларини хатга тўкиб солади. Ишимизнинг бошида грузин ёзувчиси Амириэжибининг ҳақсизликка ва ёвузликка қарши курашган қаҳрамони Дата Туташхианинг хат олгандаги ҳолати тасвиридан мисол келтирган эдик. Шу ўринда яна Датанинг хат ёзиш ҳақидаги бир гапини эсга олсак: «...мана энди мактуб йўллашга мажбур бўлиб ўтирибман, ваҳоланки хат ёзиш гапиришдан минг чандон мушкул. Мен зарур гапларни тополмай, ёзганларимни ўчириб, қайтадан ёзиб

* Мамажонов С. Теранлик. Тошкент: FACH, 1987. 156 — бет

қийналаяпман. Қаламимдан тўкилаётган сўзлар кўнглимдан кечаётган гапларни ифодалашга қодир эмас». Бу сўзларни келтиришдан мақсадимиз, хат ёзишга эътибор, хат ёзиш санъати ҳамма даврларда ҳам кучли бўлганлигини таъкидлашдан иборат эди.

Хатлар ҳамдард юракларни бир—бирига чамбарчас боғлайди, фикрлар ўткирлашиб, туйғулар нозиклашади, адабий—танқидий мактубларда эса адабиёт муаммолари, инсонни бадий акс эттиришнинг турли йўллари тўғрисидаги фикр—мулоҳазалар ойдинлашади.

Хат—кўнгил ойнаси, инсон қалби. Муаллиф қалби унда ўз аксини топади. «Хатда гап кўп. Мактубда мактубнависнинг ўзи, ички руҳий олами тўла—тўқис намоён бўлади—деб ёзадилар «Толибнома» муаллифлари.—Ёзган хатига қараб беҳато айтиш мумкин: бу одам сермулоҳаза, латиф, доно, ишонувчан, дилгир, куюнчак, меҳрибон, ё бўлмаса, шошқалоқ, зиқна, асабий, кўпол, дағал, лоқайд.. ва ҳоказо»,

Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоийнинг мактубларини кузатар эҳанмиз, унинг олижаноб қалби ҳар бир хатида, услубида кўриниб туради. Шарқ одоб—ахлоқига хос сертакаллуфлик, буюклик билан бирга, ғоят содалик, одабийлик, катталарга таъзим, ёру дўстларга чексиз ҳурмат ва муҳаббат Навоий хатларининг асосий мотивларини белгилайди. Навоий хатларига хос яна бир хусусият шуки, у ўз фикрларини қатъий буйруқ шаклида эмас, балки кўнгилга хуш ёқадиган даражада мулойимлик билан бамаслаҳат ифодалайди.

Бу хатлар улуғ шоирнинг шахсиятини, руҳий оламини, бошқача қилиб айтганда, маънавий—руҳий портретини росттўйлик билан ифодалаганлиги жиҳатидан муҳим адабий, ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Ёзувчи хати китобхонларни ижодкор шахсияти ва сеҳрли бадий ижод сирлари ҳақидаги ҳужжатлар сифатидагина қизиқтириб қолмай, услуб, шакл гўзаллиги жиҳатидан ҳам диққатга сазовордир.

Ёзувчи хатида бадий тафаккур устун туради. Бадий тафаккур эса образли фикрлашдир. Шунинг учун ёзувчи ўз хатларида бадий ижод унсурларидан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Ёзувчи хатида шеърятга хос

эҳтирос, лиризм, диалог, деталлаштириш, лирик давҳа, табиат тасвири, новелла, ҳажвий бўёқ ва бошқа бадий унсурлар учрайди.

Навоий хатларида табиатнинг тўрт фасли ўзига хос бўёқларда нафис жилваланади: «Куз..Қаро йиғочнинг сариғбарглари ел учурғони тутундин учқунлар айрилғонининг мисолин ва қизил толнинг қоҳий (сомон тусли сарик) япроқлари баъзи жисмида қолғай, шингарф хутути (қизил хатлари, бўёқлари) узра заъфарон афшоний қилғондин (сариглик сочгандан) нишона кўргузди...»*.

Кўринадики, Навоий ўз хатларида насрда гўзал ҳиссий манзаралар яратувчи буюк сўз санъаткори сифатида намоён бўлади.

Олим Б.Саримсоқов «Муншаот»даги деярли барча мактубларда ХУ аср мактубларига хос қуйидаги услубий хусусиятлар мавжудлигини қайд этади: а) насрда сажъ ва изчил ритмнинг мавжудлиги; б) баёнда кўтаринкиликка интилиш; в) фикрни мураккаб ташбеҳлар ва символлар орқали ифодалаш**.

Ҳақиқатан ҳам вазнли наср билан мусажжаъ насрнинг биргаликда қўлланилиши мактубларда шоир ҳис – туйғуларининг баландлигини, унинг «фикрий ва ҳиссий оламини ифодаловчи восита» сифатида кўринадики, бу мактубларга жозоба ва юксак бадийлик бағишлайди. Навоий хатларининг кўпчилиги «қуллуқ» (яъни таъзим қиламан) сўзлари билан бошланиб, охири ҳам юксак ҳурмат кўрсатишнинг намунаси бўлиб хизмат қилади: «Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким», охири: «Рубъи маскунда ҳукмунгиз равон бўсун ва рубъи маскун аҳлига адлингиздин амну Амон. Омин, ё раббил оламин».

Рус ёзувчиси И.С.Тургенев хатларида ҳам бадий ижод хусусиятларининг устивор руҳи сезиларлидир. Тадқиқотчилар Тургенев хатларининг мажмуаси ўзига хос сюжет чизигига эга яхлит бадий асар сифатида таассурот қолдиради, деб уқтирадилар. «Тургеневнинг хат ёзиш санъати, хусусан, хатнинг ҳамма жанр, шакл услубларидан эркин фойдалана олганлигида, бу воситаларни ўз

*Алишер Навоий . МАТ. 14 – том. 138 – бет

**Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. 110 – бет

кайфиятлари ва туйғуларигагина эмас, балки хатни биринчи бор ўқийдиган кишиларнинг хусусиятларига мослаштириб, ранг — баранг тарзда ўзгартира олганлигидадир»*.

Ҳақиқатан И.С.Тургенев хатни бадиий ижод даражасига кўтарган ёзувчи ҳисобланади. Унинг рус ва хорижий шахсларга бир неча тилда ёзган олти мингдан ортиқ хати маълумдир. Баъзи бир тадқиқотчилар Тургенев хатлари «шеърый проза» намунаси деб атайдилар**.

Фарбий Европа адабиётида ҳам фақат хат ёзиш билан танилган ёзувчилар анчагина бўлган.

Урду адабиётида ёзувчи ва шоир Мирзо Ғолибнинг хатлари жамланган машҳур девонини урду тилининг муқаддас китоби деб ҳисоблайдилар. Ғолибнинг мухлисларидан бири Ҳиндистонда инсонни руҳлантирувчи иккита китоб борлигини, бири муқаддас веголар, иккинчиси Ғолибнинг девонлари эканлигини таъкидлаган эди. Бу далилнинг ўзи Ғолиб хатлари («Маркотибе Ғолиб» — «Ғолибнинг ёзишмалари»; «Хутут — е Ғолиб» — «Ғолибнинг хатлари»; «Нома — е Ғолиб» — «Ғолибнинг номалари»; «Нодир хутут — е Ғолиб» — «Ғолибнинг нодир хатлари») анча машҳур ва диққатга лойиқ бўлганлигини, юксак бадиий маҳорат билан ёзилганлиги, тилининг ўзига хослигини кўрсатади. Ғолиб хатларини ўрганган олима унинг эпистоляр меросидаги энг муҳим сифатлардан бири сифатида ёзувчининг жўшқинлигини ва хатларнинг чин қалбдан ёзилганлигига эътибор қаратади. Хатлар кимга ёзилганидан қатъи назар, улардан жўшқинлик насими таралиб туришини таъкидлайди.

Кўпчилик хатларида Мирзо Ғолиб йирик тилшунос олим, филолог ва адабий танқидчи сифатида намоён бўлади. Унинг поэтика, классик шеър тузилиши ва форс тили бўйича чуқур билимга эга эканлиги алоҳида сезилиб туради. Муаллиф жуда қизиқарли ва бадиий шаклда ҳинд халқининг миллий урф — одатлари ва байрамларини ёрқин тасвирлайди. «Унинг хатларидаги ифодалар, иборалар,

*Алексеев М.П. Письма Тургеневы. С. 30.

**Ўша асар. 32 — бет.

Ўзининг гўзал метафораларга ва аниқликка бойлиги билан қанотли сўзларга айланган»*.

Ёзувчиларнинг хатларини ўрганиш орқали яна шундай хулосага келамиз: уларнинг хатлари китобхонларни дўстнинг дўстга, ҳамкасбга, биродарига, умуман, инсоннинг инсонга самимий, чуқур ҳурмат, эҳтиромда бўлишга ўргатади. Хат ёзувчининг меҳрга тўла қалбидаги ҳароратни хатни оловчига улашади, унинг юрагини ҳам илтиб, саховатга тўлдиради, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Алишер Навоий бунӣ шоирона муболаға билан қуйидагича кўрсатади:

Нома ёзғон чоғда бўлмиш эрди хунафшон кўзум,
Оқ варақ гулранг бўлди токи сочти қон кўзум.

Ёки

Ул руқъаки, сочиб эди кофур уза анбар,

Ҳар нуқтаси мушк эрди — ю ҳар нуқтаси гавҳар —
етишди. Нуқтаси мушкини кўзум мардуми устида қўйдум
ва лафзлари гавҳарини жон риштасига чектим, кўз уйи
андин мунаввар бўлди ва жон кулбаси мундин зеру зевар
топти**. Мактубнинг инсонга таъсирини бундан ортиқ
тасвираб бўлмас!

Рус ёзувчиси М.Горькийнинг мактубларини ўқир
эканмиз, унинг, кимлигидан қатъи назар, юрагига яқин
одамга дўстона муносабати, эҳтиромини кўриб қойил
қолади, киши. Айниқса, мактубларда кўзга ташланиб
турувчи биринчи фазилат — хат эгаларига — ижодкорларга
самимий ва чин дилдан изҳор этилган муҳаббат.
Горькийнинг ижодкорларга ёзган хатларидаги биргина
муружаатнинг ўзини олиб кўрайлик:

К.Станиславскийга ёзган хатидан: «Сизни кўргим
келади, улуғ исёнкор, Сиз билан гаплашгим келади, Сизга
баъзи бир фикрларимни айтгим келади — Сизнинг ёниб
турган юрагингизга яна олов қалагим келади. Юрагингиз
ҳамиша ёниб туришидан бундан буён ҳам завқлана —
вераман».

*Пулатова Ш. Значение письма Мирзо Галиба в развитии прозу урду//.
АҚД. М., 1963. С.16.

**Алишер Навоий. МАТ.14 — том. 208 — 209 бетлар.

Ёки « Қимматли Константин Сергеевич, Сиз билан учрашув менинг қалбимда ёрқин, қувончли ва осойишталик бахш этувчи таассурот қолдирди: Сизга ўхшаш кишиларни кўргач, ватаннинг келажагига кўпроқ ишонасан ва уни қаттиқроқ севасан».

Герберт Уэллсга ёзган хатидан: « Азиз дўстим!... Сизнинг номингизни барча виждонли ва зиёли кишилар эҳтиром ила тилга олишади. Сизнинг китобингиз умрбоқий асарлар жумласига киради. Сиз — улкан ва гўзал одамсиз».

Р.Ролланга ёзган хатидан: «...Муҳтарам мэтр, мен Сизнинг уруш даврида ёзган барча мақолаларингизни қунт билан ўқиб чиқдим ва уларнинг менда Сизга нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббат уйғотганини билдирмоқчиман. Сиз бу ақл бовар қилмас уруш ваҳшати қаршисида руҳан букилмаган нодир кишиларнинг бирисиз, унинг устига Сизнинг олижаноб қалбингиз инсониятнинг азиз ақидаларини ҳамон асраб келиши билан бизни ғоят қувонтиради».

С.Цвейгга : « Азизим Цвейг!

Ер юзида хурсандчиликлар кўп. Сиз билан кўришмоқ мен учун ана шундай шодликлардан биридир...

..Сизнинг мақтовларингизни, «Номаълум аёл мактуби» каби ҳаётий, шунчалар таъсирчан асар яратишга қодир бўлган санъаткорнинг мақтовларини мен юқори даражада эъзозлайман. Сизнинг меҳрибонлигингиз эса мен учун жуда қимматлидир»*.

Бундай хатлар уни ўқиган китобхон қалбида ҳам инсонга ҳурмат ҳиссини уйғотишга қодирлиги билан эътиборга лойиқ.

Шу жиҳатдан ўзбек адабиётида файласуф ўзбек шоири Ғ.Ғулом мактубларига назар ташласак, уларда ҳам ўзбекона лутф, эҳтиром, хат ёзувчининг хат олувчига самимий муносабати ёрқин намоён бўлади.

Абулқосим Лоҳутийга ёзган жавоб мактубидан: « Ассалому алайкум муҳтарам биродарларим ва муъаззам шоир Лоҳутий!

*Горький М. Асарлар. Ўн томлик. X том. Тошкент: FACH, 1978. 244 — 256 — бетлар.

Муҳаббат услубида ёзилган ҳар икки мактубингизни олдим. Фузулий мусаддасига ёзган назиранингизни ҳамма адабиёт ошиқларига манзур этдим».

Валижон Мирзаевга: «Муҳтарам биродарларим Валижон ва Қобилжонларга!

Ҳурматингиз даражасидан оғирроқ ва саломингиз ўлчагидан вазминроқ ҳурматимни қабул қилгайсизлар. Илтифотингиз ўз шаънингизда ҳам жилвалансин».

Сотим Улуғзодага: « Муҳтарам биродарим Сотимжон!

Телеграми саросар эҳтироми Шумо гирифта, бошим осмонга етиб кетди...

Тез — тез мактуби муҳаббат услубингизни ўқимакни орзу қиламан».

Газета ўқувчиларига: «Жонимдан азиз кўрган ўғил — қизларим!

Мен сизни жуда яхши кўраман. Буни сиз яхши биласиз. Сиз ҳам мени яхши кўрасиз, буни биламан. Шунинг учун ҳам биз бир — биримизга доим яхшилик тилаймиз. Айтганимизни қиламиз»*.

Ғафур Ғулом мактубларининг яна бир ўзига хос хусусияти шуки, у қайси қардош ижодкорга мактуб ёзса, иложи борича унинг тилида (тожикча, туркманча, қozoқча ёки oзарча) гапиришга ҳаракат қиладики, бу унинг қалби эҳтиромга тўлиқ буюк байналминал шоир эканлигидан гувоҳлик беради.

Баъзи мактублардаги образлилик, сўз жозибаси китобхонга асарнинг моҳиятини янада чуқурроқ ва кенгроқ англаш имконини беради. Азим Суюннинг қарақалпоқ шоирига ёзган мактубида бу хусусият ёрқин кўринади. Шоир сажъдан моҳирона фойдаланиб, хатта ўзгача тароват бағишлаган: "Аммо одамлар элу элатларга бўлиниб, қавм — қариндошларга бўлиниб, халқу улус, миллатларга бўлиниб, муайян ҳудудларни чегаралаб, уларни ота макон, она макон, она Ватан, киндик қони тўкилган юрт тимсолида эъзозлаб, муқаддас билиб, тупроғини кўзларига суртиб, кўз ёшларини қориштириб, жони каби авайлаб, асраб, унга

*Ғафур Ғулом. Асарлар. Ўн томлик. Ўнинчи том. Тошкент: FACH, 1978. 73 — 102 — бетлар

ҳамду санолар айтиб, аллаю қўшиқлар, ўлану дostonлар, дунёни лол қолдиргувчи қиссалар битиб, кўнглини нурга, қалбини куч — қувватта тўлдириб келаяпти...

Иним Бахтиёр Генжамурод! Ватан ҳақидаги сенинг дostonнинг менинг кўнглимдан шу гапларнинг тўкилишига сабаб бўлди".

Назаримизда, бу хатни ўқиган ҳар бир китобхон унда тилга олинган дostonни ҳам топиб ўқимай қўймайди. Бу эса мактубнинг аҳамиятини янада оширади.

Кўринадики, ёзувчиларнинг мактублари уларнинг бир — бирларига ўзаро ҳурмати, қалбларидаги ички туғёнларидан ҳам далолат беради. Улар образли фикрларга бойлиги, тилнинг таъсирчанлиги ва ёрқинлиги билан ажралиб турадилар.

Адабий — танқидий мактублар эса илмий ва бадий тафаккурнинг ҳосиласи ҳисобланади. Улар ҳам ижод маҳсули, уларда ҳам муаллифнинг кечинмалари, ҳис — туйғулари, адабиёт ҳақидаги қарашлари бадий ва илмий тарзда эркин ифодаланади. Мактубларга шу нуқтаи назардан қаралса, улар турлича характер касб этишини ойдинлашади.

Бу мактубларда мантиқий муҳокамалар образлилик билан қўшилиб фикрнинг таъсирчанлигини оширади. Хатдаги бу образлиликни «фикр поэзияси» (О.Тоғаев) деб аташади. А.Қаҳҳор ўз хатларида фикрни лўнда, образли ифодалаш тамойилига қатъий амал қилади. Унинг ёш ёзувчи Ў.Ҳошимов ва бошқаларга йўллаган хатларида уларнинг дастлабки асарларидаги ўзига хос хусусият образли тилда аниқ қайд этилган. «Ўткир! «Чўл ҳавоси»ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади. Қисса жуда соф, самимий, илиқ, табиий, роҳат қилиб ўқилади»*. Хатларда ёш ёзувчининг илк асари ҳақида гап боради, унга баҳо берилади. Шунинг учун уни адабий — танқидий мактублар сирасига киритиш мумкин. Чунки хатда бадий ва илмий тафаккур уйғунлашган ҳолда кўзга ёрқин ташланади, унда ёзувчининг дунёқараши, адабиёт тўғрисидаги тушунча ва бадий

*Абдулла .Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. Тошкент:«Ёш Гвардия», 1968. 3 — бет.

тамойиллари акс этади. Қолаверса, адабиётимизнинг улкан сўз устаси бир ёш ёзувчининг ютуқларидан хурсанд бўлиб, унинг келажига катта умид билан қарайдики, бу ўша ёзувчилар ижодининг ривожига, маънавий — руҳий камолида катта роль ўйнайди.

Мунаққидларнинг мактубларида ҳам образлиликнинг турлича акс этишини кузатиш мумкин. И.Ғафуровнинг ёзувчи Ў.Умарбеков қаҳрамонларига йўлаган мактублари образли илмий тафаккурнинг ёрқин намунаси саналади.

О.Тоғаевнинг ёзувчи Э.Аъзамга ёзган мактубида ҳам бу хусусиятни кўриш мумкин. Танқидчи хатда турли образли иборалар, ифодалардан фойдаланишга катта эътибор беради.

Қиссадаги образларга тавсиф берар экан, «Ақл ниҳолининг томирига болта урадиган Аҳмадхонов», «Асқар ички изтироб ва қайноқ қалбдан туғилган алангали образ» тарзидаги тавсифлар, «Ҳақиқатни очиқ айтиш жасорат» сингари образли фикрлар хатда кўп учрайдики, булар хатнинг ўқимишлилигини оширишга ёрдам беради.

Танқидчи ўз фикрларини асослаш учун халқ мақолларидан унумли фойдаланади: «Ёлғон билан жон сақлаб юргандан — рост айтиб, ҳур ўлган яхши», «Бирники мингта, мингники оламга», «Инсон остонадан бошланади» қабилар.

Мактубнинг таъсирчанлигини ошириш, ўз фикрларини, қарашларини яхшироқ тушунтириш, мулоҳаза — ларини исботлаш мақсадида турли файласуфларнинг ҳикматли сўзларидан мисоллар келтиради, қиёслаш усулидан фойдаланади. Чунончи, Э.Аъзамнинг «Отойининг туғилган йили» қиссасининг бош мақсадини тушунтириш учун хат муаллифи М.Сервантеснинг «Адолат бўлмаган жойда эркинлик ҳам бўлмайди» деган фикрларини келтиради.

Асар қаҳрамонлари Асқар ва Жовлибойнинг мулоҳазалари М.Горькийнинг «Лочин қўшиғи» асаридаги илон фалсафасини эслатади мунаққидга. Ёки маънавий қолоқ кишилар орасида рўй бераётган мешчанлик кўринишини «истеъмолчилик пойгаси» деб атаган Ч.Айтматов қарашларига асосланади. Ёзувчининг «Совуқ» ҳикоясидаги Ўрмонов Гоголнинг «Шинель»

қиссаси қаҳрамонини эслатади ва уларни ўзаро чоғиштиради.

Бу бир томондан ёш ёзувчи яратган образнинг моҳиятини тушунтиришга ёрдам берса, иккинчи томондан, мактубнинг қизиқарли ва ўқимишлилигини таъминлаган.

«Хат автори ёзувчи ёки шоирга хос чинакам ижод дардини бошидан кечириши керак. Бу авторнинг тўпланган материалларни чуқур идрок этиб, қалб призмасидан ўтказиши ва ҳаяжонли акс эттириши лозим», — деб ёзган эди О.Тоғаев*. Унинг ўзи ҳам бу мактубида ана шу тамойилларга риоя қилганини кўриш мумкин, аммо кейинги хатларида («Муддао ва конфликт». Ҳ.Икромовга) ҳаяжон ва чуқур идрок этиш тезда кўзга ташланмайди.

Баъзи хатларда муаллиф аниқ материалларни маълум бир режа асосида ҳаққоний ва изчил баён қилиб бериши ҳам мумкин. Бундай хатларда ҳамма нарса ўз ўрнида бўлиб, унинг мазмунига эътироз билдириш ҳам мумкин эмас. Бундай хатлар китобхонга асар ҳақида маълумот беради, у ёки бу фикрнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашгагина хизмат қилади, холос. Аммо китобхон ҳис — туйғуларига таъсир этмайди, уни ҳаяжонга солмайди. Бу хатларда энг зарур нарса — муаллифнинг қалб эҳтироси, ҳаяжон етишмайди.

В.Белинскийнинг Гоголга мурожаат қилиб, «дарҳа — қикат мен сизни чин қалбдан севардим..» деб айтган гапларини эсланг. Хатдаги шу парчани дабдурустан ўқиган киши уни йигитнинг қизга қалб изҳори битилган бадий асар намунаси деб ўйлаши мумкин. Чунки унда буюк қалбнинг эҳтиросли муҳаббати жуда ёрқин ва гўзал акс эттирилган. Бу севги улуғ мунаққиднинг буюк ёзувчига катта муҳаббатидан дарак беради. Хатдаги ҳаяжон китобхонга ҳам юқади, Белинский ижодининг ҳаётбахш гуманизми кишини ўзига ром этади.

Ҳатто бундай хатларни ёзиш жараёнининг ўзи қизиқ. Белинский «Гоголга хат»ни ёзишда изтиробли ижод жараёнини бошидан кечирган. У бу хатни чет элда

*Тоғаев О. Публицистика жанрлари. 54 — бет.

Зальцбург шаҳрида давланиб турган вақтида ёзган эди. Бу жараёни ўз кўзи билан кўрган замондошлари бу ҳолатни қайд этиб қолдиришган*.

Афсус билан шуни қайд этиш мумкинки, ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида бундай ёрқин ва ҳис — ҳаяжонга лиқ тўла, мунаққид қалбини тўла намоён эта оладиган мактублар кам учрайди.

Албатта, адабий — танқидий мазмундаги хатлар ёзишда юксак малака ва ижодий тайёргарлик талаб этилади. Бунинг учун муаллиф ёзувчи ижодини, у яшаган муҳитни, шахсиятини, унинг ички дунёси, тафаккур тарзи, ижод усуллари ва услубини, нуқтаи назари ва тушунчаларини чуқур ўрганади, у ёзувчи асарларининг дунёга келиш жараёни, ўзига хосликларини атрофлича билиши зарур. Хат ёзувчи маҳорати катта ҳаёт ва меҳнат тажрибасига эга бўлган кишининг фикр ва туйғуларини таъсирли шаклда ифодалашга ёрдам беради.

Ёзувчи ижодининг нозик қирраларини, ўзига хос услубини яхши ўрганган О.Тоғаев Эркин Аъзамга мурожаатида бунинг тўғри эътирофи эди: «Ҳикоя сизнинг ёзувчилик талантингизнинг янги қирраси — ҳажвий юмористик тасвир услубингизни намоён қилган»**.

Мактуб сарлавҳасининг тўғри танлаши ҳам мунаққид маҳоратининг бир қиррасини намоён қила олади. Сарлавҳа рамзий код вазифасини ўтай олган. М.Қўшжоновнинг очиқ хати «Давр талаби ва ижод масъулияти» деб номланади, сарлавҳанинг ўзиёқ — талаб, масъулият сўзларининг юки мактубнинг ўта жиддий ёзилганидан дарак беради.

У.Норматовнинг «Адабий ўхшашликлар хусусида» деб номланган мактуби адабий — танқидий мавзуда ёзилганидан дарак беради.

О.Тоғаевнинг Ҳ.Икромовга ёзган хати «Муддао ва конфликт» деб номланган, мактубнинг бош ғояси — ёзувчини асосий ғояни беролмаслик ва зиддиятни асосли тасвирлай олмасликда айбладан иборат эканлиги сарлавҳаданоқ маълум бўлади.

*Белинский В.Г. Танланган асарлар. Тошкент: Ўздавнашр, 1955, 507 — бет.

*Тоғаев О. Прометей олови. Тошкент: "Ёш гвардия", 1985. 24 — бет.

Бадий ижод намуналарида бўлгани каби жамоатчилик учун эълон қилинган мактубларда сарлавҳа асосий гоёни ифодалашда муайян вазифани ўташи туфайли аҳамиятлидир.

Буни ҳатто китобхонларнинг мактубларида ҳам кўриш мумкин. Улар ёзган мактубларнинг сарлавҳасиданоқ маълум бир ижодкорга хайрихоҳлиги, ҳурмати сезилиб туради. Масалан, Асака туманидаги 7-мактаб муаллими А. Ўрмонов ёзувчига мактубини шундай номлайди: "Ҳурматим баланд ардоқли ёзувчимиз Саид Аҳмадга мактуб". Сарлавҳанинг ўзиёқ китобхоннинг адабиётга, ёзувчи ижодига хайрихоҳлигини кўрсатади.

МАКТУБЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. Инсон кўнглидаги гапларни тўкиб солиш учун қўлига қалам олиб хат ёзади. У бошқа бирорта жанрда хатчалик манбага яқин бўла олмайди, фақатгина хатда у эркин ва эҳтирос билан дардлаша олади.

Хат ёзиш инсоннинг кўнглига парвардигор солган улуғ бир мурувватдир, шу мурувватнинг ёғдусидан хат ёзувчининг ҳам, хат олувчининг ҳам қалби ва ҳаётини нурга тўлдиради.

Ҳазрат Навоийда бу лаҳза шу қадар ёрқин ифодаланганки, у ҳозиргача ўзининг тароватини йўқотмаган. «Руқъаеким, сафҳаси баёзи мажруҳ кўнгул жароҳатига кофурий марҳам еткургай ва номаки саводи нуқтасидан оқорғон кўзга мардуми бийно кетургайким, бу ҳижрон дарди бечорасин ва фироқ дашти оворасин анинг била мукаррам қилиб эрдингиз — етти»*.

Бу фикрларни адабиётнинг юксалиши учун ёзилган адабий танқидий йўсиндаги ҳар бир мактуб ҳақида ҳам айтиш мумкин. Чунки шоиру адибнинг, шунингдек, мунаққиднинг юрагидан чиқариб ёзган ҳар бир сатри келажак авлодга мактубдир.

А.Ориповнинг шеърӣ шаклдаги «Авлодларга мактублар» идан бир парча келтиришни жоиз деб топдик:

*Алишер Навоий. МАТ. 14 — том. 195 — бет

Авлодлар, сиз мени тингланг бир нафас,
Сизга бир сеҳрдан берурман хабар.
Ер юзи тинч турсин десангиз агар,
Сизлар ер устида сўйламанг ёлғон!

Мактублар адабий жараён ҳақида (албатта, тилга олинган давр ҳақида) маълумот берибгина қолмасдан, манба қилиб олинган асар таҳлили орқали мунаққид қалбида туғилган дардларини, кечинмаларини очиқ — ойдин тўкиб солиш имконини беради. Бу билан ёзувчи ижодининг ўсишига, унинг ҳар қандай нуқсонлардан холи бўлишига кўмаклашади. Халқимизнинг «бетга айтганнинг захри йўқ» деган нақлига амал қилиб, ёзувчининг камчиликларини очиб беради, ўзига кўрсатади.

Адабий — танқидий мактублар китобхон дунёқара — шининг шаклланишида, ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Китобхоннинг нафис бадиий дидини ўстиришга хизмат қилади.

Агар мактуб китобхонга мурожаат қилиб ёзилган бўлса, фикр — мулоҳазалар янада чуқурлашади, танқидчи адабий ҳодисанинг моҳиятини аниқ тушунтириб, китобхоннинг бадиий асарни тушуниш даражасини, савиясини оширишга кўмаклашади.

Бундай мактублар орқали китобхон адабиётга янада яқин бўлади, бадиий ижоднинг ички сир — асрорлари билан янада яхшироқ ошно бўлади. Бадиий ижоднинг қонуниятларини тушунган ҳолда бадиий асарга ёндошиш, уни ҳис этишга тайёр бўлади.

Адабий — танқидий мактублар ёзувчи ижодида ҳам катта ўрин тута олади. Ижодкорни сўз устида ишлашга, ўз ишига масъулият билан қарашга ундайди, камчиликларни такрорламасликка, йўқотишга чақиради.

Ёзувчининг ўзи ёзган мактублар эса унинг бутун қиёфасини, ички оламини китобхон ўз олдига яққол намоён этади. Шу ўринда мактубларнинг аҳамияти ҳақида Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги сўзларини келтиришни жоиз топдим: «...Зотан, мактуб мазмунидаги самимият, чин тилаклар, хушxabарлар, дўстлар хотирасида ва азизлар даврасида мени тилга олганликлари тўғрали (тўғрисида) сўзларингиз ҳазрат Масиҳнинг нафасидек ўликларни ҳам

тирилтиришга қодирдирлар. ...Башар зеҳнининг энг буюк ихтирои ёзувнинг ажиб жодугарлиги, бўлак фазилатлар билан бир қаторда, масофаларни яқинлаштириш ва дўстларни бир навъ кўриштиришдан иборат эмасми? » Шоир арабларнинг «Мактублашиб турмоқ — бевосита кўришмоқнинг ярмига тенг келади» деган ҳикматини келтириб, унинг «нақадар пурмаъни экани»ни таъкидлайди:

« Дарвоқе, ёзилган мактубдаги сўзлар ва ҳарфлар устига икки кишининг кўзлари тикилиб туриши ўзи икки шахснинг кўришишидек ғаштлик ҳодисадир. (Албатта, агар мактуб дўстона бўлса!)». М.Шайхзоданинг бу сўзлари мактубларнинг инсонга руҳий, маърифий ва маънавий таъсири улкан эканлигидан шаҳодат бериб турибди.

Умуман олганда, адабий — танқидий мактубнинг таъсир кучи юксакдир. Шу инobatга олинса, адабий — танқидий мактублар ҳамиша зарур, адабиётнинг ривожига, унинг тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди, юракка юракни яқин қилади.

ХУЛОСА

Хат, энг аввало, инсонлар ўртасидаги алоқа воситаси эканлиги маълум. Ижодкорлар хат воситасида адабиётга инсон қалбидаги турли кечинмаларнинг рангин кўринишларини ифодалаш учун мурожаат этадилар.

Адабиёт тарихида хатларнинг пайдо бўлиши антик даврларга бориб тақалади. Ўзбек адабиётининг илк тараққиёт босқичларида ҳам хатдан фойдаланилганлиги турли манбалар асосида етиб келган. Кейинчалик бадий адабиётда хат шаклидан фойдаланганлар. Номаларнинг пайдо бўлиши бунга мисол. Хат ижодкорларнинг кўнглидаги гапларни ҳаққоний ифодалашнинг самарали бир усулига айланди.

Алишер Навоий ижодида хат алоҳида ўрин эгаллайди. У хатлардан икки хил йўл билан: а) бадий асарлар ичида (ошиқона хатлар, дўстларнинг хатлари ва ҳ.к.) ва б) алоҳида жанр сифатида истифода этади. «Муншаот» адабиёт тарихидаги хатларнинг ёрқин намуналаридир.

Мактубларга хос хусусиятлар қуйидагилар: 1) мактубларнинг аниқ бир кишига йўлланганлиги — адресатнинг мавжудлиги; 2) кўпинча мурожаат билан бошланиши; 3) маълум мақсадни кўзлаб ёзилиши; 4) хат тузилишида мурожаатларнинг такрорланиб туриши; 5) хат қурилишида ўзига хос сюжет унсурларининг мавжуд бўлиши: бошланма, ечим, воқеалар ривож, тугун ва ҳ.к. 6) хатда турли бадий воситалардан фойдаланиш; 7) хатнинг ички кўринишлари: мавзуларига, кимга ёзилишига, характериға ва ҳ.к. қараб таснифлаш.

Адабий — танқидий мактубларда ҳам бу хусусиятлар мавжуд. Уларда, энг аввало, хат ёзувчининг ҳам, хат йўлланган кишининг ҳам манфаатлари муштарак: адабиётнинг юксаклиги учун курашиш.

Адабий — танқидий мактублар танқидчиликнинг бошқа жанрларидан аниқ ижодкорга йўлланганлиги, бадий асарларга муносабатнинг турли мазмундалиги, тузилиши, тили, услуби ва бошқа хусусиятлари билан фарқ қилади.

Адабий — танқидий хат ёзувчи — танқидчи — китобхон ораларидаги масофани яқинлаштиради, шу боис

унинг ишонтириш ва таъсир кучи баланд.

Матбуотнинг пайдо бўлиши адабий танқиднинг жонланиши ва ривожланишига алоҳида туртки берди. Фурқат ижодида хат жанри алоҳида ўрин эгаллади. Фитрат, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Ойбек, Ғафур Ғулом ва бошқалар ижодида хат намуналари кўплаб учрайди. Фитрат эса биричилардан бўлиб, мактубнинг «очиқ хат» шаклида ижод этишни бошлаб берди.

XX асрнинг 40—йилларида хатга эътибор кучайди. Унинг йиғиқ ва ёйиқ шакллари, жамоа бўлиб хат битиш усуллари пайдо бўлди. 70—йилларда ҳам бу йўналишда очиқ хат ёзиш анъанаси давом этди.

Мустақиллик йилларига келиб, бу жанрда мактубларга эътибор катта бўлдики, буни матбуот саҳифаларида эълон этилаётган кўплаб мактублар яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбек адабий танқидчилигида адабий—танқидий мактубнинг олти хил ички кўриниши мавжуд бўлиб, улар орасида ёзувчининг танқидчига, мунаққиднинг ижодкорга, ижодкорнинг шоир ёки адиб, мунаққид ёзган мактублари, айниқса, фаол ва адабиётнинг юксак мавқеи учун курашиб келмоқда.

Адабий танқиддаги очиқ хатларда асар ҳақидаги ижобий ёки салбий фикрлар кескинроқ, шиддатлироқ намоён бўлади. М.Қўшжоновнинг очиқ хати бу жанрнинг ёрқин намунасидир.

Ёзувчи хати турли муносабатларга кўра ёзилади ва улар қуйидагича тасниф қилиниши мумкин:

- А) шахсий хатлар; Б) адабий хатлар;
В) публицистик хатлар; Г) бадиий хатлар.

Шахсий хатларни ҳам кимга ёзилганлигига, мавзусига, мақсадига кўра гуруҳлаш мумкин. Масалан, ёзувчининг дўстига ёзган хати. Унда адабиёт, бадиий асар, адабий жараён ҳақида мулоҳазалар бўлиши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг "Танланган асарлар"ининг 4—жилдига кирган "Икки мактуб тарихи" га назар солиш мактублар давлат арбобларининг ижодкорларга, адабиётга муносабатини ойдинлаштиришга имкон беришини айтиб ўтишни лозим

деб билдик. Мактубда А.Орипов ёзувчи Ш. Рашидов томонидан ёзилган икки хатининг ёзилиши ҳақида сўз юртади.

Биринчи мактуб шоирнинг ўзига ёзилган бўлиб, "Ҳаким ва ажал" достонининг яратилишидан беҳад қувонган, унинг "халқимизнинг фахри ва ғурури" бўлиб қолишига ишонган қалб адиб ва давлат арбоби Ш.Рашидов қаламига мансуб. "Ҳаким ва ажал" достони жонажон адабиётимизнинг жуда ноёб мулки сифатида, поэзиямизнинг шоҳ асари сифатида ўқилади. Бу ижодий зафар билан сизни чин дилдан табрик қиламан"".

80 — йилларда битилган бу мактуб ўқувчига, энг аввало, А.Орипов достонининг ёзилиш тарихи ҳақида маълумот берса, иккинчидан, Ш.Рашидовнинг мукамал кийёфасини ҳам тўла гавдалантира олади.

Иккинчи мактуб Москвадаги нашриётлардан бирининг муҳаррири Н.В. Лесючевскийга ёзилган бўлиб, унда адабиётнинг келажаги, унинг тарғиботи учун қайгурган Ш.Рашидовнинг буюк қалби намоён бўлади.

Ш.Рашидов А.Орипов асарларининг рус тилига таржималаридан кўнгли тўлмай, шоирни таржимага масъулият билан қарашга ундайди. Мактубда Ш.Рашидов шоир асарлари таржимаси билан шуғулланишни илтимос қилиб сўрайди. "Абдулла Орипов шеърлари Сизга Р.Ҳамзатов, Эдуардс Межелайтис ва бошқа талантили шоирлар асарларини эслатади" деб ёзади.

Мактубда ўзбек адабиётининг келажагига ишонч, ёш шоирнинг асарларидан завқланиш, ўзбек адабиётининг дурдоналаридан бошқаларнинг ҳам завқ олишини исташ туйғуси кучли эканлиги яққол кўринади.

Бу икки мактуб Ш.Рашидовдек адиб, давлат ва жамоат арбобининг портретини китобхонга ёрқин очиб бера олиши жиҳатидан аҳамиятга молик.

Умуман, ёзувчиларнинг хати уларнинг ижодини,

*Орипов А. Танланган асарлар. 4 — жилд. Тошкент: АСН, 2001. 151 — бет.

яшаган даври, муҳити, инсон сифатидаги қирраларини ўрганишда катта манба бўлиб хизмат қилади. Бу жиҳатдан Навоий, Ғ.Ғуломнинг мактублари, шу билан бирга рус ва Ғарб адабиёти вакиллари ижоди ўзига хослик касб этиши маълум бўлди.

Ўзбек танқидчилигида мунаққиднинг китобхонга ёзган хатлари ҳам эълон қилинганки, улар ўқувчиларни Адабиётдай мўъжизакор оламга яқинлаштиришга катта ёрдам беради.

Китобхонларнинг ижодкорларга ёзган хатлари эса уларнинг адабиётга қизиқиш даражаси, интеллектуал қиёфасининг мукаммаллик касб эта бориши билан белгиланади. Афсуски, кейинги йилларда бундай хатлар камайиб бормоқда ёки ижодкорлар бундай хатларни эълон этишга эътибор қаратмаяптилар.

Адабий — танқидий мактублар ўзига хос тузилишга эга. Хат бошланма — мурожаат, барча сюжет тизикларининг бош ғоя атрофида уюштириш, хат йўлланган киши — хатни олувчи билан мунозара, турли бадий унсурлардан фойдаланиш, лирик чекиниш, қиёслаш ва хотима каби мустақкам устунларга эга жанрдир. Аммо улар ҳамма хатларда ҳам бир хил бўлавермайди. Шунинг учун уларни қатъий бир қолипга солиш унчалик тўғри эмас. Энг муҳими, хатда қўйилган мақсадга эришиш, мақсаднинг аниқлиги, қатъийлик, холислик, кенг илмий ва образли мушоҳада юритишга интилиш, шу асосда китобхонларнинг бадий дидини ўстириш, адабиёт равнақига кўмаклашишдир.

Адабий — танқидий мактуб илмий ва бадий тафаккур ҳосиласи экан, уларда энг аввало, мунаққиднинг услуби, ёрқин қалби кўриниб туриши лозим. Унинг фикрлари жозигага, таъсир кучига эга бўлиши, ўқувчини ишонтириши керак. Бадий асарни таҳлил қилишда аниқлик, холислик, ҳар томонлама муноҳада юритиш, мактубнинг бадийлигига эътибор қаратиш хат ёзувчи мунаққиднинг истеъдодига боғлиқ.

Азиз ўқувчи! Хатда кўнглим акс этиши шубҳасиз. Сўзимиз ниҳоясида ёзувчи Хурама, Дўстмуҳаммаднинг "Ал — Аъроф" драмасидан қуйидаги парчани келтириш орқали хатнинг инсон ҳаётидаги ўрни нақадар улкан

эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлишингизга ишондик: “Эдгар Жефферсондек улуғ зот умри бўйи ўттиз мингта хат ёзган! Мен ҳам қўлим бўшади дегунча хат ёзгим келади. Хат ёзсам роҳатланаман. Мен ҳаммангиздан ёлбориб- ўтиниб сўраган бўлур эдим: Хат ёзинглар. Тўкилиб — тўкилиб ёзинглар, шундай е-енгил тортасизларки!..” (“Жаҳон адабиёти”, 2004, ноябрь.59- бет).

Ҳақиқатан ҳам кўнгилнинг барча ранглари, жилвалари, ундаги ҳис — ҳаяжон ўқувчига ҳам юқиши лозим, шундагина хат ёзувчи мактуб орқали ўз мақсадига эришган бўлади.

МУНДАРИЖА

Адабий — танқидий мактубнинг жанрий табиатига доир тадқиқот.....	3
Кириш.....	7
Мактуб қалб кўзгуси.....	9
Адабий — танқидий мактубнинг генезиси.....	14
Адабий — танқидий мактубнинг жанрий хусусиятлари.....	23
Адабий — танқидий мактубнинг ички кўринишлари.....	32
Адабий — танқидий мактуб поэтикаси.....	74
ХУЛОСА.....	94

ШОИРА АҲМЕДОВА

**МАКТУБОТ ВА
АДАБИЙ ТАНҚИД**

Бухоро Давлат университети Илмий кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир:	М. Содиқова
Компьютер дастурчиси:	Н. Ражабова
Операторлар:	З. Бобоева
	Ф. Болтаева

*Теришга берилди. 8.08.2005 й.
Босишга рухсат этилди 27.09.2005 й.
Нашриёт рақами М-129.
Босма табағи 6,25. Буюртма № 1407
Адади 500.*

*ЎзР ФА "Фан" нашриёти: 700047,
Тошкент, , акад. Я. Гуломов кўчаси, 70.*

*"Ёқуб Довуд" босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27-уй.*

